
ISSN 0134 — 2207

496


ГУЛИСТОН

3
1989






БЎСТОНЛИҚДА КУЗ МАНЗАРАЛАРИ



Муқованинг иккинчи ва учинчи бетларида
Равшан Нуримбоевнинг
«Бўстонликда куз»
туркум суратлари билан танишасиз





ГБ УзССР
Ж

Марҳабо, Наврўзи олам!

Бу не ҳолким, ёшарибдур само ҳам, ер ҳам?
Ешартирмиш қалбларни Наврўзи олам!
Анварий

Наврўз — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тантана билан нишонланадиган энг шодиёна ва севимли байрамлардан. Эронда ноуруз, Афғонистонда наурўз, Туркия ва Ирокда навруз, Ўрта Осиё совет республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам наврўз номи билан аталувчи, лекин моҳияти бир бўлган бу байрамнинг эндиликда дунёвий байрам саналиши ҳам сир эмас. Лекин Наврўзнинг келиб чиқиши, унинг билан боғлиқ бўлган расм-одатларнинг мазмуни ҳамма вақт ҳам тўғри тушунилган деб бўлмайди. Яқин ўтмишда баъзи бир кимсалар томонидан бу байрам атрофида турли ғаразли гап-сўз уюштирилгани ҳам бу фикрни исботлайди. Шундай экан, назаримизда бу нарсаларга равшанлик киритиш, умуман, бу байрамга бўлган муносабатни тўғри аниқлаб олиш фойдадан холи эмас. Қолаверса, бу нарса қадимий байрамимизни янги замон руҳидаги анъаналар билан бойитишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиздир. Бу масалани атрофлича таҳлил этишни даъво этмаган ҳолда, қуйида Наврўзга оид турли манбаларда учрайдиган маълумотларни журналхонлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз.

Табиийки, биринчи навбатда Наврўз қайси замондан бери ва қандай муносабат билан байрам қилинади, деган савол туғилади. Машҳур шоир, математик ва астроном Умар Хайём «Наврўзнома» номли асарида ривоят қилишича, қадимги эронийлар ҳукмдори Жамшид (у оташпараст зардуштийлар китоби «Авасто»да Иима номи билан зикр этилган) йил узунлиги 365 кун ва чорак кеча-кундуздан иборатлигини ва шу боисдан тўрт йилда бир марта йил узунлиги 366 кеча-кундуздан иборат бўлишини аниқлаган. У ўзи ана шу ҳодисани кашф этган кунни байрам қилиб, Наврўз деб эълон қилган эмиш.

Шарқнинг машҳур классик адиби Абулқосим Фирдавсий ҳам ўз «Шоҳнома»сида Наврўз байрамини ўша подшоҳ — Жамшид номи билан боғлайди. Бу асарда ривоят қилинишича, Жамшид темир эритиб қурол ясашни, ип йигириб тўқиб, кийим тикишни, уй, ҳаммом қуришни ихтиро қилган, сўнг кишиларни уларнинг қобилияти ва ҳунарига қараб гуруҳ-табақаларга ажратган эмиш. Ниҳоят, кунлардан бир кун у тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилган ва бу ҳодиса, гўё фарвардин ойининг биринчи кунига тўғри келган эмиш. Буни кўрган халқ ўзини бахтиёр, ғам-андуҳлардан фориғ сезиб, Жамшидни табриклаган ва бу кунни байрам қилган эмиш. Айтишларича, ана шу кундан бошлаб фарвардин ойининг биринчи кунини янги йил боши, яъни Наврўз сифатида байрам қилиш анъанага айланиб қолган эмиш.

Иккала ривоятнинг ҳам афсонавий хусусиятга эга эканлиги кўриниб турибди. Бундан кейин, афғонистонлик олим А. Жовиднинг таъкидлашича, юқорида эслатилган «Авасто» китобида Жамшид (Иима)нинг Наврўзни байрам сифатида киритгани ҳақида ёки умуман бирор бир йилнома (календарь) тузганлиги ҳақида ҳеч қандай қайд учрамайди. Бу китобда келтирилган материаллардан маълум бўлишича, қадимги эронийлар йилни икки фаслга — ёз (узунлиги 7 ой) ва қиш (узунлиги 5 ой) фасларига бўлганлар ва ҳар иккала фаслнинг биринчи кунини янги йил сифатида нишонлаганлар. Бу фасларнинг ҳисоби баҳорги ва кузги тенгкунликдан, яъни кун ва тун узунлиги тенг бўлган пайтдан бошланган. Бу байрамларнинг баҳоргиси Наврўз ва кузгиси Меҳргон (маъноси — куз) номи билан аталган ва байрам қилинган.

Буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида ёзилишича, узоқ ўтмишда эроний халқлар йилномасида янги йил қуёш ёзги туришидан, яъни энг узун кун — 22 июндан бошланган. Берунийнинг ёзишича, бунинг сабаби шуки, «қуёшнинг иккала (яъни ёзги ва қишки) туришини кузатиш қуроллари орқали ва кўз билан билиш кеча-кундуз баробарлигини билишдан осонроқдир». Унинг таъкидлашича, йил боши астасекин сурилиб, баҳордаги тенгкунликка тўғри келиб қолган.

Умар Хайёмнинг «Наврўзнома»сида ёзилишига кўра, Наврўз байрами Кайхусрав (ёзма ёдгорликларда Куруш номи билан аталган бўлиб, тарихда ҳозирги Эрон территориясида ҳукмронлик қилган хахоманишийлар сулоласига асос солган мелоддан олдинги 558—529 йиллар подшоҳлик қилган) давридан бошлаб, Иездигирд (мелодий 632—651 йилларда подшоҳлик қилган) замонасигача катта тантаналар билан нишонлаган. Агар бу маълумотга асосланадиган бўлсак, Наврўз байрами деярли 26 асрдан буён нишонланаётгани маълум бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, барча тарихий фактларни аниқлик билан қайд этиш тарафдори бўлган Беруний Наврўзни айнан Кайхусрав замонидан бошлаб нишонланганини таъкидламайди. Бунга асосланиб, Наврўз байрами анъаналари ундан ҳам қадимги замонларга бориб тақалишини тахмин қилиш мумкин.

Юқоридагилардан маълумки, эронийларнинг қадимги йилномасидаги ойларнинг кун миқдори турлича бўлиб, шунинг учун қуёшнинг 186 кеча-кундуздан иборат бўлган «ёз» даврини етти ойга ва 179 кеча-кундуздан иборат «қиш» даврини беш ойга тақсимлаганлар. Табиийки, бундай номутаносиблик давлат ишларини бошқаришда маълум қийинчиликлар туғдирган. Йилноманинг бундай камчилиги ислоҳ қилиш мақсадида Иездигирд III номи билан юритилган йилнома тузилиб, мелодий 632 йилнинг 16 июнидан бошлаб жорий этилган. Бу йилнома бўйича йил 12 ойдан иборат бўлиб, жумладан, 11 ой 30 кундан ва 12- ой 35 кундан иборат бўлган. Йил ҳисоби эса, баҳорги тенгкунликдан бошланган ва ойларнинг номи фарвардин, урдибеҳешт, хўрдод, тир, мўрдод, шаҳревар, меҳр, обон, озар, дай, баҳман, исфанд деб аталган.

Мавзудан чекиниб шуни айтиш керакки, Эрон парламенти қарорига биноан 1925 йил 21 мартдан бошлаб араб истилоси даврида ишлатилмай қўйган мазкур Иездигирд III йилномасидаги ойларнинг номи қайта жорий этилди. Афғонистонда эса ҳозирга қадар буржий (буржга нисбат) йилномадаги ой номлари қўлланилади. Уларнинг номи қуйидагилардир: ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мизон, ақраб, қавс, жадди, далв, ҳут. Улуғ Октябрь инқилобигача ва ҳатто совет даврида ҳам, айниқса, халқ орасида Ўрта Осиёда ойлар номи юқоридаги буржий йилнома бўйича аталган, фақат жадди ва далв ойлари ўрнига баъзи жойларда чилла ва баҳман номлари қўлланилган.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, шуни таъкидлаш мумкинки, Наврўз байрами қадим замонлардан, аввало йилбоши билан, қолаберса, ёзги қуёш туриши, кейинчалик — баҳорги тенгкунлик ҳодисалари билан боғлиқ бўлган.

Келиб чиқиши нуқтаи назаридан табиат ҳодисалари билан боғлиқ бўлишига қарамай, Наврўз қадимги даврларданоқ хурофий ақидалар таъсиридан четда қолмаган. Қадимги эроний халқлар, Наврўз арафасида самодан ерга «фарвар» яъни руҳ тушади, деган тасаввурда бўлганлар. Инглиз тадқиқотчиси М. Бойснинг ёзишича, бу руҳлар илгари ўлган қариндош-уруғларга ва аждодларга тегишли бўлган. Ҳар ҳолда, шу руҳ эътибори туфайли йилноманинг биринчи ойини фарвардин деб атаганлар. Улар руҳдан қаттиқ ҳайиққанлар. Шу сабабли, уни рози қилиш, кўнглини овлаш мақсадида арафа куни аза тутганлар, вафот этган аждод ва қариндошлар қабрини зиёрат қилганлар. Шуниси муҳимки, Наврўзнинг биринчи ку-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 3 (469)

Март

1989

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон» № 3, 1989 й.

нидан эса, азага хотима бериб, хурсандчилик бошлаганлар.

Умар Хайёмнинг ёзишича, Наврўзнинг биринчи куни малик, яъни подшоҳ олдига мўъбад, яъни оташпарастлар руҳонийси келиб, унга май ва майса тутиб табриклаган, уни дуо қилган. Араблар истилосидан сўнг Наврўз байрами тақиқланиб, уни байрам қилувчилар таъқиб остига олинган. Бунинг сабаби, бир томондан, эски одат бўйича Наврўз байрамида май ичиш, хурсандчилик қилиш одатлари бўлса, иккинчи томондан, мусулмон руҳонийлари Наврўз байрамида оташпарастлик руҳининг давомини кўрганлар.

Араблар исломдан олдин, яъни жоҳилия даврида 13 ойдан иборат бўлган қамарий календардан фойдаланганлар. Мелодий 631 йилда Муҳаммад бу йилномадан «насий» (маъноси — «қўшимча») номли 13-ойни чиқариб ташлашни буюради. Бу ислоҳот 638 йилда халифа Умар томонидан амалга татбиқ этилади. Бу йилномада йил саноғи Муҳаммад Маккадан ҳижрат қилган мелодий 622 йилдан бошланган бўлиб, шу сабабдан ҳижрий йил деб аталади. Қизиқарлиси шундаки, 1-ҳижрий йилнинг 1-куни, яъни 1 муҳаррам Наврўздан эмас, балки қадимги араб йилномасига мувофиқ, 16 июлдан ҳисобланган.

Вақт ўтиши билан араблар эроний халқлар орасида тарқалган қуёшнинг ҳаракати асосида тузилган шамсий йилноманинг ўзлари қўллайдиган ой ҳаракати асосида тузилган қамарий йилномадан афзаллигини, хусусан, давлат ишларини юритиш учун қулай эканлигига қаноат ҳосил қилиб, бу йилномани қабул этганлар. Ҳижрий ой йилномаси қуёш йилномасидан ўн бир кун қисқа бўлгани туфайли, йилбоши ҳар йили олдинга қараб силжиб бораверган. Натижада давлат ишларини бошқаришда, айниқса, солиқ йиғиш муддатларини белгилашда бир қатор қийинчиликлар вужудга келган ва қуёш йилномасини қабул қилиш зарурати туғилган. Бу эса, ўз навбатида Наврўз анъаналарининг жонланиши, айрим ҳолларда эса, уларнинг қайта тикланишига олиб келади. Бу анъаналарнинг қайта жонланишида Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг эрксеварлик туйғулари заминида IX—X асрларда авж олган шуубия оқими (эроний халқлар ўтмишини улуғлашга асосланган)нинг ҳам таъсири бўлганлиги шубҳасиздир.

Энди Наврўзни йўқотишдан ноумид бўлган мусулмон руҳонийлари унга «ислом руҳи»ни сингдиришга интилганлар. Бу ишда уларга тарихий тасодиф қўл келиб қолган: тўртинчи халифа Али ибн Абу Толибнинг расмий равишда тахтга ўтирган куни баҳорги тенгкунликка, яъни Наврўзга тўғри келиб қолган. Бундан фойдаланиб, руҳонийлар Наврўзнинг қутлуғ кун эканлигини ана шу муносабат билан боғлашга уринганлар. Ҳозирги давргача шиа мазҳабидаги мусулмонларнинг Наврўзни алоҳида тантана билан кутиб олишлари ҳам қисман шу билан боғлиқдир.

Наврўздан оташпарастлик даври руҳини чиқариб ташлаш мақсадида мусулмон руҳонийлари бу байрам билан боғлиқ бўлган расм-одатларни ҳам ўзгартиришга уринганлар. Жумладан, қадимги эронийлардан қолган, Наврўз дастурхонини «ҳафт шин» (яъни «етти шин» — номи «ш» товуши билан бошланадиган етти хил овқат ва нарса: шам, ширинлик, шароб, шир — сут, шакар, шарбат, шона — тароқ) билан безаш одатини «етти син» (сабза — майса, синжид — жийда, сир — саримсоқ пиёз, сумоқ — ўсимлик уруғи овқатга солиб истеъмол қилинади, суҳон — эгов, сипанд — исириқ) билан алмаштирганлар. Қизиғи шундаки, «етти син» одати ҳозиргача Эронда риоя қилинаётган бўлса, Афғонистоннинг кўпгина жойларида «етти шин» одати сақланиб қолган. Фақат анъанавий шароб ўрнини шаҳд (асал) эгаллаган.

Наврўзнинг қадим замонлардан буён кенг нишонланишига маълум даражада бу пайтда табиатда юз берадиган ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин. Абу Райҳон Беруний буни жуда аниқ таърифлаб, қуйидагиларни ёзади: «У (яъни Наврўз) бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан то мевалар етилгунча, ҳайвонларда шаҳват қўзғолишидан то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан то у такомиллашгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Шуни ҳам айтиб қўяйлик: қадимги Римда ҳам йилбоши баҳорга — 1 мартга тўғри келган. Йилбошини 1 январга кўчириш тўғрисида римлик давлат арбоби ва саркарда Юлий Цезарь фармон чиқарган ва бу фармон эрадан олдинги 46-йилда қонунга кирган ва аста-секин бошқа мамлакатларга ҳам ёйила борган. Бу ислоҳотнинг мантиқий асоси шундаки, тахминан биринчи январдан бошлаб кунлар узая бошлайди ва бир йил давомида кунларнинг нисбатан кўп узайиши ва қисқариши бир туркумни ташкил этади. Россияда Пётр 1 фармони билан 1700 йилда йилбоши 1 сентябрдан 1 январга кўчирилган.

Наврўз байрамини нишонлаш унинг умумхалқ хусусиятига эга бўлишига қарамай, қадимги даврлардан бошлаб синфий қобиққа эга бўлган. Масалан, қадимда шоҳ ва амалдорлар Наврўзнинг биринчи олти куни давомида дарбор тузиб, ўзларига тегишли қишлоқлардаги мулкдорларни қабул қилганлар ва улардан туҳфалар олганлар. Бу кунлар «Наврўзи ом», яъни оммавий Наврўз номи билан юритилган. Олти кундан сўнг улар хилват қилганлар ва кейинги олти кун давомида айш-ишратга берилганлар. Бу кунлар «Наврўзи хос» деб аталган. Наврўзнинг 13-куни эса, барча далаларга чиқиб, сайр қилган. Бу кунни «сездақ бедар», яъни эшикдан ташқарига чиқиладиган 13-кун деб номлаганлар. Бой, амалдорлар ўзлари учун махсус байрам шароитини яратган бўлсалар, фақир-фуқаролар хўроз, бедана, қўчқор ва ранглланган тухумларни уриштириб, кўнгилхушлик қилганлар.

Оммавий сайил кунлари кураш, югуриш, ўқ отиш, улоқ чопиш каби ҳар хил спорт мусобақалари ташкил этилган, машшоқлар ва хонандалар махсус куй ва қўшиқлар ижро этганлар. Наврўзда чалинадиган куйлар «Шашмақом»да ҳам сақланиб қолган. Булар наср шуъбасидаги Наврўзи сабо, Наврўзи Ажам, Наврўзи хоролардир. Ўн икки мақом туркумида Наврўзи араб, Наврўзи баёти ҳам зикр этилади. Булардан ташқари, «Наврўзи бузург», яъни катта Наврўз навоси ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Масалан, форс-тожик классик шоири Манучеҳрий бундай ёзган эди:

Менга «Катта Наврўз»ни чал, эй мутриб,
бугун.
Чунки Наврўз куни «Наврўз» чалмоқ
удум.

Халқ орасида масиҳийлардаги Қорбобо ва Қорқиз сингари Наврўзнинг ҳам эртак қаҳрамонлари мавжуд. Масалан, Афғонистоннинг баъзи бир жойларида бу қаҳрамонларни Боба Наврўз (Наврўз бобо) ва Хола Кампирак (Кампирча хола) деб атайдилар. Одатда, уларнинг кийимлари яшил рангда бўлади. Халқ орасида бу фольклор персонажлари билан боғлиқ турли ҳазил-мутойибалар, ўйин ва томошалар мавжуд.

Наврўз байрами кейинги даврларда оддий халқ оммаси учун меҳнат шодиёнаси, деҳқончилик ва чорвачилик байрами тусини олиб келмоқда. Деҳқонлар бу кун «биринчи марза» тантанасини ўтказадилар. Бу одат бўйича қишлоқ аҳолиси далага чиқиб, қўш қўшади, қишлоқнинг энг ҳурматли оқсоқоли биринчи марзани очиб беради. Бу анъана баъзи мамлакатларда, жумладан, Афғонистонда ҳозиргача сақланиб келмоқда. Шунингдек, Наврўз кунлари расмий равишда бутун мамлакат бўйлаб кўчат ўтқазиш байрами ташкил этилади, халқ сайиллари, шеърият ва санъат байрамлари ташкил этиладики, бу нарсалар, назаримизда, биз учун ҳам ибратлидир.

Совет Иттифоқининг Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда Наврўз кунлари баҳорнинг ардоқли таоми — сумалак пишириш ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Аслини олганда, бу сўз форсча «саманў» сўзига бориб тақалади ва унинг маъноси «ундирилган буғдой» таоми маъносини ифодалайди. Баҳорда «бойчечак» айтиш, толнинг энди куртак отган новдасини ёр-дўстларга ҳадя этиш одатлари ҳам қадимий Наврўз байрами билан боғлиқдир. Наврўз кунлари, табиат ўз либосини алмаштиргани каби, янги кийимлар кийиб, ёр-дўст, қариндош-уруғ, айниқса, ота-оналарни кўргани бориш, уларни табриклаш халқимизнинг қадимий ҳикматли удумларидан ҳисобланади.

Қисқаси, бизнинг кунларимизда Наврўз байрами баҳорда юз берадиган табиат уйғониши, бутун борлиқ жисмида юз берадиган янгиланиш, сарин еллар нафаси билан йўғрилган яшаш нашидасининг ажойиб тимсолига айланиб бормоқда.

Раҳмон ИНОМХЎЖАЕВ,
филология фанлари кандидати



Ш. ШАРОПОВ фотоси (ЎзТАГ)

Ҳаваскор ансамбль Карл Маркс номли совхоз меҳнаткашлари ҳузурида.

Босилган материалларимиз изидан

«ЯНА ЯЙЛОВ ҲАҚИДА»

Республикамизда турғунлик даврида қишлоқ хўжалигига бир томонлама, яъни зўр бериб пахта майдонини кўпайтиришга интилиш ёмон оқибатларга олиб келди. Бу қишлоқ меҳнаткашларининг гўшт, сут, сабзавот ва бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун лозим бўлган имкониятларини чеклаб қўйди. Бизда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигининг асосий сабаби ҳам мана шу. Аҳвол шу даражага бориб етдики, кўпгина колхоз ва совхозларда яшаётган кишилар ўз оиласининг зарурий эҳтиёжлари учун бир бош сигирни асраш имкониятидан ҳам маҳрум бўлдилар. Фарғона водийсидаги Фарғона, Андижон ва Наманган областлари қишлоқларида аҳволнинг шунчалик ачинарли бўлиб қолганига анча йиллар бўлди. Бугунги кунда Қашқадарё областининг баъзи қишлоқ районларида ҳам аҳвол шундай.

Журналимизнинг 1988 йил 7- ва 8-сонларида эълон қилинган бир қатор мақолаларда қишлоқ аҳолисининг шахсий молларини боқиш учун яйлов йўқлигидан қийналаётганликлари баён этилган эди. Хусусан, журналнинг 1988 йил 8-сонида босилган «Яна яйлов ҳақида» мақоласида Китоб районидаги Свердлов номли колхоз аъзоларининг яйлов йўқлигидан сигирларини ҳовлида боғлаб боқаётганликлари ва бу эса хонадонлар учун катта ташвишлар туғдираётганлиги айтилган эди.

Мазкур мақола бўйича Китоб район ижроия комитетидан расмий жавоб олинди. Ижроком раиси Дилбар Усмонова имзо чеккан мазкур хатда жумладан шундай дейилади: «Яна яйлов ҳақида» мақоласида масала жуда тўғри кўтарилган. Свердлов номли колхоз аъзолари шахсий хўжаликларидаги молларини боқиш учун яйлов йўқ эди. Мазкур масала район ижроия комитети ва район агросаноат бирлашмаси йиғилишида муҳокама қилинди. «Зарафшон» совхози яйловларидан Свердлов номли колхозга ажратиб беришга қарор қилинди. Совхознинг тоғ участкасидан 600 гектар, шу жумладан, 400 гектар яйлов ер фойдаланиш учун Свердлов номли колхоз ихтиёрига берилди».



Бригада етакчиси Муҳаббат Тошматова.

Бухоро ип-газлама комбинати коллективи йиллик планни муддатидан олдин бажарди. Шунинг учун ҳам 1-йигирув-тўқув фабрикасидаги тўқувчиларнинг кайфияти аъло.

В. КОВРЕИН фотолари (ЎзТАГ)





Қизлар тў

Шарофат БОТИРОВА

* * *

Кафтимда тутганим гул эриб кетар,
Тоғларнинг бошида қор эриб кетар.
Куйчининг қўлида тор эриб кетар,
Мен сенга севгидан айтганим маҳал.

Кузда ҳам япроқлар хазон билмагай,
Узилиб тушса-да, армон билмагай.
Менингдек шайдони жаҳон билмагай,
Мен сенга севгидан айтганим маҳал.

Кумушга куч бергай мендаги изҳор,
Мажнунни саҳрода учратгай баҳор.
Армоннинг кўксидан узилгай иқбол,
Мен сенга севгидан айтганим маҳал.

Тоғлардан булоқлар жўшиб келади,
Дунёни тўлдириб қўшиқ келади.
Вужуддан қирмизранг бир ишқ келади,
Мен сенга севгидан айтганим маҳал.

Тоғ, булоқ барини, кел, суриб қўйгил,
Ҳайратинг расмини бир суюб қўйгил.
Шул мағрур бошингни кўксимга қўйгил,
Мен сенга севгидан айтганим маҳал.

Жиззах



Гулчеҳра РАҲИМОВА

ҚАЙТА ҚУРИШ

Зинҳор ғийбатчига қолмасин кунинг,
Сени маҳшаргача қувиб етади.
... Тошга айлангунча тахтиравон йўлинг,
Яна минг эшикка «ошно» этади.
Ҳасадгўйга ҳам дўст бўлишдан сақлан,
Чаплар оқ юзингга қоракуясин.
...Дардинг кўриб «дўстинг» бўлса хуш-хандон,
Айт, яна у қайси кўзни бўясин?!
Фирибгар ҳеч қачон билмайди шафқат,
Куйдирар ичини оғзингдаги ош.
Яна бор бисотинг бўлар машаққат,
Йўлга чиқсанг, танлаб чиқмасанг йўлдош.
Охир бу ҳаётдан эрта тўясан,
Узгартирса ўзни севган одаминг.
...Ўлчайди пул билан, вақт билан эмас,
«Завмаг» қўшнинг сенинг дадил қадаминг.
Очкўз таъмагирлар фақат бир эмас,
Тутар овозимиз еру-самони.
Энди ҳақиқатнинг кўзи «кўр» эмас,
Келди ўзни қайта қуриш замони.
...Зинҳор туҳматчига қолмасин кунинг,
Ўтган баҳосига сотар имонни.
...Биз-чун баҳоси йўқ бу қайта қуриш,
Яратар мукаммал, бахтли инсонни.

Тўрткўл



Салима ҚИЛИЧЕВА

НЕЧУН ПАРИШОНСАН?

Қачонлардир эдинг гуллола,
Кимдир энди сенга парвона.
Бугун нечун кўзларингда ёш,
Нечун бўлдинг унга бегона?
Ўз бахтингни топмадингми ё,
Сенга кимдир озор бердими?
Тоғда кезган сайёддек гўё
Қалб сирларинг лоқайд тердими?
Қўй, баҳорга пешвоз чиқ, ўйла,
Ўз умрингдан қолдирма ол из.
Қалб сирларинг халқингга сўйла,
Эл қизига айлангил, эй қиз!

ҚЎШИҚ

Янгра, янграйвергин, эй қўшиқ!
Қулоқларим, майли тешилсин.
Лоқайдликка қасос — таъсиринг
Томирларим аро эшилсин.
Янгра, янграйвергин, эй, қўшиқ!
Ўзим сенга сингиб кетайин.
Энди қадам қўйсам ҳар жойга
Таъсиринг элтишим тайин.

Умида АБДУАЗИМОВА

* * *

Тушимда тулпорда кетаётибман!
Умрда от минган эмасман асли.
Бирам тик, бирам шод кетаётибман,
Қаршимда ястанмиш сўлим ёз фасли.

Нур ўйнар бошимда,
Қошимда гуллар...
Сочим ҳам қирққокил эмиш, қизиқ ҳол!
Бундан лол ҳам эгик эмиш сунбуллар.
Йигитлар турганмиш адл, қизиққон...

Йигитлар Рустамдай
Қайсар ҳамда мард.
Эҳтирос табиий, эъзоз табиий.
Шу важдан қизлар ҳам нозик ва бегард,
Шу важдан нигоҳлар нурли, самимий...

Тошкент

Ҳабиба АБДУҲАКИМОВА

КУТИШ

Тунларми шунчалик узун,
Кунларми шунчалик узун.
Ой санаб йўлга боқарди,
Бодомнинг кўзи оқарди.

Боғимда йўқ тароват,
Жонимда йўқ ҳаловат.
Мен қолиб изингга мушток,
Чиқибди томга қизғалдоқ.

ЎРТАНИБ

Кечириб яшайман ўзимни ўзим,
Мендан узоқдадир шодмон туйғулар.
Ҳақ сўзни ҳайқириб айта олмасам
Яқин келаверар менга қайғулар.
Ўртаб юборади одамни баъзан
Оддий ҳақиқатнинг ғамгин туриши.
Қизиқ туюлади тасаввуримда
Ўтнинг дарахт ҳақда хаёл суриши.
Тўғри, ҳар ким билан яшар туйғулар,
Ҳар кимни, ҳар қайга элтаверар вақт.
Мени қизиқтирар кўп йиллик азоб,
Уқубатлар ичра келадиган бахт.



Ойнахол ЭШҚУЛОВА

ДАШНОБОД АНОРЛАРИ

Алюмин заводидан чиқаётган заҳарли дудлар Дашнобод анорзорларига қирғин келтирди

Ҳолингиз кўриб бечора анорларим,
Олам дод солди, бағримда ёнарларим,
Айтолмай дардин ўт ичра қолярларим,
Қайдасиз азиз, Дашнобод анорлари?

Адо бўлибсиз фалакнинг гардишидан,
Қонлар ютдингиз инсоннинг ҳар ишидан.
Тўлди самолар табиат нолишидан,
Қайдасиз азиз, Дашнобод анорлари?

Ўзлигин достон этган анор энди йўқ,
Ҳар донасидан асал томар, энди йўқ.
Кўкси палағда, тешиб ўтган мисли ўқ,
Қайдасиз азиз, Дашнобод анорлари?

Кўзларинг ёшин ҳеч ким асло артолмас,
Тиллари лолдур, журъат фидо этолмас.
Шоирлар ёзиб, дардинг адо этолмас,
Қайдасиз азиз, Дашнобод анорлари?

Қолди орзу бўлиб баркашдаги суратлар,
Екамни тутди алам тўла ҳайратлар.
Топилмаса даво, унда дунё нетар,
Қайдасиз азиз, Дашнобод анорлари?

ҳаситаси



Бибисора ТУРОБОВА

САВОЛ

Айтинг-чи, бахтингиз сиғмаса дилга,
Аршидан ошганда севинчларингиз,
Менмас, қаршингизда у лоқайд турса,
Бепарво турса у — қандай чидайсиз?
Айтинг-чи, гоҳида асов туйғулар,
Жиловсиз туйғулар сиғмаса жонга;
Кўзингиздан қочса ширин уйқулар,
Орзулар қайнаса, кўпирса танда;
Менмас, қаршингизда у мудраб турса,
Беҳис, карахт турса — қандай чидайсиз?
Баъзан тор келганда шу ёруғ дунё,
Қоронғи кўринса бугун, келажак.
Битта жонингизга минг хил муаммо —
Хуруж қилиб турса, оғриса юрак;
Менмас, ёнингизда у хушвақт турса,
Беоғриқ турса у — қандай чидайсиз?
Нотанти тақдирга отмайсизми тош,
Чиқиб кетмайдими оҳингиз кўкка?
Нега-нега ахир кўтармайсиз бош,
Нега курашаман мен ўзим якка?
Нега мен кўтаргум энг оғир юкни,
Нега яшаяпмиз икки қитъадай?
Йўқ деб киёлмайман эгнимга кўкни,
Учиб боролмайман истасам токай?
Токайгача ахир яшаймиз шундай?

Самарқанд

Назира ЙЎЛДОШЕВА

МЕН БУГУН ҚОР ҚАЛОВИН...

Мен бугун қор қаловин топмоқликни истайман,
Тандирдаги оловдай бир гувиллаб ёнсин у.
Қизиётган қор сувин ишққа қориб ичгайман,
Томиримда шаршара суронларин солсин у.
Ёнимга бошлаб келсин муҳаббатимга зорни,
Мен унинг юрагига олиб кирай баҳорни.

Шивирласин дил билан: осмон яшил, ер яшил,
Адир чечакларининг ёноғида йўқдир гард.
Момагулдираклардан чўчима, чақса чақин
Иккимизга ҳам бирдай паноҳ бўлар муҳаббат.
Ўт-ўланли сўқмоқдан кенгликларга кетгаймиз,
Бирга-бирга дунёнинг поёнига етгаймиз.

Кўзингга чалинаркан баланд чўққи, баланд тоғ,
Қоядан-қояга сен ўтгил ҳадиксирамай.
Тун чўкса йўлларингга ўзим бўлурман чироқ,
Коинотни у ердан аниқ, яққол кўрарсан.
Ўз дунёнг уфқлари оппоқ тонгдай ёришиб,
Кетар юлдузлар тўла осмон билан қоришиб.

Кўрарсан замин узра уймалашган тўдани,
Ердагиларга бу ҳол қисмат бўлди ҳамиша.
Зимдан иш битирмоқнинг ҳунарини ўрганиб,
Олмишлар, бир-биридан қилмай зарра андиша.
Ташвишдан қутулмоқ йўқ, осмон баланд,
ер қаттиқ,
Шундан бири-бирига дўст ё ашаддий рақиб.

Шунданмикин, сайёра чуқур хаёлга толган,
Виз унинг дардларига ҳамдард бўлолсак зора.
Қара, ахир у жуда қийин аҳволда қолган
Ўзимиз-ла ўзимиз ерда бўлгач овора.
Кичик доираларда қилавермай дилни ғаш,
Юлдузга айланамиз, шудир чинакам яшаш!

Мен бугун қор қаловин топмоқликни истайман...

ЕМҒИР ЁҒАЁТИР

Емғир ёғаётир,
Биламан, ҳозир
Чекка бир қишлоқда
Деҳқон ота уйининг уч-тўрт бурчагидан
Томчи томаётир бетиним, чак-чак.
Идишларни бир-бир қўйиб чиқаркан,
Тақдирни ғулдираб сўкар аёли.

Танчада ўлтирар болакайлари,
Шахмат суришади бепарво, беғам.
Шулар билан томни шувовди ёзда,
Лойни тайёрловди шу мишиқилар.
Емғирда қолди у ўхшаб қоғозга,
Тушмаса бас эди ишқилиб қулаб.

Шиферли уйларни кўришган булар,
Кўришган кўп қават биноларни ҳам.
У ерларда ҳаёт гуллар, барқ урар,
Олис қишлоқларда эса ўсиш кам...

Пулингга топмайсан шиферни ҳатто,
Қишда қолиб кетгунг лойларга ботиб.
Яшаяпмиз чоғи қандайдир хато,
Йўқса нечун бу хил қишлоқ ҳаёти?

Меҳнатдан бошқасин билганим йўқ-ку,
Эмас-ку менинг ҳам бу жоним темир.
Ўғлим, камчилигим тузат сен ўқиб,
Том суваб яшамай десанг бир умр.

Емғир ёғаётир...

* * *

Тупроқ... Йўқ, янглишдим, осмон бўл,
Бағрингдан юлдузлар сўнмасин.
То тирик эканман, омон бўл,
То тирик эканман, ўлмагин!

Муҳаббат безовта яшашдир,
Жазонгни муҳаббат берсин, бас.
Сен мендан кейин ҳам яшаб юр,
Кўксингда овозим бериб сас.

Шоҳиста СИДДИҚОВА

БЕЛАНЧАКДА УХЛАЙДИ БОЛА

Беланчакда ухлайди бола,
Энг соф, шаффоф рангин бир вужуд.
Ушоққина юраги аро
Яшамоққа ташналик мавжуд.
Беланчакда ухлайди бола,
Келажакнинг ёркин умри у.
Янграр алла мисли шалола,
Йўқ, алламас, мунаввар туйғу.
Беланчакда ухлайди бола,
Дунёда энг қудратли устун.
Унга доим меҳр ҳавола,
Шунинг учун олам бус-бутун.
Беланчакда ухлайди бола.

* * *

Шамоллар гулларнинг нопармон, ҳарир,
Нафис кўйлакларин ечиб олдилар.
Қуёшнинг ишқ тўла кўзлари асир,
Яланғоч ғунчага боқиб қолдилар.

Ҳаёдан қимтиниб қизлардай, яшил
Япроқлар остига кирдилар беун.
Сирлашиб қуёш-ла пинҳона, аҳил,
Олмага айланиб қолдилар бир кун.

Уллибиби ОТАЕВА

БИЗНИНГ БУВИЖОНЛАР

Бизнинг бувижонлар ўз эрларидан
Совға-салом эмас, хатлар кутишган.
Хиноли қўл эмас, қонли дил билан
Чанг босган йўлларга кўзин тутишган.
Навқирон, хушсурат эрларин улар
Там-там гўзаллардан, қизлардан эмас.
Дайди ўқлар, шумшук уруш келтирган
Бевақт ўлимлардан қизғанишганлар.
Улар хавотирда яшашган эмас,
Яна ичиб келса нима бўлар деб
Кунда минг уришиб ярашишган эмас,
Гоҳи ишни судга оширишган эмас.
Соатлаб навбатда туришган эмас,
Гўзаллик салони, театрларга,
Ўзлари нақ қуйма тилло бўлишгач,
Зарурат бўлмаган олтинга, зарга.
Уларнинг йўллари Қрим, Сочимас
Нон дўкон, сельсовет ҳам дала бўлган.
Шу қисқа йўл эрта совет солдатин
То Берлинга элтар ғалаба бўлган.

ИСТАЙМАН

Истайман, учовлон бўлсак ҳамсуҳбат,
Биттамиз даврани тарк этсак ногоҳ,
Бошламасак унинг устидан ғийбат.
Фақат икковимиз бўлиб қолмасак оппоқ,
Икковимиз тарқаб кетсак икки ён
Ёмонотлиқ қилмай бир-биримизни.
Бир-бировни кўзга суртсак кўрмай ҳам,
Сақлай олсак яна дил сиримизни.
Бемор она қолиб бир ёнда бефарқ
Соппа-соғ бошликдан ҳол сўрамасак,
Қилиб қайноналар иззатини тарк,
Ишимиз тушганга қўш букилмасак.
Таниб ўсса бизни ўз фарзандимиз,
Ойлаб бувиларга ташлаб кетмасак.
Олдин ёдга келса бурчу қарзимиз,
Ҳуқуқ талаб этиб, ёқа йиртмасак.
Меҳмонни турларга бўлиб кутмасак,
Бир хил очиқ турса доим дастурхон.
Сохта такаллуфлар қўлин тутмасак,
Бу розлар қоғозда қолмаса гирён.

Урганч

Марҳабо **МАМАДАЛИЕВА**

* * *

Иккимиз яшаймиз тинч ва осуда,
Баъзан суҳбатларга тополмай мавзу.
Бир аёл яшайди юрагингизда
Ҳар лаҳза бағрига чорлаб турар у.
Кўзингизда сақлаб суратларини
Тунлари ухлайсиз безовта-ю «жим».
Исмини яшириб тилларингизга
Ҳеч иш тополмайсиз васлидан муҳим.
Бу дардларнинг ҳамма-ҳаммаси бирдан
Кўзлар юмилганда босади сизни.
Гўё парвойимга келмайди менинг —
(Ёнингизда турган) яримингизнинг.
Сиз тушлар кўрасиз тунлари ёруғ:
Ҳижрон ортиқ азоб бермас юракка
Келар кутганингиз ҳар лаҳза интиқ,
Мана сиз, ана у, қоласиз якка...
Нонушта пайтида келган ўй паққос
Учириб юборар ҳушларингизни.
Айтмадингизмикан исмини бехос
Кечқурунги кўрган тушларингизда.
Кейин тикиласиз зимдан кўзимга,
Мен эсам боқаман «шубҳасиз, сокин».
Алданиб бораман ўзим-ўзимга
Мамнун қўлларимни сиқасиз секин.
Оҳ, бу бармоқларда меҳр йўқ, тафт йўқ,
Қалбим азобига малҳам йўқ, наф йўқ,
Бу қўлларда бордир фақат бир маъно —
Менинг гўллигимга айтар тасанно.
Кетасиз, келади кўзларимга ёш,
Армонлар бўғади чиқармай сасим.
Бўлолмаса ҳамки сизга умрдош,
Сиз севган аёлга келар ҳавасим.

ҲАМДАРДЛИК

Азизим, сен менга юрагингни оч,
Нимага хомушсан, гапир барини.
Дардингни қизғонма, мен томонга соч
Ёзайин кўнглингнинг чигилларини.

Қийнаётган махфий армонларни айт,
Ҳеч кимга сотмайман, юрагим кафил.
Мен қандай кулайин сен йиғлаган пайт?
Биз битта заминда яшаймиз, ахир.

Дарахтларга боққин, барги олтиндан,
Кузни қўйиб қўйдик хоҳишларига.
Кел, биз ҳам шеърхонлик қиламиз дилдан,
Тупуриб дунёнинг ташвишларига.

Қара, осмонларни қоп-қора булут,
Тўғри тушунилса, бу ҳам бир чирой.
Дарров оқ тунларни қилмагин унут
Бир кеча осмонда кўринмаса ой.

Дардларингни кимга элтмоқчисан сен,
Кимларга сарғайиб юрасан энди.
Гапир, ёнгинангда турибман-ку мен,
Ташвишларга бериб қўймайман сени.




Омоной **РАББИМОВА**

БЕШБУЛОҚ АФСОНАСИ

Қадим ўтган замонда,
Гўзал Бахмал томонда,
Сулув она бор экан,
Унинг жажжи фарзанди
Жонига мадор экан.
Бир кун сулув онани
Ўғирлаб кетибдилар.
Гулдай фарзанди билан
Дашт сари элтибдилар.
Она-бола чанқашиб:
«Беринглар сув», дебди,
Золимлар: «Чанғоингни
кўз ёшинг-ла юв», дебди.
От устидан ўзини,
Она ерга отибди.
Она-бола иккиси
Заминда тош қотибди.
Онанинг беш панжаси
Ботиб заминга чуқур,
Беш панжа очган кўздан
Сув отилибди биллур.
Ердан сув отилган жой
Булоққа айланибди.
Шундан халқнинг қалбига
Бир ҳикмат жойланибди:
Ҳақиқатдир афсона,
Ҳақиқатдир эртаклар.
Ҳақиқий аёлларни
Ардоқланглиз эркаклар.
Аёл қадам қўйган жой,
Нур — ҳаёт бошлаб турар,
Аёл борки, бу олам
Гул бўлиб яшнаб турар.





Асли хоразмлик Турсуной Салимова Тошкентдаги мураккаб касалликларни даволаш ИМИни муваффақиятли тамомлаб, институт клиникасида ишга қолган эди. У ишчанлиги ва ҳаракатчанлиги туфайли коллектив ўртасида эътибор орттирди. Ҳозир Турсуной институтнинг 2-клиникасида 3-терапия бўлимини бошқармоқда.

В. МОСИН фотоси



Фиръавн давридаги гидротехника

Биринчи дамба қачон ва қаерда қурилганини биласизми? Сайёрамиздаги энг қадимий иншоот — Садд-аль-Кафара дамбасидир. У Мисрда, тахминан 4600 йил муқаддам қурилган. Бу билан икки ғалати ҳол боғлиқ. Биринчиси шуки, қадимги Мисрда бундан бошқа дамба қурилмаган. Фақатгина бизнинг асримизга келиб навбатдаги дамба қурилган. Иккинчиси, Садд-аль-Кафарадан иригация ишларида фойдаланилмаган. Олимларнинг фикрига кўра, дамба ёрдамида мармар конига қаратилган сув омбори қурилган, холос.

Ракнинг давоси — чой

Япониялик олимлар диққатини кўпроқ кўк чой истеъмол қиладиган жойларда аҳолининг рак касаллиги билан оғримаслиги жалб этди. Улар буни денгиз чўчқаларида текшириб кўрмоқчи бўлишди. Уларнинг текширишлари натижаларини Италия газетаси — «Унита» эълон қилди. Рак билан касалланган денгиз чўчқаларини икки гуруҳга бўлишди. Иккинчи гуруҳ чўчқаларни эса кўк чой билан «сийлашди». Бироз вақтдан сўнг жониворларнинг биринчи гуруҳи ўлди, лекин иккинчи гуруҳдаги чўчқаларда касаллик аломатлари камая борди ва баъзи ҳолларда тамоман тузалиб кетди.

Гигант қуш қолдиқлари

Яқинда Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатида қачонлардир ер юзида яшаган, учишга қодир бўлган қушнинг қотиб қолган қолдиқлари топилди. Унинг оғирлиги 70—75 килограмм бўлиб, қанотларининг узунлиги етти ярим метрга етган. Майда ҳайвонлар билан озиқланган бу «қуш» 5—8 миллион йил аввал яшаган.

Бўри — овчининг дўсти

Канаданинг шимолидаги Уэйкем-Бей шаҳарчаси чеккасида яшовчи Раджер Макфар жасур ва омадли овчи сифатида ном қозонган. У икки бўри боласини боқиб, итларга ўхшаб овга ўргатган. Улар ўз эгаларини ҳар қандай хавфдан сақлар эканлар.

Ҳинд сигирлари муаммоси

Ҳиндистонда сигирлар, маймунлар муқаддас саналади. Шунинг учун ҳам кўчаларда, чорраҳаларда бемалол юрадилар ва ётадилар. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ниятида маҳаллий ҳукумат томонидан махсус бригада тузилди. Бу бригаданинг вазифаси эгасиз, дайди сигирларни доимий яшаш жойларига ўргатишдан иборат. Шуниси қизиқки, сигирлар махсус хизмат машиналарини яхшилаб таниб олишган, узоқдан кўрди-денгунча яширинишга ҳаракат қилишади.

КОИНОТДА БИР ЙИЛ



Космонавтлар — М. МАНАРОВ (чапдан), В. ТИТОВ ва Ж. Л. КРЕТЬЕН. Ерга тушгандан сўнгги ҳолат.
В. Кузьмин ва А. Пушкарев фотолари (ТАСС фотохроникаси)

Мамлакатимизда космик фазони изчил тадқиқ қилиш программасининг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли бу борада тобора ажойиб натижаларга эришмоқдамиз. Совет космонавтлари Владимир Титов ва Муса Манаров совет космонавтикаси тарихида биринчи марта орбита бўйлаб бир йил парвоз қилдилар. Улар Франция Республикаси граждани, космонавт-тадқиқотчи Жан-Лу Кретьен билан бошқариладиган «Мир» комплексида белгиланган тадқиқотлар ва экспериментлар программасини муваффақиятли бажариб бўлгач, 1988 йил 21 декабрда Москва вақти билан соат 12 дан 57 минут ўтганда Ерга қайтиб тушдилар.

Космонавтларимиз бир йил давомида учувчи бошқарадиган «Мир» комплексида астрофизика, геофизика ва медицинага оид кенг программани, шунингдек, технология ва биотехнология бўйича муҳим экспериментларни амалга оширдилар.

Белгиланган программада Ернинг табиий имкониятларини тадқиқ қилиш ва атроф муҳитни ўрганиш ишларига анча ўрин берилган эди. Космик фазодан туриб қуруқлик ва Тинч океан оддий кўз билан кузатиб борилди ва суратга олинди. Жами 12 мингдан ортиқ сурат туширилди.

Парвоз давомида галактика ва галактикадан ташқаридаги турли астрофизикавий объектлар, рентген ва ультрабинафша нурларнинг манбалари, ер атрофидаги космик фазо ҳамда Ер атмосфераси тадқиқ қилинди. Шунингдек, тадқиқотчи врач иштирокида космик медицина бўйича катта ҳажмдаги экспериментлар бажарилди. Экипаж аъзоларининг доимий равишда назорат қилиб борилиши ва муҳофазавий тадбирлар туркумининг амалга оширилиши космик парвознинг узоқ давом этишига имкон берди.

Владимир Титов ва Муса Манаров очиқ космосда «Квант» астрофизикавий модулнинг рентген телескопларидан биринниг ишлашини таъминлаш бўйича мураккаб монтаж ишларини бажардилар, қуёш батареясининг тажрибавий секциясини ўрнатдилар.

Халқаро ҳамкорлик доирасида ҳам кўпгина тадқиқотлар амалга оширилди. «Мир» комплексида Болгария ва Афғонистон космонавтларининг иштирокида программада белгиланган ишлар бажарилди.

1988 йил 28 ноябрдан орбитал комплексда 23 кун давомида беш нафардан иборат совет ва француз космонавтлари биргаликда тадқиқотлар ўтказдилар. Халқаро экипаж иш вақтининг катта қисми тиббий экспериментларга ажратилди. Янги усуллардан ва такомиллашган ускуналардан фойдаланилган ҳолда кардиологик, психофизиологик, кардиобиологик тадқиқотлар ўтказилди, одам организмидаги модда алмашиш жараёнлари ўрганилди.

Экипаж командири Александр Волков ва француз космонавти Жан-Лу Кретьен очиқ космосга чиққан вақтларида йирик габаритли конструкцияни очиш ва монтаж қилиш ишларини бажардилар ва программада кўзда тутилган илмий-техникавий экспериментларни амалга оширдилар. Улар очиқ космосда ҳаммадан узоқ вақт — 5 соат 57 минут бўлдилар. Чунки белгиланган жараёнларни секин бажардилар.

Узоқ муддатли космик парвоз давомида олинган натижалар катта илмий қимматга эга бўлиб, булар мамлакатимиз фани ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилади, умумтараққиётга, ер юзидаги барча кишиларнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Совет космонавтлари Александр Волков, Сергей Крикалев ва Валерий Поляков эса учувчи бошқарадиган доимий ишлайдиган комплекс ичида программада белгиланган тадқиқотларни ва экспериментларни бажаришни давом эттирмоқдалар.

ДЕҲҚОН ТАШВИШИНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ





Бу саволга жавоб шундай бўлди:

— Йўқ. Деҳқон бир ишни тугатмасдан иккинчисининг ташвиши хаёлини банд этади.

— Деҳқон қувончининг чеки борми?

— Ҳа. Йилига тўрт мартагина қувонч онлари насиб қилиши мумкин. У ҳам бетиним курашлардан сўнг...

Тадбиркор бригадир, пахта устаси Аҳмаджон Камоловнинг мағизли фикрлари ва жавобларини тинглаб, унинг нақадар зукколигига яна бир бор инондим.

Йилнинг тўрт лаҳзаси. — Деҳқон кўзлаган мақсад манзилларининг бекатлари бу. Тўкилган пешона терлар самараси кўринадиган ҳаяжонли онлар бу. Кўкўпар хирмонлар тақдири бу. Ана шу лаҳзаларда пахтакор умрининг мазмуни мужассам.

Олча гулидек оппоқ тонг отди. Аҳмаджон ака одатига кўра субҳидамдан дала кезмоқда. Нигоҳи эгатларда маржондек тизилган ниҳоллар узра югуради. Кўзларида бир олам меҳр, юзларида мамнуният ифодаси. Бу узоққа чўзилмади. Беш гектарли картага ўтиши билан кайфияти бузилди. Пешонасидаги ажинлар чуқурлашди.

— Нима қиламиз? — Бригадирнинг аҳволини тушунган Кабирбой гапни шундан бошлади.

— Келдингми, ука, юрагим сезганди ўзи, шу картани экишга шошилдик-да.

— Ҳавонинг тумтайиб олишини туш кўрибмизми, ака?

— Йўқ, Кабирбой, табиатга таъна қилиш ярамайди. Баҳор ҳавосининг беқарорлигини энди кўришимизми. Деҳқончиликда қолип йўқ. Баъзан ҳавонинг раъйига, баъзан ернинг ҳолатига қараб иш тутмаса бўлмайди.

— Тўғри, қайтанга кейин экканларимиз тез униб, тез ривожланаяпти. Олди икки қулоқ бўлиб, яганага келиб қолди. Бу ердачи...

Колхоз машинаси шийпон олдида тўхтади. Ундан ўқувчилар тушишди. Аҳмаджон ака болаларни аввалига меҳмон қилди. Кейин сўради:

— Нимага келдиларинг ўзи?

— Яганага кўмаклашгани, — дейишди ўқувчилар.

— Бунинг учун катта раҳмат, аммо бизга ёрдам керак эмас, ўзимиз эплаймиз.

— Ҳазиллашманг, Аҳмаджон ака. — Ҳайрон бўлди группа раҳбари.

— Чиндан айтаяпман.

— Қанийди барча бригадирлар ҳам сизга ўхшашса, болаларнинг ўқишига путур етмасди.

— Биз шундай қарорга келдик. Ажабмас, бошқаларга ҳам маъқул тушиб, фарзандларимизга ғамхўрлигимиз кучайса...

Бригадир колхоз правлениесида ўзининг қимматли фикрини айтганда айримларга оғир ботди. Гапириш осон, ҳали ишлатмаганингизни кўрамиз, деб луқма ташлаганлар ҳам бўлди.

— Ҳар бир колхозчида ерга эгалик ҳиссини кучайтириш, топширилган иш учун жавобгарлигини ошириш муваффақиятни таъмин этади, — деб сўзида давом этди ташаббускор. — Ҳашарчида эса ана шу ҳис етишмайди. Биз ўзимиз етиштирамиз, ўзимиз териб оламиз. Шиоримиз шундай...

Эртасига эрталаб у ҳамма гапни коллективига етказди.

— Яхши айтибсиз, — Санталат Қодирова бригадирни қўллади. — Қачонгача болаларни ишга буюриб, орқасидан ўзимиз югурамиз. Қирқ киши кунига 20 сотихдан 8 гектарни қўлдан чиқаришимиз аниқ. Мукаррам Тожиаҳмедова, Зарифа Аъзамова билан кечанинг ўзида икки нормадан ягана қилдик. 15 кунда ортиқча кўчатни йўқотамиз.

— Лекин талабимиз ҳам бор, — Завражон Акбарова ўрнидан турди. — Мавсумий боғчада болалар ўйинчоғи етишмайди. Улар ўйнаб овунмаса юпатамиз, деб вақтимиз кетаверади.

— Шунинг ўзими, бугуноқ бажарамиз. Сизлар яганага зўр бераверинглар, мен ҳозироқ шуғулланаман.

Бригадир аъзоларни ишга солгач, колхоз идорасига жўнади. Раис ўринбосари Маҳмуджон Илмияминовни топди, бухгалтерияда ҳужжат тайёрлатди. Магазинга борди. Боғча тарбиячилари Карима Турсунова билан Умринисо Усмоновага ўйинчоқларни топширгач, кўнгли ўрнига тушди.

1988 йил июнь. Бу орада тракторлар ғўза қаторларини 3—4 марта оралаб чиқди. Кўчатлар бут бўлди. Бўш уялар қолмади: симёғочлар ва тутлар остида ҳам ғўза ўсди. Ҳосил нишоналари — шоналар шохларда тизила бошлади. Ана шу паллада обком секретарлари бригадага келишди. Улар карталарнинг кирғоғигача кўчатлар бут ва бир текис ўсаётганини кўриб қувонишди. Трактор қаердан эгатга кириб-чиққанини билиш қийин эканлигини кўриб, уста пахтакорнинг ишига қойил қолишди.

— Раҳмат, Аҳмаджон Камолов, сизлардан ибрат олса арзийди.

Бригада ишини қўшни районларга ҳам намуна сифатида айтишган чамаси. Эртасигаёқ Норин район партия комитетининг биринчи секретари Маҳмуджон Мирзабоев раҳбарлигида етакчи мутахассислар ва хўжалик раҳбарлари келишиб, бригада тажрибасини ўрганиб кетишди. Бу қадар эътибор камоловчиларга янада масъулият юклади.

Саратон киргач, бригадир ғўза оралашини кўпайтиради. Айниқса эрталаб соат 9 билан 10 ўрталарида. Боиси шу пайтда элчи гуллар кўринади. Ана остки шохда оппоқ гул очилди. Бригадирнинг дилида ҳаяжон ва қувонч лиммо-лим. Ахир улар тез орада барча шохларни безайди, пушти, қизғиш, сафсар рангга кириб, кўсакларни йўргаклайди. Бу дақиқада деҳқон юмушига юмуш қўшилади.

Уйи далага туташ бўлса-да, ҳар сафар асад кириши билан Аҳмаджон ака шийпонда тунашга ўтади. Бугун ҳам ошпазга кечки овқат қилишни тайинлади. Қоровул Қосимбой Деҳқонов эса кичкинагина, лекин турли хил сабзавот ва кўкатлар ўстирилган ёрдамчи хўжаликда куйманиб юрибди. У пиёз, сабзи, ловия, помидор олиб чиқиб, ошпазга берди. Толлар тагини супириб, сув сочди. Тошфонарларнинг пилигини тўғрилаб, ёғини қуйди.

Сувчилар оқшомда шийпонга чиқишганида буни дарров пайқашди. Демак, иш икки сменага кўчади. Муборак Маннонова дастурхонга палов келтирди. Қосимбой ака помидордан аччиқ-чучук тайёрлади. Кўк чой ҳам дамланди. Ҳар куни уйига кетадиган эркаклар дастурхон атрофида тўпланишди. Қарийб чорак асрдан буён бу деҳқонларнинг дастурхони бир, қозони бир. Уларнинг аҳиллиги, уюшқоқлиги шундан.

— Ғўза гул кўрсатди, — деди ошдан сўнг кўк чойни симираркан сувчи Эргашбой Акбаров. — Энди тунги суғориш ҳосил тақдирини ҳал этади. Тўрттадан бўлиб эгатларга сувни бир меъёрда оқизмасак, кундузги иш билан ҳеч қанча ер қонмайди. Енгил, тез-тез сув берсак, экин яшнайди. Гули кўсакка айланиши жадаллашади. Қани, бугун кимлар мен билан қолади?

— Ҳаммамиз қолаверамиз, — деди Боқижон Уролов.

— Бунинг ҳожати йўқ, — деди бригадир. — Эргашбой Акбаров айтганларидек, тўрт киши етади. Шарофиддин Арслонов билан Ҳусниддин Шамсиддинов қолсин. — Смена эртага шу вақтда алмашади. Айтиб қўяй, мукофотнинг сарасини сифатли суғорган олади. Ўзим текшириб қабул қиламан.

* * *

1985 йил пахта чунонам бўлиб берди. Дала қалин қор қоплагандек оппоқ тусда. «Зангори кема»лар шай.

— Кабирбой бошлаб берсин, ўзи етиштирган бу ҳосилни, — деди Аҳмаджон ака.

Терим агрегати бир чайқалди-да, қатор орасига кирди. Пахта бункерга шалоладек қуйила кетди. Ёнидан Муротали Мамадалиев, Муҳаммаджон Исоқовлар машинани солишди. Кўп ўтмай қатор прицеплар «оқ олтин»га тўлди.

Социалистик мажбурият ҳам барвақт ўринлатилди. Она-Ватан улардан ўша йил 600 тонна пахта қабул қилиб олди. План фақат биринчи сорт пахта билан адо этилган бўлса, социалистик мажбурият учун сотилган ҳосил ҳам юқори сортга ўтди. Улар «Уйчи-2» навли пахта етиштирдилар. Янги навни экишнинг ўзидан бригада 50 минг сўм атрофида фойда кўрди. Колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортди.

18 октябрь куни Аҳмаджон акани марказий телевидениега таклиф этишди.

— Москвага жўнаяпман, костюмимни олиб чиқинг!

Ўғилжон опа турмуш ўртоғининг костюмини олди. Уни Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг 2 та бронза, 1 та олтин медали ва бошқа нишонлар безаб турарди... Москвадан эса у СССР Давлат мукофотининг лауреати нишонини тақиб қайтди.

Камчиликларга муросасизлик, муаммоларни ўз вақтида, принципиаллик, дадиллик билан кўтариш, ташаббускорлик Аҳмаджон аканинг табиатига хос фазилат. Ўқувчилар меҳнатисиз пахта етиштириш ва териб олиш ташаббусини бундан тўрт йил муқаддам Наманган областида биринчи бўлиб бошлаган ҳам, деҳқонга мустақиллик беришни, унинг ишига билиббилмай аралашавермасликни талаб қилиб чиққан ҳам шу бригадир эди. У масъулиятни қўрқмай зиммасига ола билади. Пахтакор нималарга қодир эканлигини минбарлардан туриб сўзда эмас, балки ҳалол меҳнат эвазига яратилган чўнг хирмонлар билан амалда сурункасига ўттиз йил кўрсата билган бригадир кўнглида ҳамон пахтачилик истиқболининг ташвиши.


— Ҳар йилнинг ўзига яраша қийинчилиги бўлади, — дейди у. — Бир вақтлар сув тақчиллиги катта ташвиш эди, энди бу муаммо йўқ. Истаганимизча сув беришяпти. Биров келиб фалон куни суғорасан, фалон куни суғормайсан, деб зуғум қилмайди. Пудрат усули шарофати билан колхозчиларимиз ўтган 1988 хўжалик йилида ҳар сўмига 1 сўмдан қўшимча ҳақ олдилар.

Бари бир пахтанинг харид баҳоси меҳнатига яраша эмас. Бу масала КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида ҳам бежиз кўтарилмади. Агар келгусида мазкур муаммо ижобий ечимини топса, колхоз ҳам, колхозчи ҳам катта моддий манфаатдорликка эришади, халқ турмуши янада яхшиланади.

Биз юқорида эллик саккиз баҳорни қаршилаган, муттасил юқори ҳосил олиб, элда обрў-эътибор қозонган, Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози шуҳратини ошираётган Аҳмаджон Камоловнинг ҳаётидан кейинги йиллардаги айрим лаҳзаларини ҳикоя қилдик. У ҳали неча-неча лаҳзаларни бошдан кечиради, кўплаб рапортларга имзо чекади. Бу шубҳасиз.

Содиқ ТОЖИБОЕВ,
«Гулистон» журналининг
жамоатчи мухбири

Наманган



Қарши район Карл Маркс номли колхознинг доно кексалари. **Ш. ШАРОПОВ фотоси**

ИНСОН НОМИ МУҚАДДАС

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Мабодо, Қашқадарё областининг Косон ёки Чироқчи районига борганингизда у ердаги зиёлилар билан суҳбатлашиб қолиб:

— Районингизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш учун курашганларни биласизларми? Ёки: Дастлабки колхозлар қачон тузилган, ўша хўжаликларнинг биринчи раислари кимлар бўлган? — деб сўраб қолсангиз қониқарли жавоб ололмайсиз. «Бунинг учун архив материалларини кўришга тўғри келади», деган мужмал гапни эшитасиз.

Ҳа, шундай. Республикамиз областларида, айниқса, қишлоқ районларида янги замон учун, бугунги бахтимиз учун курашганларнинг, оловли йиллар қаҳрамонларининг номларини маҳаллий халқнинг дилига жо қилиш, уларнинг хотираларини абадийлаштириш одат тусига мутлақо кирмаган. Совет ҳокимияти учун жонини фидо қилган, индустрлаштириш ва колхозлаштириш даврларида чинакам садоқат кўрсатган, Улуғ Ватан урушида ғалаба йўлига жонини тиккан қаҳрамон юртдошларимизнинг шонли ҳаётлари у ёқда турсин, кўпчилик ҳатто номларини билмайди.

Нега шундай? Яна ўша гап: «Мўътабар юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг хотираларини эъзозлашга эътиборсизлик билан қараганмиз. Шу боисдан ҳам ўша табаррук зотларнинг кимлигини катталар ҳам, ёшлар ҳам яхши билишмайди.

Косон ва Чироқчи районларидан редакциямизга келган журналхонларнинг хатларида ҳаётимиздаги ана шу кемтик томонларимиз қайд этилгани ҳолда, бу масалаларга ҳам бугунги қайта қуриш талаблари билан ёндашиш зарурлиги уқтирилган.

Биз мазкур масала билан қизиқиб, Косон районига борганимизда ғалати бир ҳолатга дуч келдик. Шаҳар ижроия комитетининг раиси кабинетида шу хусусда суҳбатлашиб ўтириб, шаҳарнинг қурилиш харитасини кўздан кечирдик. Косон шаҳрида катта-кичик, узун-қисқа 200 га яқин кўча бор экан. Уларнинг номларига кўз югуртирамиз: «Восточная», «Западная», «Привокзальная», «Ветерная»... Бундай ҳавойи номларни ўқиб, таажжубдан ёқа ушлайсан киши. Наҳотки, уларга дурустроқ, арзийдиган ном қўйиш ҳанузгача бирор бир мутасадди ташкилот раҳбарларининг хаёлига келмаса. Ўша жойларни қурган, текислаб тартибга келтирган қурилиш ташкилоти қурилиш харитасида объектларнинг географик жойлашиш ҳолатига қараб кўчаларни қандай белгилаб номлаган бўлса, шундайлигича қолиб келаверган. Ёки бўлмаса «Некрасов», «Гоголь», «Достоевский» кўчалари бошқа деярли ҳамма шаҳар ва районларимизда бўлганидек, бу шаҳарда ҳам бор. Агар мамлакат бўйича «Гоголь» ёки «Некрасов» атамаларини санайдиган бўлсак, бу номлар минг-минглаб рақамларни ташкил этади. Улуғ рус ёзувчиларининг номларини шунчалик майдалаштиришимиз зарурми?

Наҳотки, ўша Косон районида номларига кўча қўйиш билан уларнинг хотираларини абадийлаштиришга арзийдиган кишилар ялаб ўтмаган бўлсалар. Яқин ўтмишимизга назар солсак, бундай мўътабар кишилар кўплаб топилади. Бизда кичигимиздан каттамизгача миллий ғурур, ўзлигимизни танишга мутлақо эътибор етишмайди. Шу ўринда косонликларнинг икки ҳамюртини эслаб ўтишни лозим топамиз.

Рўзи Нуркулов. Эндиликда марҳум. Партия ташкилотининг етакчи фаолларидан бўлган. Бир неча йиллар Косон ва Қамаши, Мироқи районларида район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган, қатор йиллар колхоз раиси бўлиб хизмат қилган. Ўз фаолияти давомида ўнлаб кўчалар, янги-янги қишлоқлар, кўпгина маданий иншоотлар қурдирган. Умрининг охирги йилларида район ветеранлар советининг фаол аъзоси сифатида элнинг кўп хайрли ишларига бош-қош бўлган. Энг муҳими, район партия комитетининг биринчи секретаридек нуфузли лавозимда ишлаб турган кезларида кўплаб ёш кадрларни тарбиялаб, уларга устозлик қилган. Унинг бевараси Ойрўзи ая ҳозир узунлиги 300 метр келаркелмас Андижон кўчасида истиқомат қилади. Бусиз ҳам «Андижон» атамаси республика миқёсида юзлаб жойда учрайди. Шу кўча эл оғаси бўлиб ўтган, партия ва меҳнат ветерани Рўзи Нуркуловнинг номи билан аталса, қандай яхши бўлур эди. Ёки Очил Мирза деган шахсни олинг. Бу киши ўша оловли йилларда қизил милициянинг етакчи командирларидан бўлган. Қашқадарё областида, хусусан, Косон районида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашларда чинакам фидойилик кўрсатган. Унинг хизматларини партия ва ҳукуматимиз Ленин ордени, «Қизил Байроқ» ордени билан тақдирлаган. Бу кишининг хотираси ҳам мутлақо унутилган. Лоақал шаҳардаги бирорта кўчани, яъни «Ветерная» ёки «Восточная» у кишининг номи билан аталса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Умуман, районда биринчи колхознинг ёки дастлаб маҳаллий партия ташкилотининг тузилишига асос солган, узоқ йиллар раҳбарлик вазифаларида ишлаб, халққа, партия-ҳукуматимизга садоқат билан хизмат қилган, эндиликда марҳум фарзандлари камми? Нега уларнинг номларини абадийлаштиришдек хайрли ишга эътибор бермаймиз?

Биз ўшанда Косон шаҳар ижроия комитети ва район партия комитетининг раҳбарлари билан шу хусусда суҳбатлашганимизда, бир нарсани англаб қолдик. Баъзи маҳаллий раҳбарлар бирор кўчани бирор ҳурматли ўтмишдошнинг номи билан аташ учун республика Олий Совети Президиумининг махсус фармони чиқиши лозим, деган нотўғри тушунчада эканлар. Ваҳоланки, кўчага ном бериш, табаррук марҳумларнинг номларини абадийлаштириш масаласи ўша жойдаги шаҳар ёки район ижроия комитетининг область ижроия комитети билан келишилган ҳолда чиқарган қарори билан ҳал этилади. Совет ҳокимияти — халқ ҳокимияти деган атаманинг маъноси шунда.

Сирасини айтганда, бу нотўғри ақида-тушунча ўша раҳбарларнинг камчилиги ҳам эмас, ижтимоий ҳаётимизда узоқ йиллар ҳукм суриб келган ва юқоридан берилиб келган маъмурий буйруқбозлик касофатидир.

Бу борадаги аҳвол Чироқчи районида ҳам худди Косон районидагидек. Мазкур районда ҳам Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, колхозларни ташкил этишда, қолаверса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда хизматлари катта бўлган ташкилотчи коммунистлар бўлган. Масалан, шулардан бири эндиликда марҳум Саодат Ўтаевдир. У 1937 йилдан партия аъзоси эди. Саодат Ўтаев 1936—1939 йилларда МТС директорининг муовини, 1943—1951 йилларда Чироқчи район партия комитетининг секретари, 1951—1958 йилларда район ижроия комитетининг раиси вазифаларида ишлади. Ўзининг самарали хизматлари учун партия ва ҳукуматимиз томонидан Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» орденлари билан мукофотланган. Яқин ўтмишда ўтган ва халққа, партияга хизмати сингган бундай ҳурматли кишилар районда анчагина. Афсуски, уларнинг хотираларини абадийлаштириш, номларини оммалаштириш масаласига Чироқчи шаҳар ва район ижроия комитетлари мутлақо эътибор бермаяптилар.

Маълумки, партия ва ҳукуматимиз муайян шахснинг номини фақат битта объектга (шаҳарга, кўчага ёки ўқув юртига) бериш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳам маҳаллий совет ташкилотларига хизмат кўрсатган ўтмишдошларимизнинг хотираларини абадийлаштириш масаласида катта ҳуқуқ-имкониятлар яратади.

Партия ва ҳукуматимиз жамиятимизни қайта қуриш талабларидан келиб чиқиб, миллий муносабатларда, миллий республикаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла муҳофаза этиш билан боғлиқ бўлган ва кўпдан бери ечимини кутаётган муаммоларни одилона ҳал этиш тадбирларини кўрмоқдалар. Ана шундай имкониятлар яратилаётган бир шароитда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари миллий анъаналарни қарор топтириш, миллий маданиятни ривожлантириш, ўтмишдошларимизнинг хотираларини абадийлаштириш сингари масалаларга жиддий эътибор билан киришмоқлари лозим. Тўғри, бу борада баъзи область ва районларда илгаридан ҳам бирмунча хайрли ишлар қилинган. Масалан, Сурхондарё областининг Узун районидаги «Янги рўзғор» колхозини унинг Ленин орденли тўнғич раиси Жума Пирназаров номи билан, Жарқўрғон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозини унинг 27 йиллик ҳурматли раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норали Боймуродов номи билан аталганига бир неча йиллар бўлди. Ёки бўлмаса Самарқанд областини олайлик. Иштихон районида «Муродобод» колхози, Жомбой район «Октябрь» колхозидаги Нормамат Эсонтурдиев кўчаси ўша жойларда яшаб, халқ учун самарали хизмат қилган мўътабар кишилар — Мурод Жўраев ва Нормамат Эсонтурдиевлар хотираларига бўлган ҳурмат-эътибор рамзидир. Халқ назарига тушган бундай кишилар Қашқадарё областида ҳам камми? Чунончи, Шаҳрисабз районидаги «Қизил Юлдуз» колхозининг ташкилотчи раисларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жўра Элбоевга ўхшаган областнинг тўнғич меҳнат қаҳрамонлари номлари улар етакчилик қилган хўжаликларга берилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди? Нега энди ўша эътиборли зотларнинг номларини абадийлаштиришга ҳануз эътибор берилмаяпти.

Қайта қуриш жамиятимизни, ижтимоий ҳаётимизни ҳар жиҳатлама янгилаш, уни янги замон руҳига мос мазмун билан тўлдириш, миллий маданиятни янги поғонага кўтариш демакдир. Худди шу маънода ўтмишдошларимизнинг хотираларини абадийлаштириш, уларнинг шонли ҳаётлари мисолида ёшларни тарбиялаш ҳам ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳа, инсон номи — муқаддас! У ҳамиша халқимизнинг эъзозида бўлиши лозим.

Шомурод СИДДИҚОВ



Абдилда ТОЖИБОЕВ,
Қозоғистон ССР халқ шоири

ЎЗБЕК БОВРИМГА

Ўзбек боврим! Ўз қанотимсан,
Туғишганим, танти дўстимсан,
Меҳрибонимсан!
Оқ тақирда зар ўстирган
Алп полвонимсан!
Қўли билан тоғ кўчирган
Паҳлавонимсан!

Ўзбек, дўстим!
Мен сенга келдим,
Келдим сен деб қозоқ элидан.
Ўрмонимнинг япроғидан бой,
Диёримнинг тупроғидан бой,
Қуёшимдай иссиқ,
Езимдай ёруғ
Саломини олиб келдим халқимнинг!

Ўзбек, дўстим!
Мен сенга келдим.
Келдим сен деб қозоқ элидан.
Тоғларимдай буюк,
Сойларимдек югурик,
Денгизимдай теран,
Осмонимдай кенг
Саломини олиб келдим халқимнинг!

Ўзбек, дўстим!
Барин қабул қил:
Қозоғимнинг қизғин саломидир бул —
Найзалар ўйнатган,
Евни қийратган,
Дупур-дупур ерни титратган,
Дўмбирада юрак эзар куй чертган
Йигитларнинг ҳунарлари сенга!
Ўт бўлиб ёнган,
Еш бўлиб томган,
Севар ёрга тоза ишқин айтолган
Ой қизларнинг ўланлари сенга!

АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

ҲАНДАЛАК

Хумори тутганда қовуннинг,
Ез сайин кўзлайман овулни,
Юраман ўспирин боладай,
Менсимай чанг билан довулни.
Унутиб Олмаота тоғини,
Олмали, олмуртли боғини.
Юраман енгимни турганча шимариб,
Маст қилиб даланинг қовуни.
Думалоқ, сап-сариқ олтиндай
Ҳандалак олдимда ётади.
Кичик бир қуёшни тутгандай,
Юрагим товланиб кетади.

М. АҲМЕДОВ таржималари

АРДОҚЛИ ОҚИН, УЛКАН ОЛИМ

Қозоқ совет шеъриятининг асосчиларидан бири, ардоқли оқин, улкан олим Абдилда Тожибоев саксон ёшга кирди. У Сакен Сайфуллин, Байимбет Майлин, Илёс Жонсуғуров, Собит Муқонов ва Мухтор Авезов сингари замондошлари билан ҳамиша ҳамқадам бўлиб қозоқ адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшди.

Абдилда Тожибоев — инқилоб тенгдоши. У коммунистик партия сафида ўсди ва камол топди. Еш Абдилда 1920 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб фаол ижод қила бошлади. Шу билан бирга рус ва жаҳон шеъриятининг энг ёрқин намуналарини қозоқ тилига маҳорат билан ўгирди. Қатор илмий ҳамда адабий мақолалар ёзди. Қозоқ драматургиясига бағишланган катта монографиясини нашр эттирди.

Ардоқли оқиннинг ижоддаги асосий лейтмотивини унинг юксак пафос билан битилган лирикаси ташкил этади. Чунончи, «Қалдирғоч», «Олтиной», «Тарас билан суҳбат», «Сирдарё», «Ботир чол» ва «Марварид мунчоқ» сингари китобларига жамланган шеърларида икки ёшнинг покиза муҳаббатини куйлайди. Шоир «Сирдарё» тўғрисида тўлқинланиб ёзади:

Ардоқлайман бир умр,
Сирдарё — кекса онам.
Эркатой фарзандингман,
Эртаю кеч парвонам.

Оқиннинг «Марварид мунчоқ» шеърида қўлда эшкак эшиб сайр қилиб юрган ёшларни, бағрини сувга уриб парвоз этаётган оқ чарлоқларни маҳорат билан тасвирлайди.

Сайр этар оққушим,
Биз ҳам қўлда сузамиз.
Сувга тушган шуъладан,
Марваридлар тизамиз.
Кириб кўлнинг бағрига
Кетдик сузиб икки ёш.
Қайтишимиз қалқийди,
Оққуш билан аралаш.

Абдилда Тожибоевнинг «Абил» номли поэмаси бадиий ва ғоявий жиҳатдан пухта ёзилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Достоннинг бош қаҳрамони Абил исмли йигит олишувлардан бирида туркманларнинг қўлига тушиб қолади. Бироқ тутқун Абил дўмбираси билан сеҳрли куйлар чалиб, атрофдагиларни лол қолдиради. Натижада туркман элати қозоқ йигитини авф этади. Шоир куй ва созни қойилмақом чертадиган Абил образи орқали икки халқнинг дўстона алоқалари ривож топишини ишонарли мисраларда баён этади.

Денгиз ҳам тўлқин урмай тиниб қолди.
Шаббода ўзанларга иниб қолди.
Ойдинда ойдек сузган оққуш эса,
Чидамайин оҳиста йиғлаб олди.

Адиб «Хотирот» поэмасида болалиги ҳақида ҳикоя қилади. Мактаб-интернатдаги фантазияга бой саргузаштлари, комсомол ёшида кўрган-кечирганлари билан яқиндан танишган китобхон бўлажак шоирнинг ўша давр воқеаларининг реал тасвиридан ҳаяжонга тушади.

Улуғ Ватан уруши даврида навқирон Абдилда Тожибоев ижодкор дўстлари билан бир тан-бир жон бўлиб, қалами ва қуроли билан фашист газандаларига қақшатғич зарба берди ва жанговар шеърлар ёзди. Унинг «Ленинград», «Унутма, жоним» каби назмлари фикримизнинг яққол далилидир.

Оташнафас шоирнинг «Ўртоқ Навоий» деб номланган асарида ери-ерига туташ, дилидилига пайванд ўзбек билан қозоқ халқининг азалий ҳамда абадий дўстлигини тараннум қилади.

Юз минг мисра шеърларинг, лашкардайин
Ҳамқадамдир биз билан теграмизда.
Ғазалингга ошиқнинг саноғи йўқ,
Бошига кўтаргайлар сени бизда.

Абдилда Тожибоев 1973 йилда нашр этилган «Кўҳна қўнғироқ» деб аталган шеърлар китоби учун Қозоғистон ССР Давлат мукофотини олишга мушарраф бўлди. Тўпламдан ўрин олган қатор асарлар билан бир қаторда «Оғалар» достони ёзилиш услуби билан ажралиб туради. Шоир Қаниш Сатпаев, Мухтор Авезов, Жамбул Жабаевларнинг образини тўлақонли бўёқларда акс эттирганлигининг гувоҳи бўламиз. Серқирра ижодкор яратган «Ёлғиз дарахт ўрмон бўлмас», «Майра», «Тўй олдида», «Дубай Шубавич» сингари драмалари томошабинларнинг маънавий мулкига айланган.

Ардоқли оқин, улкан олим ва драматург Абдилда Тожибоевнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ҳурмат белгиси», «Меҳнат Қизил Байроқ» ва «Октябрь революцияси» орденлари билан мукофотланган. Айни вақтда қозоқ совет шеъриятини юксак чўққиларга олиб чиқаётган Сирбой Мауленов, Туманбой Мўлдағалиев, Қодир Мирзалиев, Мухтор Шаханов, Фариза Ўнғарсиновалар Абдилда оғанинг муносиб укалари, шогирдларидир.

Қозоғистон халқ шоири, республика давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор Абдилда Тожибоевни муборак саксон ёши билан табриклаб, сиҳат-саломатлик ва ижодий парвозлар тилаймиз.

Мақаш БЕКБЕРГЕНОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг профессори



Адашганлар

Тўлқин МУҲИДДИН

Икки парда 6 кўринишли драма

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Санобар, Назир, Лобар, Марат, Холида, Карим, Ҳуррият, Ойгул, Людмила, Раҳмонберди, Дўстмурод, Қосим, Раим, Алик, Аҳрор, Рихсиев — милиция капитани, **Аҳмедов** — милиция сержанти

Воқеа шу кунларда бўлиб ўтади

ПРОЛОГ

Ёшлар бир-бирлари билан гаплашаётган, сигарета тутатишаётган саҳна. Қисман ёшлар брек ва замонавий рақсга тушишмоқда. Музика тўсатдан тўхтайди, нур ўчади ва саҳнанинг бир чети ёришганда сочлари тўзиган, ширакайф Санобар қандайдир қўшиқ хиргойи қилиб киради, қўлида битта шиша. Назир пайдо бўлади.

Назир. Санобархон, менга сўз берган эдингиз-ку, бошқа ичмайман деб. Бу қанақаси!?.

Санобар. Бошқа ичмайман, деганмидим. Сизга-я? *(қўлини бигиз қилиб хохолаб кулади)* Хўжайин топилганини қаранг. «Сўз бергандингиз», эмиш! Ҳў, инсон, бу домда сиз кимсиз, атиги қўшнимизнинг ўн кунлик квартирантисиз, холос. Нега қаққайиб қолдингиз?! Жўнанг, жўнайверинг! Сизга ўхшаганлар Чўлпон отага ёзда, биласизми, қанчаси келиб кетади. *(Санобар қўлидаги шишани кўтариб ичмоқчи бўлганда Назир жаҳл билан уни тортиб олади).*

Назир. Бас, етар шу аҳволга тушиб қолганингиз!.. *(жимлик)* Бошқа ичмайсиз. Йўл қўймайман, қўймайман. *(шиша ичидаги суюқликни тўкиб юборади)* Тушунсангиз-чи *(майинлик билан)* ахир... *(кўзлари ёнади)* Сиз ҳам одамлардай яшашингиз керак. Ҳа, ҳа, одамлардай!

Санобар *(жиддий).* Раҳмингиз келаяптими ё... Ростдан ҳам... *(тўсатдан кулиб)* севиб қолгандирсиз. Нималарни хоҳламайсиз, сиз эркаклар... Менга шу ҳаёт ёқса-чи. Унда... қўлингиздан нима ҳам кела оларди, йигит!?

Назир. Афсуски, қўлимдан ҳеч нарса келмайди, лекин... *(чўнтагидан билет чиқаради)* Мана, самолётга билет...

Санобар *(тўсатдан ўзгариб, мунгли қараб)* Кетаяпсизми?

Назир. Мана бу билетнинг биттаси сизга, хоҳласангиз сизни Тошкентга олиб кетаман.

Санобар. Мени-я, уялмайсизми ёнизда юрсам?

Назир. Сиз албатта даволанишингиз керак.

Санобар. Тошкентга, Тошкентга, туғилиб ўсган диёримга *(бирдан ҳўнграб йиғлаб юборади).* Соғинардим, йўлини билолмай гаранг эдим. Энди англаяпман. Олиб кетинг, жон Назир ака, олиб кетинг.

Назир. Ўтган ишга саловат. Қалбингиздаги сўнаётган ёлқин албатта яна аланга олади, кўрасиз. Сиз билан ҳали қўшиқ айтамиз, ажойиб ҳаёт кечирамиз.

Санобар. Сиз қўшиқ айтишни ҳам биласизми?

Назир. Қўшиқ эшитгингиз келаяптими?

Санобар. Жудаям. Айтиб берасизми? *(Назир қўшиқ хиргойи қила бошлайди. Санобар хонага кириб кетади-да, келинлик либосида, бошида харир рўмол чиқиб келади. Кейин кўзлари жовдираб, ёш боладек йиғлаб юборади).*

Назир *(Санобарга тикилиб).* Санобар. Билардим, кўнглим сезган эди. Йиғламанг! Ҳеч ҳам йиғламанг, энди кулинг...

Санобар. Ҳеч кимим йўқ эди. Ғафлатда эдим. Бошқа бир дунёда эдим.

Назир. Санобар, шу пайтгача ўзим ҳақимда айтмагандим, ҳаммасини билишингиз керак. Менинг қизим, кичкинтой қизалоғим бор. Онаси бу дунёдан кўз юмган. Ҳозир Лобар қизим салкам икки ёшда. Қўшни Машҳура холага ташлаб, соғлигимни тиклаш мақсадида бу ерга келганман.

Санобар. Қизингизга мен қарайман, майлими? *(Кўзлари ёнади. Хурсанд. Лекин бирдан ўзгаради).* Йўқ-йўқ, бу фикрни хаёлимдан чиқариб ташлашим керак... *(пауза)* Сиз хафа бўлманг, мен ўзим шундай...

Назир. Сиз, мен билан кетасиз. Лобарга оналик қиласиз...

Санобар. Она?! Қизимизга она! Йўқ-йўқ, мен бундай бахтга лойиқ эмасман. Мен... Мен ахир...

Назир. Қўйинг бу гапларни. Қани, менга қўлингизни беринг! *(Ансамбль енгил лирик куй чалади. Санобар қўлини орқасига яширади. Назир секин-аста келиб унинг қўлини олади. Назир ва Санобар бир-бирларига тикиладилар. Чироқ ўчади. Ансамбль лирик куйдан қўшиққа ўтади. Саҳнага йигит-қизлар чиқишади).*

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Кўп қаватли уйнинг ташландиқ ертўласи, тўрт бола биринкетин кириб келишади. Қосим кичкина канистрда бензин кўтариб киради.

Қосим. Мана бу, зўр бўлди!

Жавлон. Бензинми?

Алик. Откуда спёр?

Қосим. У дяди Саши, с третьего подъезда.

Раим. Ура! Оч, оғзини!

Қосим. Фақат галма-галдан тумшуқларингни тиқасанлар. Бир минутдан ҳидлаш.

Аҳрор. Мен... Мен ҳеч қачон ҳидламаганман.

Қосим. Яхши. Унда сен биринчи ҳидлайсан.

Аҳрор *(қўрқиб).* Нега мен биринчи. Аввал улар ҳидласин.

Алик. Аҳрор, не бойся, это отличный болдёж. Я впервий раз три месяца назад нюхал каникулах у тети на даче.

Раим. Нюхал, нюхал. Аҳрор хоҳламаса, Қосим, мана мен нюхат қиламан. Қани, четга чиқларинг. Ойисининг эркатой боласи-да, қўрқади.

Аҳрор. Мен... отам ўлган бўлсалар айбдорманми?! Билиб қўйларинг, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Лекин... Масхара қилмаларинг... Майли, нима бўлса бўлди! *(Аҳрорнинг секин-аста ранги оқара бошлайди. Боши айланади, кейин гандираклаб, ўйинга туша бошлайди)* Бўлди, тўхтат музикангни. *(Музика тўхтайди. Аликни кўрсатиб)* Алик болдеешда? Это же отлично, а ми дурёхи штото курили, пили и паражали сами себя.

Алик. Атайди, не мешай!

Қосим. Алик, зўрми?

Раим. Менга арзонлиги ёқаяпти. Ўн тийинга... бир кун кайф қилса бўлади. Ҳидлаганинг билан ҳеч камаймайди. Шуниси зўр!

Қосим. Хоҳлайсанларми, яна бир янгилик кўрсатаман.

Аҳрор. Қа-нақаа-а, янгилик?!

Қосим. *(чўнтагидан дихлофос ва целлофан пакет олади)* Мана!

Раим. Пашша ўлдирадиганми. Бўлмайди. Биз — суваракларга бу таъсир этмайди *(кулади).*

Аҳрор. Тўғри, тараканни ўлдирадигани кучлироқ.

Қосим. Ким бунга биринчи?

Аҳрор. *(қўлини кўтариб).* Мен, мен ҳаммасига биринчи.

Алик *(қўлини чўзиб).* Дай мне. Балдеть, так-балдеть.

Қосим. Тебе Алик и Аҳрору хватить. Кел, Раим *(Раим келиб ўтиради, Қосим унинг бошига дихлофос сепмоқчи бўлади. Лекин дихлофос сепилмайди)* Эх, лаънати тамом бўлибди. Майли, кейинги сафар *(шу пайт Лобар ва Холида ертўлага тушиб келишади).*

Лобар овози. Юравер, Холида, қўрқма!

Холида овози. Бу ерда нима қиламиз, ҳаммаёқ ифлоску. *(Болалар эшитиб чет-четга тарқалишади).*

Лобар *(кириб).* Ҳа, болалар, бўлдиларингми? Қани, ҳамма уй уйига, тепа тўйига!

Қосим. Ўзимиз яқинда келган эдик, Лобар опа!

Лобар *(Холидани кўрсатиб).* Кўрмаяпсанларми? Мен меҳмон билан келдим-ку. Меҳмоннинг обрўси йўқми-а!

Холида. Тушунмаяпман, бу ерга нега келдик ўзи-а?!

Лобар. Мазза қилгани. Шошмай тур, ҳозир Карим келсин.

Холида. Кариминг ким?

Лобар. Ташкилотчимиз!

Холида. Комсомол комитетининг секретарими?

Лобар *(кулиб).* Намунча соддасан. Сен айтган одамлар бизларга ҳеч қўшилмаган, қўшилмайди ҳам. Улар тепада юришади. Биз эса, пастдамиз. Фақир одам панада деб айтишади-ку! Биз чекмаймиз, ичмаймиз, лекин укол слиб, маза қиламиз. У одамни ширин маст қилади. Маза! Очиғи, уколнинг нархи қиммат-роқ.

Холида. Санобар аям билмайдими?

Лобар. Қаёқдан билсинлар. Онам шол-ку. Бу ёққа тушиш у ёқда турсин, уйдан ташқарига чиқолмайдилар. Бу ерга ҳеч ким тушмайди, қўрқма! Кундузи ҳамма ишда, кечқурун эса ҳамма ўзи билан ўзи овора!

Холида. ЖЭКдагилар-чи? Участковой милиция-чи? Қолаверса, ўқув юртидагилар-чи?

Лобар. Уларнинг биздан ҳам муҳимроқ ишлари кўп.

Холида. Чекиш, ичиш, етмагандек, уколга бало борми. Қизиқ, ҳеч нима тушунмаяпман!

Лобар. Нимасига тушунмайсан?! Ҳамма чекади, ичади. Одамларнинг арақ магазин очилишини зориқиб кутиб туришганини кўргансан. Уларга ҳеч ким ҳеч нима демайди-ку!

Холида. Сен ҳали ёшсан. Устига-устак, қиз боласан. Уят бўлмайдими?

Лобар. Ана шунинг учун ҳам ёруғ дунёдан қоронғу ертўлага тушиб олганмиз-да. Катта бўлганимизда эди.

Холида. Албатта тушуни-

шинг қийин. Сен яшаган қишлоқда бунақа нарсалар ҳали йўқ. Тўғриси, етиб бормаган.

Холида. Бўлмаганига ҳам шукур.

Лобар. Ҳеч қиси йўқ. Бир тотиб кўргин-а, сенга ҳам ёқиб қолади. Ҳамма нарсанинг биринчиси қийин бўлади. Кейин эса, ўзинг хоҳлаб қоласан. Фақат уни топиш қийинроқ бўлади. Аммо лекин кайфи зўр бўлади-да. Холида, биласанми, биздагилар ҳар сафар янги-янги ўйинлар ўйлаб топишади.

Холида. Қанақа ўйин?!

Лобар. Масалан, оила ўйини ўйнаймиз. Бир кампанияга йигит-қизлар йиғилади. Улар бир йигит бир қиз бўлиб тақсимланишади ва бир-бировларини дадаси, ойиси деб чақиришади. Аммо бир ойгина холос.

Холида. Нега бир ойгина холос?

Лобар. Бир-бирининг жонига тегади-да доим бирга бўлишса. Менга қара, айт-чи, кўп нарсани билсак ёмонми?

Холида. Билмадим-у, лекин ўзимизда яхши экан.

Лобар. Қишлоғингдами? Ҳалиги сизлардаги эрта баҳордан то қишгача далага чиқ, ер ҳайда, пахта эк, чопиқ қил, чеканка қил, пахта тер, деган гаплар бизда — шаҳарда бўлмайди. Ҳалиги у ёғингда мол боқиб, деворга таппи ҳам ёпиштирарсанлар-а?! Хо-хо-хо! *(кулади).* Топган ишларингни қаранглар-у!

Холида Шаҳарда бунақа ишлар йўқлигидан ва зерикканда китоб ўқиш, тўгаракларга қатнашиш ўрнига ертўлаларга тушиб, турли ишларни қиларкансизларда?!

Лобар. Китоб ўқи, тўгаракка қатнаш.. Мен актриса бўлишни хоҳламоқчиман. *(Жамила монологидан ўқийди).* «Қуш эдим, қанотимни қайирдилар, гул эдим, булбулимдан айирдилар. Оҳ, Сибирь, Сибирь... Ғофуржон ака, кетманг!» *(йиғлайди)* Қалай? Ана, кўрдингми? Актриса ҳамма ишни қила олиши керак. Бу масалада кампаниямиз қойил-да. Эркинлик... Ким нима хоҳласа шуни қилиш — шиоримиз. Яхшиси, ўз кўзинг билан кўр кампаниямизни. Эшитгин-а. Мушукка ўхшаб юмшоқ қадам ташлайди. Кўзлариям мушукникига ўхшайди. Айтмадимми ўзи.

Карим *(кириб).* Салом, қизлар. Ие, свежийси-ку. Лобарина, ким бу жонон?!

Лобар. Танишинглар.

Карим *(қўлини чўзиб).* Карим!

Холида *(ёқмай, қўлини ортига олиб).* Яхшимисиз?

Карим. Яхшиман, раҳмат. *(Лобарга қараб).* Олиб келдим. Энг зўридан. Импортний. Меҳмон, майли, бизни ҳисобга. Исмини айтмаса ҳам.

Лобар. Ҳимматинг баланд-ку бугун. Тинчликми?!

Карим. Тинчлик. *(Холидага қараб).* Ҳеч татиб кўрганмисиз меҳмон, бу ажойиботдан? *(портфелини кўрсатади).*

Холида. Нимадан?

Карим. Жаннат ўтидан-да!...

Лобар. Холида анёқдан келган. Қаёқдан билсин, сенинг жаннат ўтингни!

Холида. Кечирасизу, анови чиқиб кетган зумрашалар ҳам сиз мақтаётган ана шу жаннат ўтидан тотишганми? Бўлар-бўлмасга кулишгани-кулишган.

Карим. Опоси, уларни зумраша деманг. Эшитиб қолишса, хафа бўлишади. Бизнинг дори аристократлар, бойваччалар дориси, уларга ҳали эрта. Ҳозирча улар бензин ҳидлашади, дихлофос сепишади. Помаринни ёки ботинка мойини нонга суртиб уришади. Синовдан муваффақиятли ўтиб омон қолишса, сал улғайиб, пул топадиган бўлганларидан сўнг, аристократлар маишатига ўтишади. Шундайми, Лобарина?

Лобар *(эътиборсизлик билан).* Ҳа, шундай!

Холида. Бу ваҳшийлик-ку! Қайси замонда яшаяпсизлар?!

Карим *(жаҳл билан).* Замонангдан ўргилдим. Газета ўқийсанми ўзи! Қанчадан-қанча обкомлар, райкомлар ўша сенлар яшаган қишлоғингдаги колхоз раислари, совхоз директорлари, аллақачон бола-чақаси билан хайрлашишга ҳам улгурмай *(қўлини панжара қилади)* ётишибди. Биласанми, нима учун. Бошқаларнинг ҳисобига яшаб, давлатни алдаб переписка қилгани учун. Менга қара, қизалоқ, балки, сенинг отанг ҳам ўша пахта пунктининг каламушларидандир? Балки сени ҳам техникумга соққа билан киритиб қўйгандир. Айтайми, қанча қистирган, даданг! Замонанг, мана, қанақа!

Холида *(тўсатдан бақириб).* Замонамга ҳам, отамга ҳам тил теккизманг. Ота-онам врач эдилар! *(йиғлаб)* Иккалалари фожиали ҳалок бўлишган...*(пауза).* Эҳ, Лобар, Лобар! Наҳотки мени, шунчалик тубанликка боради, деб ўйладинг. Қандай аблаҳ билан дўстсан-а! *(кетаётганида Карим йўлини тўсади).*

Карим. Холидахон. Узр, мени кечиринг. Билмовдим. Илтимос, асабингизни бузманг. Яхшиси, битта ампула укол қиламиз, сўнг асабларингиз жойига тушиб, ҳаммаси окей бўлади.

Холида. Лобар айт, бу мушугингга, йўлимни тўсмасин!

Лобар. Карим, қоч, майли, кетсин *(Холида чиқиб кетади).*

Карим. Жиннисан-а, Лобар! Нима қилардинг бу асов отни бу ерга олиб келиб. Яна сотиб юрса-я!

Лобар. Қўрқма, у...

Карим. Нима бўлса ҳам жойни ўзгартириш керак. Қорақамишга кетдик.

Лобар. Қуруқдан қуруқ кетаверамизми? Укол қилиб қўй.

Карим. Текингами? Йўқ... Текинга мушук офтобга чиқмайди *(Лобар сумкасидан пул олиб, Каримга узатади).* Буниси бошқа гап. *(Карим ён чўнтагидан битта ампула олиб узатади. Лобар эса сумкасидан шприц чиқариб, ўзига укол қилади, сўнгра чиқиб кетишади. ВИА қўшиқ чалади. Атрофдан бирин-кетин йигит-қизлар чиқиб, рақсга тушишади).*

Расмни Т. Саъдуллаев чизган



ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Актёрлар ВИА ижро этаётган қўшиққа рақс тушадилар. Биринкетин саҳна анжомлари алмаштирилиб борилади. Навбатдаги саҳнанинг реквизитлари жой-жойига қўйилиб бўлгач, ёшлар бирин-кетин чиқиб кетишиб, хонада Лобар, Карим, Людмила, Ойгул қолади. Лобар ўзини ёмон ҳис қилиб, диванга ёнбошлайди. Бошқалар эса, рақсга тушадилар.

Карим. Лобарина, нега ўтириб олдинг?

Лобар. Мазам қочаяпти, битта ампула бер.

Карим. Хафа бўлмагину, энди насияга беролмайман. Шусиз ҳам қарзинг кўпайиб кетди.

Лобар *(нафаси қисилиб).* Илтимос... Охирги маротаба. Отамнинг тилла узуги бор, ўшани олиб келиб бераман.

Карим. Ўтган куни олганинг қани, қаёққа гумдон қилдинг, шунча дорини?

Лобар. Қизларда «кумар» бошланганини ўзинг кўриб чиқиб кетдинг-ку. Ўшаларга бердим-да!

Карим. Ўзига эн бўлмаган бировга енг бўлибди-да. Оладиган жойимда менга ҳам насияга бермайди *(олдига келиб)*, Лобарина, айтганимга кўнсанг, хоҳлаганингча оласан!

Лобар. Карим, ўлай деяпман. Кумар бошланаяпти *(Булар ёнига Ойгул келади).*

Ойгул. Карим, наҳотки заррача бўлса ҳам одамгарчилигинг қолмаган. Менинг ҳисобимдан унга битта ампула бериб тур!

Карим. Учир!..

Ойгул. Мен бирон марта сени алдаганмидим. Биласан-ку яқинда тўй сезони бошланиб кетади. Бахтиёр акам айтдилар. Қолаверса бугун битта клиент топдим. Худо хоҳласа эртага ҳамма пулингни бераман *(Лобар тишинитишига қўйиб инграйди).*

Людмила *(киради).* Карим, Лобар нима десанг рози бўлади. Мана мен гувоҳ. Битта ампула бер унга. Илтимос қиламан. Нега столбадек қотиб қолдинг *(келиб мушти билан Каримнинг кўкрагига ура бошлайди. Карим Людмиланинг қўлларини ушлаб кўзига тикилади).*

Карим. Майли, фақат сенлар учун *(Карим Лобарга ампула беради. У ўзига укол қилади, Лобар ўзига келади).*

Карим *(музика тўхтагач).* Қани, юр энди!

Лобар. Қаёққа. Мен ҳеч қаёққа бормайман, билдингми!

Карим. Ишим битди, эшагим лойдан ўтди экан-да. Майли, ҳали ялиниб қоларсан.

Лобар *(тўсатдан).* Мен мол эмасман, одамман тушунаяпсанми, одамман!..

Карим. Бу тузоққа илинмагунингча одам эдинг, энди бўлса... Энди сенга ҳар куни палон пуллик дори керак! *(Карим зарда билан чиқиб кетади).*

Лобар Аблаҳ! *(йиғлайди).*

Ойгул Каримни бекор хафа қилдинг-да!

Людмила. Нималар деяпсан! Лобар ҳали гўдак-ку.

Лобар. Қизлар, нега мени бу ишга ўргатдинглар. Ахир мен *(бошини чангаллайди).* Тентаклар, тентаклар!..

Ойгул. Ие, сенга яхшилик қилиб, тентак ҳам бўлдикми?

Людмила. Қўй, Ойгул, майли, ҳолини кўраяпсан-ку. Эсингдами, Карим... Қанақа тўполон қилган эдинг. Мен фақат состав бошлиғим Бахтиёр акам билан юраман, дегандинг...

Ойгул. Уни яхши кўрардим. Каримни эса, ҳамон кўргани кўзим йўқ. Лекин...

Людмила. Яхши қиласан. Лобар. Ўзинг учун, номусинг учун, бардам тур!

Ойгул. Номус қолибдими бизда. Иффатимиз биринчи ампуланинг ўзидаёқ чилпарчин бўлган!

Людмила Ҳаммаси жонимга тегди. Ҳар куни бир хилдик укол, маишат ва... Кўршапалак бўлиб қолаяпмиз. Кечқурун ов, кундузи уйқу. Қуёшни кўрмаяпмиз, кўзимни парда қоплаяпти.

Лобар Пешонага ёзилгани шу экан-да. Тақдиримиз бирон марта кулмагандан кейин...

Ойгул. Балки кулиб қолар...

Людмила Тақдир кулиши учун одам нимадир қилиши керак. Бизнинг қўлимиздан нимаям келарди *(асабий)* аллақачон ўлганмиз. Ҳаммасига ўзим сабаб *(йиғлайди).*

Ойгул. Сенларга нима бўлди. Бирини овутсанг, иккинчиси бошлайди-я. Яхши яшаяпсан-ку, яна нима керак сенга!

Людмила. Ҳеч нарса керак эмас. Ҳеч нарса. Фақат тинч яшашни хоҳлайман! Чўлоқми, карми, кўрми, ёши ўтганми бирон инсонни топиб турмушга чиқсам, дейман. Ким бўлса ҳам ишқилиб менга ўтмишимни эслатмаса бўлгани. Она бўлгим келади. Фарзандли бўлиб, уни чиройли кийинтириб кўчаларда, мана кўринглар, онаман, мен ҳам инсонман, дегим келади.

Ойгул. Жинни бўлаяпсанми нима бало? Ахир энди бошқача яшайолмайсан. Манаман деган профессорлар ҳам кунига юз сўм топаолмайди. Биз бўлсак, бахтимиз кулиб боқса, кунига 200—300 сўм топамиз.

Лобар Ҳозир топасанлар, эртагачи?!

Ойгул Эртагаям, индингаям бир гап бўлар! Люда, ниманг бор, бир мазза қилайлик, сиқилиб кетдим.

Людмила Оқидан бор, бўладими?

Ойгул. Ол, маишат бўлса маишатда *(ВИА «Болажонлар» қўшиғини айта бошлайди, қизлар шишадагини учга бўлиб ичишади. Атрофдан йигит-қизлар чиқиб рақсга туша бошлашади. Нурли музика ишлайди. Рақс жараёнида Лобарларнинг уйи пайдо бўлади).*

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Лобарнинг уйи. Йигит-қизлар ВИА жўрлигида рақсга тушиб уй-анжомларни қўйишади. Шўх куй тўхтайди, йигит-қизлар бир-бирларига қарсак чалишади. Мунгли куй янграйди. Йигит-қизлар секин-аста чиқиб кетишади.

Санобар. Худо намунча бераҳм экан, менга. Совчилар келиб қайтиб кетишибди. Бу кунни кўриш мен учун қанчалик азоб эканлигини билсанг эди.

Лобар. Уззукун бир хил гап. Қачон қараса минғир-минғир. Менга қаранг, ойи, совчилар қайтиб кетган бўлса, осмон узилиб ерга тушмагандир. Кетса ундан нари. Эрга тегаман, деб ўлаётганим йўқ.

Санобар. Сенга барибир. Сенга она ҳам керакмас. Санғиб юриш бўлса бўлди сенга! Фақат ўзингни ўйлайсан. Мен билан ишинг йўқ. Балки мен ҳам буви бўлишни, неварамни тиззамга ўтказиб эркалашни хоҳларман. Болам, мени қийнама. Мени фарзандсиз ўтганим етар. Мен қилган хатони сен қилма. Тушунасанми, йўқми шуни?

Лобар. Нима дедингиз? Фарзандсиз ўтганим етар! Мен-чи... Мен кимнинг фарзандиман. Сизни фарзандингиз эмасманми?.. *(жимлик)* Наҳотки... Гапирсангизчи ойи!!! *(Санобар бир нуқтага тикилиб қолган, кўзида жиққа ёш).* Нега жимсиз?! Мени боқиб олганмисиз?

Санобар Шу кунларни кўргандан кўра ўша кезлари ўлиб кетсам бўлмасмиди. Сен менинг қизимсан. Менинг боламсан. Сени боқиб олган эмасман. Гап шундаки, мен отангнинг иккинчи турмушиман. Сенинг ҳақиқий онанг сени дунёга келтириб, кўз юмган экан. Отанг жуда яхши одам эди. У кезлари сен ҳали гўдак эдинг. 2 ёшга тўлмаган эдинг-да, менга тезда кўникиб қолдинг. Тилинг чиқиб, «ойи» деганингда кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетганди. Ота-онангнинг қариндош-уруғлари бўлмаган. Иккаласи ҳам етимликда, болалар уйида тарбияланишган экан. Уруш асорати ўша кезлари ҳаммангнинг ҳаётига озми-кўпми таъсир қилган. Отанг билан ўн йил бирга яшадик холос. Лекин фарзанд кўрмадим.

Лобар. Онамнинг суратлари борми?

Санобар. Келганимда йўқ эди. Отангдан бир куни сўрасам негадир индамай кўчага чиқиб кетди. Мен ҳам бу ҳақда бошқа гап очмадим. Балки сўраб эски ярасини янги қилгандурман. Лекин уйда ҳеч қанақа сурат йўқ эди. Умуман бирон одам отангга онанг ҳақида сўз очса, индамай ўгирилиб кетарди.

Лобар *(йиғлаб).* Ойи?! Ойи?! Сиз менинг ойимсиз, ойижон, мен бошқа бундай яшайолмайман. Бир нарса мени ушлаб турибди. Бўлмаса аллақачон ўзимни-ўзим бир ёқлик қилган бўлардим.

Санобар. Нималар деяпсан, қизим. Мени қўрқитма. Илтимос қиламан. Ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдаксан.

Лобар. Гўдакмасман. Мен баъзибир катталар билмаган нарсаларни биламан. Инсонийликдан заррача қолмаган бўлсада, аммо қалбимда жиндаккина ҳаёт учқуни борлигидан қувонаман. Мен... сизни ва бир одамни севаман ойи, севаман!!! Шу мени ушлаб турибди.

Санобар. Севаман? Жуда яхши-да севсанг. Ким у? Мен танийманми, шу маҳаллаликми?

Лобар. Йўқ.

Санобар Бирга ўқиганмисизлар?

Лобар. Йўқ, ойи, йўқ.

Санобар. Қизим, ким ўзи, исми нима?

Лобар. Марат. Унинг хатлари мени ҳаётга қайтарган. Бўлмаса... Ойи, мана кеча почтадан олдим. Ҳар хил гап-сўз тарқамасин деб, хатни ўша ерга ёз, деган эдим *(Хатни онасига беради. Санобар конверт ичидан хатни олиб ўқий бошлайди).*

Санобар. «Салом, Лобархон! Ойингиз тузукмилар? Негадир сизни тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим *(хатнинг давомини Марат ўқийди).*

Марат *(Нурда кўринади. У юриб туради).* Негадир сизни тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим. Нима учун шундай бўлаяпти, ҳайронман. Сизни соғиниб кўргим келаяпти. Эсингиздами, биринчи танишганимиз. Трамвай бекатида эдик. Мен сиздан русчалаб Вуз городокка қайси трамвайда борса бўлади, деб сўрадим. Анча вақт ўзим ҳақимда бор гапни ёзмагандим. Энди ҳаммасини очиқ ёзишга қарор қилдим. Хабарингиз бор. Афғонистонда йигитлик бурчимни бажарганим, хизмат қилганимни биласиз *(ВИА мунгли куй чалади, пауза).* Бир куни душман қуршовида қолдик. Уч киши эдик. Данатиус, Игорь ва мен. Ёнимизда мина портлади. Данатиус ва Игорь шу заҳотиёқ ҳалок бўлишди. Ажойиб йигитлар эди. Мени эса госпиталга олиб кетишибди. Узоқ ётдим. Бўлмади шекилли, ярадор оёғимни кесиб ташлашди. Мени комиссоват қилишди. Қишлоқдан икки оёқлаб чиқиб кетиб, қўлтиқ таёқ билан кириб келдим. Кўксимда Қизил Юлдуз. Ҳамқишлоқлар бир кўксимга, бир оёғимга қарашади. Протез қилдириб олдим. Ёғоч оёқ бўлса ҳам юраяпман. Ишниям бошлаб юбордим. Кўникиб қолдим протезга. Аэропортда диспетчер бўлиб ишлаяпман. Отаонам яхши, колхозда бирга ишлашади. Бор гап шу. Сизни бутун борлиғим билан... Ҳа, майли, бу ҳақда кейин учрашганда гаплашамиз. Ҳа, айтгандек, хатингизни ўқиб тоза севиндим. Раҳмат. Мана энди мен ҳақимда ҳамма нарсани батафсил биласиз. Бир оёғим йўқ, инвалидман, аммо ўксинмайман, сизнинг ҳам менга раҳмингиз келмасин, илтимос! Агарда сиздан тез кунда жавоб хати олмасам тақдирга тан бераман *(Чироқ ўчиб хат ўқиётган Санобар ёритилади).*

Санобар *(ҳижжалаб).* Агарда сиздан тез кунда жавоб хати олмасам, тақдирга тан бераман. Агарда хат олсам... Сизни севаман, Лобар. Соғинч саломи билан Марат *(Нур она-болага тушади. Улар жим. Пауза. ВИА қўшиқ айтади).* Хат ёздингми, қизим?

Лобар. Йўқ, хат ёзмадим.

Санобар *(ҳайратда).* Нега?

Лобар. Йўл узоқ бўлгани учун хат ўрнига телеграмма юбордим. «Марат, хатингизни олдим, мен сизни севаман», деб ёздим. Фақат учрашгунимизча ўлиб қолмасам бўлгани. Мазам қочаяпти. Укол олишим керак. Кумар бошланаяпти, укол олмасам, ўламан *(ўрнидан туриб, сервантдаги идишдан нимадир олиб чиқиб кетади).* Ойи, хавотир олманг, кеч келишим мумкин.

Санобар. Нимани олдинг, болам. Жонимга тегди балога йўлиққур «кумари». Охири бахайр бўлсин: *(ВИА. «Бу ёруғ дунё» қўшиғи баралла янграйди. Йигит-қизлар нурли музика рақси жўрлигида саҳнани алмаштиришади. Яна иккинчи кўринишдаги хона пайдо бўлади).*

(Давоми бор)

ЭЗГУЛИК

Ҳакимахон опанинг ширин сўз ва меҳрибонлиги ҳақида одамлардан кўп эшитганмиз.

Бир куни Ҳакима Миршариповна хизмат қилаётган Ибн Сино номли 1-сон шаҳар касалхонасига бордик ва ҳамшира қизларга мақсадимизни айтдик. Қизлар:

— У киши операциядалар, тушликдан сўнг келсангиз учратасиз, — деб жавоб беришди.

Иш соати тугашига озгина вақт қолган бир пайтда яна ўша 4-қаватда жойлашган қулоқ-бурун-томоқ касалликлари бўлимига кўтарилдик. Бизни ўрта бўйдан пастроқ, истараси иссиқ, эгнидаги оппоқ халати ўзига ярашиб турган, қорачадан келган тўлагина, ёқимтой аёл қарши олди.

— Келинглар, мени йўқлаб келганингизни ҳамшира қизларим айтишди, — деди саломлашгач опа бизни ўз кабинетига таклиф қиларкан. Тоза, саранжом-сариштa иш кабинетига кирар эканмиз, бу ҳожатбарор, шифокор аёлнинг енгил ва чаққон ҳаракатларини зимдан кузатиб, ҳожатмандларнинг: «Жуда ширин сўз, меҳрибон, қўли енгил шифокор», деган илиқ гаплари хаёлимдан такрор ўтарди.

Ҳакима опа бир пиёла иссиқ чой узатиб суҳбат бошлади:

— Баъзи ота-оналарга ҳам ҳайронман, ёш болаларига кўпам эътибор беришавермайди, — дея ички бир куюниш билан ҳикоя қиларди у. — Мушкул аҳволга тушиб қолгандагина у ёқдан бу ёққа чопгани-чопган. Масалан, ёш бола овқатланаётганида унга ҳеч халақит бермаслик керак. Акс ҳолда кутилмаган фалокат юз бериши мумкин. Баъзи пайтда бола овқатланаётганида уни кулдиришга ва эътиборини бирон нарсага тортишга ҳаракат қилинади. Бу зарарли ҳолат, албатта. Мен сизга яхшиси ўз иш тажрибамдан бир мисолни гапириб бера қолай. Бир куни клиникамизга шошилинч равишда ёшгина қизчани олиб келишди. Қизалоқнинг юзлари кўкариб кетган, нафас ололмасдан қотиб ётарди. Дарров операция қилишга тўғри келди. Ҳар бир ўтаётган дақиқалар беморнинг аҳволини оғирлаштирар, вақтни эса қўлдан бой бермаслик керак эди. Тезликда томоқдан сунъий нафас олиш йўли — трахеотомия очилиб, трахеотометик трубка қўйилди. Кейин операция давом эттирилди. Маълум бўлишича, қизчанинг онаси сабзи тўғраётган, қизалоқ эса тўғралган сабзидан еб ўтирган. Шунда онаси уни уришиб беради. Сабзи овқат йўлига эмас, балки нафас йўлига кетиб, овоз пайлари орасига тиқилиб қолган экан. Ўз вақтида амалга оширилган операция туфайлигина қизнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бугунги операциямизда ҳам худди шунга ўхшаш ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Ҳа, бизнинг клиникамизга оғиз, бурун, қулоқ ва томоқ йўллари яллиғланиши каби турли дардларга чалинган беморлар келиб даволаниб кетишади, — дея сўзини тугатди опа.

Одатда, ҳар бир инсоннинг бирон-бир касбга меҳр қўйишига нимадир сабабчи бўлади, албатта. Ҳакима опанинг врач бўлишига ҳам бир воқеа туртки бўлган экан.

1936 йил. Ҳакима 3-синфни аъло баҳолар билан тугатиб, ёзги каникулда дам олиш мақсадида Чинознинг Кўтарма қишлоғида сотувчи бўлиб ишлаётган отаси ҳузурига боради. Ўшанда магазиннинг ёнгинасида жойлашган медпунктда ўқув практикасини ўтаётган Тошкент медицина институтининг студенти Тўхтахоннинг олдига тез-тез бориб турар эди. Врач опасининг беморларга тиббий ёрдам кўрсатишини кузатар, баъзан шундай ҳаваси келиб кетар эдики, агар дўхтир опаси рухсат берса-ю, беморларнинг яраларини боғласа. Бир куни Тўхтахон опа: «Ҳакимахон, менга қайчини олиб бериб юбормайсанми?» — дея уни — ёш қизалоқни атайлаб ёрдамга ундади. Шундан сўнг у то ёзги дам олиш кунлари тугагунга қадар Тўхтахонга майда юмушларида ёрдам бериб юрди. Шу-шу унда оқ халат кийиб, доктор бўлишга қизиқиш пайдо бўлади.


Ҳакима ўрта мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмасдан ТошМИнинг даволаш факультетига ҳужжат топшириди ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, институтга қабул қилинади. Аммо урушнинг бошланиши натижасида институт вақтинча ёпиб қўйилади. Студентлар эса шаҳар даволаш муассасаларига ишлашга юборилади. Бу даврга келиб Ҳакиманинг тиббиёт илмига бўлган қизиқиши янада ортади — кўзи пишади.

Уруш ҳам тугади, тинч ҳаёт бошланди. Ҳакимахон яна севимли институтида ўқишни давом эттиради. 1953 йилда эса институтни тамомлаб, ҳозир хизмат қилаётган 1-шаҳар шифохонасининг ЛОР бўлимига ишга келади. Ҳа, дарахт бир жойда камол топади, деганларидек, мана 35 йилдан бери шу шифохонада хизмат қилмоқда. Унинг меҳнат дафтарчасида ҳам бир муассасанинг муҳри босилган холос. 1964 йилдан бошлаб эса шу бўлимга мудирлик қилмоқда. У шу жойда ўз коллективи ўртасида холис хизмати билан обрў-эътибор орттирди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач деган юксак унвонга сазовор бўлди, партия-ҳукуматимиз унинг самарали хизматларини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирлади.

Ишга келган йилларини Ҳакима Миршариповна шундай хотирлайди: «У пайтда клиникамиз эски шаҳардаги ҳозирги туғруқхонанинг ўрнида жойлашган эди. Шароит оғир бўлиб, ўринлар жуда оз, тиббий асбоб-ускуналар етишмас эди. Ахир, 1914 йил 10 ўринга мўлжаллаб қурилган касалхонада бундан ортиқ шароит бўлиши ҳам қийин эди-да.

1960 йилда эса клиникамиз ҳозирги бинога кўчирилади. Клиника 1972 йилгача кўпи билан 400 беморни қабул қилиш имкониятига эга эди. Ҳозир эса касалхонада 12 бўлим мавжуд бўлиб, бир йўла 1100 беморга тиббий ёрдам кўрсатилади. Фақат бизнинг бўлимимизнинг ўзидаёқ бир вақтда 50 та ёш ва 50 та катта ёшдаги беморлар даволанади».

Ҳакима Миршариповна мудирлик қилаётган бўлим қошида 1966 йилда республика Медицина малака ошириш институтининг қулоқ-бурун-томоқ касалликлари кафедраси очилади ва унга тажрибали профессор Ғайрат Пўлатович Иброҳимов бошчилик қилиб келмоқда. Профессор ва кафедра доценти Амила Қодировна Расулова раҳбарлигида шу кунгача бир қанча оғир операциялар амалга оширилганлигини Ҳакима Миршариповна мамнуният билан бизга сўзлаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда Иттифоқимизда биринчи бўлиб сурункали тумов касаллиги илон заҳри билан даволанмоқда.



Врач Ҳакима Мирабдуллаева катта медицина ҳамшираси Шаҳло Акбарова билан беморни кўздан кечирмоқда.

В. МОСИН фотоси

Ҳакима опанинг айтишларига қараганда, бурун чаноғига махсус схема бўйича 6 марта укол қилингач, бемор бу дарддан тезда халос бўлар экан. Ҳозиргача бу даво усули бир неча марта қўлланилган бўлиб, яхши самара бермоқда. Шу боисдан ҳам бу ерга беморлар шаҳар ва қишлоқлардан келиб турибди.

Ўттиз беш йилдан бери бир коллективда хизмат қилиб, ўз элининг эътиборини қозонган тажрибали шифокор Ҳакима Мирабдуллаева инсон соғлиғини муҳофаза қилишдек эзгу ишга ўз улушини бахшида этмоқда.

Ибодулла ҚЎНҒИРОВ



Абдулла Қодирий ўғли Ҳабибулла билан.

Абдулла Қодирий сийвонида

«Гулистон»чилар Ҳабибулла Қодирийнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб, астойдил ачиндилар. Дафн маросимининг тўртинчи куни эди. Таъзия — ҳамдардлик билдириш учун йўл олдик. Самарқанд дарбоза даҳасининг халта кўчаларидан айланиб, ўша машҳур ёзувчи Абдулла Қодирийнинг боғ ҳовлисига яқинлашаяпмиз. Бу даргоҳ ҳақида кўп эшитганим бор.

Хаёлимда ўша «Ўтган кунлар», ўша ориятли Отабек, ўша оқила Кумушбиби. Улар билан ҳали замон муюлишда учрашиб қоладигандайман. Йўқ, йўқ, моҳир ўймакор сайқал берган қўштабақали дарбоза. Кўргон девори ёнидаги ёғоч қозиққа Отабекнинг тўриғи банди этилган. Ичкарида кимхоб кўрпачалар солинган сўри. Суянчиғига тўрт-бешта лўлаболиш суяб қўйилган. Сўри четида Отабек. Боши эгик. Мўйсафид Ҳасанали қўлидаги чойнакни дастурхонга қўйиб...

— Бу ёққа, — деди кимдир.

Пастаккина қўш қопқали дарбоза. Енида марҳумнинг ўғиллари Хондамир билан Шеркон қўл қовуштириб ўтиришибди. Катта йўқотиш ёш дўстларимизни анча эзиб қўйибди. Таомилни ўрнига қўйгач, ҳамдардлик билдириб, кўнгил сўрадик. Ҳабибулла Қодирийнинг кўрган-кечирганлари ҳақида унча-мунча воқеалар эсланди.

Бу хонадон ўз соҳибларининг шуҳрати билан қанчалик оламга донғи кетган бўлса, шунчалик ночор, тасвирлашга тил ожизлик қиладиган даражада ғариб ҳам кўринди кўзимга. Айниқса, бугун, Қодирий авлодларидан бири, табиб ва катта ёзувчи энг муҳими, отаси Абдулла Қодирийнинг шаънига отилган маломат тошларига кўксини қалқон қилиб келаётган, пировардида улуғ ёзувчининг гуноҳсиз эканлигини элу юртга маълум қила олган, манфурлар тўдасининг таъна ва дашномларига, кесатиқ ва таҳқирлашларига дош бериб келган, умрининг сўнгги кунигача катта ишонч ва умид билан яшаган Ҳабибулла Қодирийнинг вафоти кунида.

Ҳабибулла домла билан бирикки бор редакция биносида кўришганмиз. Гарчи бирор ерда ўз ўтмишига оид суҳбатини эшитмаган бўлсам-да, кўзларини, ўша вазмин ва ўйчан, дардчил кўзларини яхши эслаб қолганман. Бу кўзлар қарийб ярим аср оламга умид билан боқди. Яхшилардан мадад олди. Ҳаётнинг ғаддорлар айлантирган чархпалаги маромини сабр билан кузатди. Келажакка, Қодирийлар номини мусаффоликка олиб чиқадиган келажакка, ҳақиқатга ишониб яшади. Ким билади дейсиз, у кишининг кўнглидан ҳар тонг нималар кечган. У кўнглидагини дуч келган кишига тўкиб солмас, оғир ва мушоҳадали киши эди. Бошидан кечирган кўргуликлар, қама-қама, оғиз пойлашлар, мишмишлар ва туҳматлар уни шундай камсуқум қилиб қўйган бўлса ажаб эмас. У фикрларини, дардини, тунлари заҳмат чекиб қоғозга туширишга ҳаракат қилар ва шу билан ўзини овутар эди. Елғиз орзуси отаси — Абдулла Қодирий номини поклигича, у яратган асарларини тўлалигича, уни суйган, қадрлаган, номини дилида сақлаб келаётган заҳматкаш халқига етказиш, етказганда ҳам...

Ўтган йиллар давомида қанчадан-қанча китоблар чоп этилмади. Уларнинг қанчаси китоб дўконлари пештахталарида қолиб кетди. Қанчадан-қанча унвонлар ўзаро улашилмади, мукофотлар тортиқ қилинмади. Осмон баробар ҳайкаллар қўйилмади, ол товоғим, бер товоғим қилинмади. Уй музейлари, ҳамду санолар... Кўп ишлар қилинди. Фақат бир иш қилинмади. Қодирийнинг номи. Қодирий яратган дурдона асарлар ўз қиймати даражасида баҳоланмади. Ўша ҳамиятсиз, орномуссиз тўдалар Сўфизода, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир каби забардаст ёзувчи ва шоирларнинг фаолиятини турли йўллар билан, тирноқдан кир ахтариб инкор этиб, ўзбек совет адабиётини ўзлари яратган қилиб кўрсатдилар, узоқ йиллар оммани чалғитиб келдилар. Уларнинг гуркираб ўсаётган шумтоллари соясида буюк ёзувчининг қолиб келаётгани уни қийнар, азоблар эди. У ҳар гал отасининг қўлёзмаларини, қайчиланиб, узуқ-юлуқ бўлиб чоп этилаётган китобларини варақлаганда руҳан эзилар эди. Наҳотки, ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйганлардан бири, ўзбек романчилигига биринчи бўлиб асос солган, солганда ҳам жаҳон миқёсига олиб чиққан машҳур ёзувчининг қисмати кун сайин уваланиб бораётган мана шу тилсиз деворлардай вақт тўқмоқлари остида эзилиб, пастқамлашиб бораверса. Асарлари таҳрир остида эълон қилинса...

Абдулла Қодирий ижодига ҳурмат билан қараган, тафсилоти эндиликда аён бўлаётган ҳур фикрли Горькийнинг мавҳ этилгани ҳақида ўқиганларимни эслайман. Олчоқлик ҳамиша эзгулик билан ёнма-ён бўлган... истеъдодлар таъқиб қилинган.

— Отамизни узоқ тортилган азоб-уқубатлар сил касалига дучор қилган эди, — эслайди Шеркон. — Айниқса сўнгги йилларда бор қувватини ишга солиб ижодга берилдилар. Турғунлик йиллари чекиниб, қайта қуриш тантана қила бошлаган сари, оқни оқ, қорани қора дейиш таомилимизга кира боргани сари, отамиз: «Яшайдиган замон келди, ўғлим», дегувчи эди. Боболарингизнинг руҳини пок тутинглар, дегувчи эди. Афсус, кўзлари очиқ кетдилар. Уларнинг ҳали умидлари кўп эди. Лоақал бобомиз Абдулла Қодирийнинг уй-музейини ташкил этишга ҳам улгурмадилар...

— Бобомизнинг кўп томлик асарларини нашрга отам билан бирга тайёрлаб қўйган эдик, — эслайди катта ўғил Хондамир. — Ҳамон йўл йўқ. Билмадим, мутасадди раҳбарлар нега пайсалга солиб келишаяпти бу ишни. Бобомизнинг айби талантли бўлганими? Зукко бўлганими? Халқини севгани, уларга меҳр-муҳаббат қўйганими? Адабиётни жондилидан севганими айби? Абдулла Қодирий номини элга ёмонотли қилиб кўрсатиш кимга ва нима учун зарур бўлди экан? Уйлаб-ўйлаб Қодирий манфаатпарастлар қўлида қурбон бўлганига амин бўлади киши. Эндичи? Ахир ўша даврдаги қинғир ишларнинг илдизи очилди-ку. Оқ бинонинг куйган мўрилари кўриниб қолди-ку. Ниятимиз бобомизнинг руҳи, ҳурматли ёзувчиларимизга кўрсатилаётган эътиборга сазовор бўлса, у ёқиб кетган чироқ адабиётимиз кошонасида мангу нур таратса...

Шеркон кўксидан тўлғаниб келаётган туғёнини одоб билан жиловлайди, ерга қарайди. Суҳбат узилади. Пастаккина ҳовли сатҳидаги жўмраги бузилган ўтказгичдан оқиб турган муздай сувга коса-товоқларни чайиб олаётган дардчил аёлнинг совуқдан кўкариб кетган бармоқларига тикиламан. Қайлардадир кўрганим, кунгирадор хонадон, ўтказгичдан иссиқ-совуқ сув оқиб турган шинам, ойнаванд ошхона, япон матоҳларига ўраниб, тилло-тақинчоқли бармоқларини илиқ сувга уриш малол келиб турган хонимчаларни эслайман. Бу хонадонга ҳаммага насиб этган, табиий оқма газ ҳам ўтказилмаган. Ҳайҳотдай пойтахт шаҳар ўртасида ўгайланган хонадон.

Бу хонадон файзи Абдулла Қодирий эди. Отадан сўнг бола — Ҳабибулла Қодирий. Улуғ ёзувчининг фарзанди бўлгани учун ўн йил муддатга маҳкум этилган. Гулдай оила оммавий репрессия қурбони бўлди. Аёллари ҳам, болалари ҳам, бирдай қатағон қилинди.

Муддатлар ўталгач, йиллар давомида бирон ташкилотга бориб уларнинг мушкули осон бўлмасди. Чунки, уларнинг шаънига бир парча қора лой чапланган эди. Эл кўзига ёмонотли қилиб кўрсатилган эди. Қўл учида кун кўрилди.



замондошларимиз

Зулхумор Неъматова бадиий буюмлар фабрикаси марказий-тажриба лабораториясида ўзбек миллий каштачилигида қўлланиб келинган қадимий безаклар, кўзга ором берувчи ранглар устида ишламоқда.

Марҳабо Мансурова қўлидан чиққан ишлар жозибадорлиги билан диққатни тортади.

В. Мосин фотолари




ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАС
ИЖОД



Алишер Навоий Ҳиротда.




Навоий ва Гули.




Навоий мусиқа тингламоқда.


ОМИ ҚУТЛУҒ БАШАРОВ
ИДАН

Навоий шоирлар даврасида.



Навоий ва Ҳусайн Бойқаро.





Навоий халқ орасида.



Узбекистон ССР халқ шоири Миртемирнинг қабрига ўрнатилган ёдгорлик.
А. Жумаев фотоси

Катта прапоршчик Халфа Маҳматов шахсий жамғармасига қурган уйини Риштон район, «Сўх» совхозидаги болалар боғчаси ихтиёрига ўтказди. У ерда ҳозир меҳнаткашларнинг юз нафардан зиёд болалари тарбияланмоқда.

Суратда: Х. Маҳматов боғча болалари даврасида.

Р. Шагаев фотоси



Фақат ориятли кишиларгина баъзан хуфия, баъзан ошкора хонадон соҳиб ва соҳибалари ҳолидан хабардор бўлиб турдилар...

...Марҳумнинг чироғбонларидан изн сўраб ўрнимиздан турдик. Мавруди бўлмаса-да, Абдулла Қодирий яшаган, ўз қўли билан бунёд этган, ҳовли этагидаги биноларни зиёрат қилиб кетишга жазм қилдик.

Ўша даврнинг сифатли ғиштларидан тикланган, унча катта бўлмаган, болахонали, олди ойнаванд ижодхона. Ҳаловатсиз йиллар дағдағасига дош бера олган бино. Анвармирзо ва Раънолар-нинг, Отабек ва Кумушбиларнинг сирли-сирли кулгулари жаранглаган хоналар бўм-бўш. Гўё Кумушбиби ҳозиргина кафанланиб қабристонга олиб кетилгану бағри ҳувиллаб қолган Абдулла Қодирий кўксини ерга босиб, бўзлаётир. Юпатишга тил заиф, кўнгил ожиз. Зулфи шалвираб тушган, кечаётган воқеалардан гирён, оғзи очиқ қолган эшик. Ичкарига қадам босишга юрак бетламайди. Мотамхона.

Ичкари ҳовлига ўтамиз.

У ерда 1928 йилда Абдулла Қодирий ўз қўли билан бунёд этган икки қаватли шийпонча. Бу ерда замонанинг алломалари Алексей Толстойдан, зукко Садриддин Айнийларгача тунларни тонгга улаб гурунг қилишган.

Айвончанинг ўнта ғиштин устуни ҳамон мустаҳкам. Худди Абдулла Қодирийнинг ўзидек, зуваласи пишиқ, чидамли. Айвончага шийпоннинг орқа томонидан кўтарилдик. Самарқанд дарбоза даҳасининг яқин-йироқлари кафтдек кўзга ташланади. Бирдан ўзингни сайрда эмаслигингни сезиб қоласан. Азадор Хондамирнинг ғамгин нигоҳини туясан.

Йироқлашамиз. Айвонча ҳувиллаб қолади... увиллаб қолади. Бу ердан гўё ҳозиргина хонадон соҳиби ҳибсга олиб кетилган... олиб кетилган... кетилган... Айвончада китоблар, қўлёзмалар сочилиб қолгандай. Гўё уларни дайди шамоллар учириб кетадигандай, ташвишга тушасан.

Дарвоқе, елвизак туриб, бир парча қоғозни учириб кетмоқчи бўлади. Қоғоз парчаси устунлардан бирига урилиб пойига тушди. Яхшиям устунлар бор экан...

— Бор экан...

— Нима бор, экан?

— Устунлар деяпман.

— Ҳа-я! Ҳақиқатми деб ўйлабман.

— Унисиям бўлади.

Ўктам МИРЗАЕР

САЙЁҲ БИЛАН СУҲБАТ

Сен дединг:
— Қандай юрт ул Ўзбекистон?
Қани, таърифини айлагил баён!
Сенга айтажагим:
Кўзларимга боқ,
Нималарни кўрдинг, кўзимда, ўртоқ?
— Кўзингда қуёш бор, — дединг чароғон,
Ўша қуёшнинг номи Ўзбекистон!
Томиримни ушла,
Нима сездинг, ўртоқ?
— Муҳаббат оқмоқда гупуриб бу чоқ,
Оламдаги бор ишқ қургандир ошён,
— Ўша муҳаббатнинг номи Ўзбекистон!
Қалбимга бир қара,
Қалбимда не бор?
— Қалбингдан таралар нурлар беғубор.
Қалбингда кўрдим бир чаноқ пахта,
Бир чаноқ пахтаки, жо бўлган жаҳон.
— Ўша жаҳоннинг номи Ўзбекистон!



МУҲОЖИР ҚЎШИҒИ

Нетайки, ушбу кун қаддим эгик, дол,
Биров не бўлди деб бермайди савол.
Менга асти-асти кулмади иқбол,
Ўртаб соғинч доғи Ўзбекистоннинг.

Она юртим эди қадимдан ўктам,
Уни мен тарк этдим, мен — гумроҳ одам.
Сўнгги бор олсайди суюб мени ҳам,
Гул тўла кучоғи Ўзбекистоннинг.

Нашвати, нокларнинг бўлдим ҳумори,
Бахтиёрдир ҳатто жону жондори.
Бир қултум сувининг зориман, зори,
Асалдир булоғи Ўзбекистоннинг.

Умрим қайта бошдан яшарар эди,
Дилда қувончимни тоширар эди.
Ҳаёт илигимни оширар эди,
Бир кафт зар тупроғи Ўзбекистоннинг.

Дўстлар, жудо бўлинг майлига жондан.
Майли айру тушинг шарафдан, шондан.
Лекин кечманг асло ул ошиёндан,
Шундоқ дарду оҳи Ўзбекистоннинг.



Темур УБАЙДУЛЛО

ЎҒЛИМГА

Ўғлим, сен туғилдинг бахтли бир кунда,
Бирам дўмбоқ эдинг, кўзларинг қора.
Онагинанг асти тўймасди сенга,
Бўйра сочларингни эркалаб тараб.

Замон сеникидир, ўйна, яйра, кул,
Болаларим бўлсин сенда намоён.
Мусаффо оламдир мурғак ҳар кўнгил,
Болалик завқини суролгин обдон.

Ўсиб улғайганда тенгдошлар ичра,
Сени кўрган чоғда кўзларим ёнсин.
Сенда бўлсин дейман қувончли чеҳра,
Барча орзуларинг ушалсин, қонсин.

Юрагингда доим юрт меҳри турсин,
Билгил, шу юрт берган менга ҳам жонни.
Отангни унутсанг, жонимга урсин,
Мендек севолсанг бас Ўзбекистонни.

ЭЪТИРОФ

Туғилган чоғимда сени ўйладим,
Онамнинг гулхандек иссиқ бағри деб.
Меҳрингни шимириб ўсиб-улғайдим,
Мен сени ўйладим она меҳри деб.

Меҳнатдан топганда шавкат ҳамда шон,
Мен сени ўйладим олтин хирмон деб.
Эгатлар оралаб излаган имкон,
Ҳам танти, ҳам дангал бободеҳқон деб.

Мен нима ўйласам баридан буюк,
Тенгги йўқ, бахти бут сендайин эл кам.
Ҳар қадамда сени ардоқлаб, суюб,
Кашф этиб келаман, муқаддас ўлкам!

Мен англаб етдимки, барча эзгулик,
Дилимдаги барча олий армоним,
Қутлуғ нарса борки ипга тизгулик,
Бари сен экансан, Ўзбекистоним!

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Қадимий Бобил деворлари

Биз тарих китобларидан қадимги Бобил (Вавилон) давлати, унинг обод шаҳарларию баланд миноралари ҳақида, Семирамида боғлари, шоҳ Хаммурапи тўғрисида ўқиганмиз.

Бағдоддан 90 километр жанубда Бобил вайроналари — очиқ музей — баҳайбат девор қолдиқлари турибди. Эрамизгача бўлган VI асрда — Навуходоносор II нинг шоҳлик даври бўлиб, Вавилоннинг энг гуллаб-яшнаган пайти эди. Мана шу даврда у Шарқдаги катта шаҳарлардан бирига айланганди. Кейинчалик юнон ва римликларнинг ҳарбий юришлари Вавилонни инқирозга олиб келди, кимсасиз қумликлар ва Фрот (Евфрат) дарёсининг тошқинлари остида қолди.

Бахтга қарши, Бобил ажойиботлари бизнинг асримизгача етиб келмади, лойдан ясалган обидалар асрлар синовига дош беролмади.

Энг ақлли қуш

Болаларнинг қайси қуш ақлли деган саволларига, кўплар қарға деб жавоб беришади. Ҳа, дарҳақиқат, қарғаларнинг баъзи ҳаракати кишини ҳайрон қолдиради. Қарғалар йўл четида пойлаб туриб, оғир юк машиналарининг зириллашидан юқорига кўтарилган чувалчангларни тутиб ейишади. Оғилхоналарда чўчқалар елкасига қўниб ўтириб сичқон тутишади. Улар баъзан инсон товушларини такрорлай оладилар, баъзиларининг «лексикони»да 150 дан ортиқ сўз бор дейишади. Мутахассислар қарғаларнинг дам олиб ётган сигирларни туришга даъват этганини ҳам кузатишган.

Ҳикоятларнинг тагида, одамзодни меҳнат, одамзод эса шу обод оламни яратди, деган ҳақиқат ётади. Ҳозирги кунда етмиш ёшнинг ё бери, ё нарисида бўлган кишиларга меҳнат ҳақида маъруза ўқиб ўтириш — нодон кишининг алломага ақл ўргатишидай бир гап. Ахир, жаҳонда биринчи бўлиб бўй-баст кўрсатган янги тузумни мустаҳкамлаганлар ўша кишилар эмасми? Ширкатларнинг артелларга, артелларнинг ўртоқлик хўжаликларга, ўртоқлик хўжаликларнинг бора-бора қудратли бир мамлакатга айланишига борлиғини бахшида этган ўша кишилар эмасми? Йиғлай-йиғлай ариқ қазиган ўша кишилар бўлса, ўйнаб-кулиб сув ичган бизлар эмасмидик? Оғзимиз энди ошга етганда, мамлакатимизга малахдай бостириб кирган Гитлер газандаларига қарши жонини жабборга бериб курашганлар ҳам, жон бериб, жонлар олиб, қон ютиб, қонлар кечиб, бизларни бу офат, бу фалокатлардан қутқазган халоскорлар ҳам ўша фидойи жонлар эмасмиди?

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвонни олиш ўттиз саккизинчи йили оилавий звено тузиб, унга ўзи бошчилик қилди. Орадан бироз ўтгач, ҳар гектар ердан мўл «оқ олтин» ҳосили етиштиргани учун жумҳуриятимизнинг биринчи президенти Иўлдош Охунбобоевнинг имзоси билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олиш ёш йигитчага насиб қилди. Тилга тушди. Обрўси ошди. Эллигинчи йили 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 48,5 центнердан хирмон кўтаргани учун ҳукуматнинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвонга сазовор бўлди. (Ҳозир бу кўрсаткич кўпларга кулгили туюлади. У вақтлари ер соғлом эди, об-ҳаво соғлом эди, муҳит соғлом эди, одамлар соғлом эди.) Меҳнати юзага чиқди. Ғайратига-ғайрат қўшилди. Бири икки бўлди. Шу йўсин коллектив хўжаликнинг борлиқ поғоналарини бирма-бир босиб ўтиб, колхоз раиси даражасига кўтарилди. Энди оддий бир батракнинг ўғли колхоз раиси. Энди биргина ўзини, биргина оиласини эмас, бутун бир аймоқ, бутун бир қишлоқ ҳақида



керак экан. Бир қиз яхши кўрган йигити билан... Бунга ҳам раис аралашиши керак экан. (Худди бошқа иши йўқдай)... Кимнинг бошига жудолик тушибди. Бу қийин савдо. Бориш керак. Ёрдам бериш керак. Кўпнинг отаси-да! Биргина булар эмас, карвон қанча бўлса жиҳози ҳам шунча бўлади. Баъзилар ўйлайдики, колхоз раиси ҳамиша шоҳсупада ўтиради, деб. Одамлардан ортиқ яшайди, деб. Айтгани — айтган, дегани — деган, деб. Аслида эса... Мана буни раиснинг ён дафтаридаги кундаликларидан ҳам билса бўлади:

«Одамни меҳнат яратди», деган гап — гап.

Ишламай кун кечириш — жиноятга қўл уриш дегани.

Ўз фарзандларининг танглайини қадоқ қўллари билан кўтарган кишилар хорлик кўрмай яшайдилар.

Қўли баланд кишиларга ялиниб, ёлвориб, ялтоқлик қилган одамларнинг жисму жонида тулкининг қони бўлади. Сотқинлар аслида ана шундайлардан чиқади.

Колхоз мулки — кўпнинг мулки. Кўпнинг мулки — муқаддас. Бу мулкка хиёнат қилган киши ўзига ўзи хиёнат қилган бўлади.

Атрофига уруғ-аймоғини тўплаб олган раҳбар — ўгрибоши.

Ҳар бир хонадони тўқ, бадавлат бўлган уюшманинг намунали хўжалик деса бўлади.

Раҳбарнинг эгри қўл бўлгани — эл олдида юзи қора бўлгани.

Ҳамманинг кўзи хўжалик раҳбарида бўлади. у нафси ғорлик қилиб бирни ўмарса, бошбух ўнни ўмаради. Кассир кўпнинг чўнтагига қўл солади. Шундай қилиб, талон-тарожчиликни раҳбарнинг ўзи бошлаб беради.

Мажлисларнинг, маърузаларнинг кўп бўлгани — гап билганга минг танга, деганларининг ўзи.

Ҳар бир элнинг ўз тоши, ўз тарозисини, юкини маънавий жиҳатдан белгилаб, керак бўлса, уни ўз елкаларида кўтариб турадиган сарварлари, сардорлари, карвонбошилари бўлади. Ўзлари туғилиб ўсган муқаддас маконларининг номлари ўша кишилар туфайли ўз эл, ўзга ўлкаларга маълум ва машҳур бўлади. Назира Иўлдошева, Жавод Кўчиев, Қўзибоқар Синдоров, Муҳиддин Каримов, Абусамад Исматов, Мирзамиддин Исомидинов, Турсунбой Латипов — бу кишилар катта йўлдаги катта карвонлар. Босган қадамлари эзгуликка пайваст кишилар. Тақдирлари ҳам, таржимаи ҳоллари ҳам Мирзагулистоннинг чорак асрлик тарихи, такомили билан мутаносиб.

Ғанишер Юнусов, Райимжон Муҳаммедов, Абдураҳмон Султонов — бу кишилар фидожонлар, мангуликка дахлдор зотлар. Биз Абдураҳмон Султоновнинг таржимаи ҳолини, қилган ишларини бирма-бир санаб ўтирмадик. Сабаби Еруғ Юлдуз, Олтин Қозиқ, Ҳулкар ва бошқа барчага белгили самовот юлдузларини тилга олганда, уларни қайта изоҳлаб ўтириш ортиқчадир.

Фақат у киши билан ҳамнафас, ҳамдард бўлган хешларининг, маслакдошларининг ўз суйган кишилари ҳақидаги фикрларидан айрим намуналар келтириш билан кифояланамиз:

«Дадамни ҳафталаб кўрмаган кунларимиз кўп бўлган. Бирда — бир уйғотиб эркалатганлари эсимда.

МАҲБУБА».

«Қишлоғимиздаги кўпчилик кишилар раисдан яхши яшар эдилар.

С. МАЪДИНОВ».

«Раисимиз тўрт хонали уйни ўз пулига сотиб олдилар. Ваҳоланки, раис сифатида қаср қурдириб олиши мумкин эди.

Т. ШЕРОНОВ».

«Бир куни Абдураҳмон аканинг тоби қочиб қолди. Сўнг правление аъзоларини тўплаб, Тошкентга бориб, докторга кўриниб келиш учун бир кунлик муддат сўрадилар.

Н. АБДУКАРИМОВ».

«Колхозимиздаги биргина кўчанинг номи Абдураҳмон аканинг исми билан айтилади. Бу бизга бироз эришдай туюлади. Бирон мактаб, маҳкама ёки хўжаликка қаҳрамоннинг номини берса арзимас эканми?

А. НУРМАТОВ».

«Биз қишлоқда яшай туриб ҳамиша колхоз раисининг оёғидан олишга чоғланиб, амал-тамал талашиб юрадиган тулки табиатли рақибига у кишининг шундай дегани ҳеч ёдимдан чиқмайди:

— Мен сиз билан саҳнада эмас, майдонда олишишга ҳар соат, ҳар сонияда тайёрман.

Л. ЭРБЎТАЕВА».

Одатда худбин, баднафс раҳбарлардан кўпинча ўз фарзандларига остонаси олтиндан бўлган қасрлар, ҳали туғилиб улгурмаган фарзандларига тилло бешиклар, сутга чайиб олгандай

Тўра СУЛАЙМОН

ЎЛОВ

бахтига муяссар бўлган Абдураҳмон Султонов ҳам бир қорли, бир қировли, бир алғовли, бир далғовли кунларни бошидан кечирган авлодга мансуб зотлардан эди. У киши ҳаёт бўлганларида қавми-қариндошлари, таниш-билишлари, жондай жигаргўшалари, шогирдлари бу йил у кишининг кутлуғ етмиш ёшини нишонлаган бўлар эдилар.

Яхши ўлмас бўлса-чи,
Кўз юмилмас бўлса-чи!
Одамзодга бир умр
Ажал келмас бўлса-чи!..

Асли унинг отаси — Султон бобо деҳқончиликнинг кетидан косаси оқарган, жўжабирдай жон — фарзандларига ҳам шу хайрли касбни мерос қилиб қолдирган саховатли киши эди.

Республикамизда ёппасига коллективлаштириш бошланган йиллари Султон бобо азал-азалдан тилга туша келган сўлим Фарғонанинг булбул аримас боғларини, турна кўзли чашма-булоқларини, сою сайхонларини, кўзга тўтиё қилгудек тупроқларини ташлаб Мирзачўлга кўчиб келди. Энди-гина ўн ёшларга тўлиб-тўлмаган Абдураҳмоннинг бир умрлик иши, ташвиши, қувонч-қайғуси Мирзанинг чўли билан боғлиқ бўлиб қолди. Шу масканда ўсди, унди, камол топди. Йигирма ёшга тўлган чоғида — ўйлашга, бош қотиришга, кўпнинг ишончини оқлашга тўғри келди. Энди, эр йигит эл учун қайғуради, деган нақлга амал қиладиган, акс ҳолда кўпнинг назар-эътиборидан қоладиган вақт келган эди. Эр йигитнинг ичида арава қўшган от ётар, деганлари шу шекилли, энди барчага бирдай муомала қиладиган, гап билганга иш билан, иш билганга имдод-имтиёз билан жавоб берадиган вақт келган эди.

Катта хўжаликнинг — ҳозирги Гулистон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг ташвиши ҳам катта эди. Энди кези келса, тунларни тонгга улаш пайти келган эди. Шундай ҳам бўлди. Уйдан тонг қоронғусида далага отланиб, ярим оқшом деганда уйга қайтиш одат. Озгина мизғиб олса, кифоя. Меҳри тушган тўнғич қизи Марҳабони эркалатиш у ёқда турсин, бирда кўриб, бирда кўрмайди. Яна тонг. Яна чопа-чоп. Бирда мажлис бўлса, бирда маъракa. Бюроларга қатнашиш эса хат бошида. Ҳали уруш жароҳатлари кўпнинг сийнасидан кўтарилганича йўқ. Кимга дон, кимга ақча керак. Ким ўғил уйлантирмоқчи. Ким иморатга қўл урмоқчи. Қурилиш материаллари керакка ўхшайди. Қай бир уй бекаси кўп ичадиган эринининг устидан шикоят қилиб келган бўлади. Раис бобо тартибга чақириб қўйишлари

машиналар, сандиқ-сандиқ пуллар қолади. Бу — ёмондан дод қолади, дегани.

Абдураҳмон Султоновдан эса ўз фарзандларига у кишининг энг яхши фазилатлари қолди. Бу — яхшидан от қолади, дегани. Тўнғич қизлари Марҳабо — шифокор. Маҳбуба — муаллима. Абдуқодир — тарихчи. Абдуғофур — иқтисодчи. Абдураҳим — санъаткор. Кенжа қизлари Машҳура — болалар врачи.

* * *

1943 йил. Новгород шаҳрини мудофаа қилишда разведкачилар командири А. Султонов ўнг қўлидан — тўрт мучасининг биридан айрилиб, бунинг азобини бир умр тортиб ўтди. Тўнғич ҳамда кенжа қизларининг табобат илмини эгаллашлари, аслида, дадаларининг, ҳеч ким менингдек ногирон бўлмасин, ҳамиша одамларнинг дардига малҳам бўлинглар, жонига оро киринглар, деган орзуларининг амалга ошгани.

Узоқ ўтмишимизни билмаган кишининг сўқирдан фарқи йўқ. Бундай кимсалар келажакни кўра билмайдилар. Отасининг бу гапини Абдуқодир ерда қолдирмади. Санъатдан, адабиётдан бехабар одам — ўта қашшоқ, ўта ғариб бир кимса. Падари бузрукворларининг бу тимсолларини Абдураҳим билан Маҳбубанинг муқаддас калима ўрнида қабул қилишлари ана шундан.

Робия ая ҳам бой, бадавлат уй бекаси. Меҳр ва муҳаббат билан умр йўлдошининг чиғоғини ўчирмасдан, у кишининг номларини азизлаб, ардоқлаб келди. Ўғил-қизлари, келинлари, набиралари Робия ая бувиси атрофида парвона.

Шогирдсиз устоз — соясиз, салтанатсиз бир чинор. Гулистон районида, Мирзагулистон воҳасида ўз устозларининг шаънига доғ туширмай пахтачиликнинг ҳозирги илмидан, амалиётидан имконияти борича фойдаланиб келаётган неча ўнлаб шогирдлари ҳам эл-улус назарида.

Гулистон районининг марказидан то «Красная заря» колхозигача бўлган йўлнинг икки томонида саф чекиб турган қайрағочлар ҳам меҳнат қаҳрамонидан қолган бир хотира. Эрта-индин бу йўлда машиналар қатнови қалинлашади. Султоновлар хонадони меҳмонлар билан гавжум бўлади. Қаҳрамоннинг номи эҳтиром билан тилга олиниб, у кишининг пойига даста-даста гулдасталар қўйилади.

Қайта-қайта бош эгиб,
таъзим қилиб ўтингиз
Мунис синглим, дуогўй
Момом ётибди бунда.
Ўтар чоғи арзийди
симобга айлансангиз
Бобо деҳқон, большевой
Бобом ётибди бунда —

деган битиклар ўқилади.

Бу — ҳаётлигидаёқ ўзига ҳайкал ўрнатиб кетган фидойи кишиларимиз ҳақида битилган ўчмас қасида, ўлмас ёдловларнинг юздан бири.

ҲАМЗА ВА ТАТАР АДАБИЁТИ

Ҳамза таваллудининг 100 йиллиги

Рус, озарбойжон, татар адабиёти ва матбуоти тажрибалари билан анча илгари таниш бўлган Ҳамза Улуғ Октябрь революциясидан кейин улардан ўрганишни янада фаол ташвиқ қила бошлади. У Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш учун қизғин гражданлар уруши кетаётган бу даврда ўзининг жанговар шеърлари ва катта-кичик саҳна асарлари билан жангчиларимизни ғалабага илҳомлантирди.

Ҳамза Фарғона, Тошкент ҳамда узоқ Хоразмда ишлаб юрган йиллари турли адабий кечаларда ўзининг революцион шеърлари билан бирга қардош халқлар куй ва қўшиқлари, саҳна асарларидан ҳам парчалар кўрсатган.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, шоир А. Островский, Ғ. Камол, О. Иброҳимов, А. Тўқай, М. Ғафурий каби рус, татар ёзувчи ва драматургларининг асарларини жуда ёқтирган.

Ўша вақтларда Туркистонда кенг тарқалган Абдулла Тўқайнинг эшонлар, муллалар, бойлар, хотин-қизлар озодлиги душманларини кескин фош қилувчи «Муллалар зори», «Хотинлар ҳуррияти», «Мужик уйқуси» каби муҳим ижтимоий-сиёсий шеърлари, жанговар сатираси озодлик душманларининг ашаддий ёви бўлган Ҳамзага ғоявий жиҳатдан жуда яқин бўлган. Унинг гражданлар уруши, хотин-қизлар озодлиги учун кураш йилларида яратган жанговар шеърлари, марш ва қўшиқларида шу даврдаги ўзбек халқ қўшиқлари руҳи билан бирга рус, татар революцион шоирлари, айниқса, Абдулла Тўқайнинг синфий душманларга қарши ишчиларни озодликка чақирувчи «Товуш ҳақида», хотин-қизлар ҳуррияти тараннум этган бошқа шеърларининг ғоявий руҳи ва поэтикаси чуқур таъсир этгани очиқ сезилади.

Буни Ҳамзанинг «Ишчи бобо», «Ўзбек хотин-қизларига» шеърларига қиёсланганда аниқ кўриш мумкин.

Ҳамза айниқса, татар театр санъатига қизиқиб, бу соҳада 20-йилларнинг бошида Тошкент театрларида режиссёрлик қилган шоир Тўқайнинг замондоши ва дўсти Камол, актриса Фотима Ильская ва бошқалар билан яқиндан мулоқотда бўлади.

Гражданлар уруши, босмачиларга қарши кураш, ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги душманларига қарши жанговар кураш даврларининг оловли йилларида турли миллат ва халқлар адабиётлари ва маданиятларининг илғор революцион тажрибаларини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш асосида улғайиб вояга етаётган Ҳамзанинг кўпқирали революцион ижоди ва ижтимоий фаолияти умуман 20-йиллар ўзбек адабиёти ва маданияти тараққиётигагина эмас, балки Ўрта Осиёдаги бир қанча халқлар янги адабиётининг шаклланишига ҳам таъсир этмай қолмади. Ўз моҳияти билан ҳақиқий халқчил ва интернационал моҳиятга эга бўлган Ҳамзанинг бу даврдаги революцион шеърлари, жанговар публицистикаси ва саҳна асарлари («Яша, Шўро!», «Ўзбек хотин-қизларига», «Ҳужум хоинларига», «Бой ила хизматчи», «Бу кун — 8 Март», «Майсаранинг иши», «Ким тўғри» каби) фақат Ўрта Осиёдаги ўзбек, қозоқ, тожик, туркман адабиёти вакиллари орасидагина эмас, Туркистонда кўпдан бери яшаб келаётган Ҳоди Тоқтош, З. Башир, Л. Сайфуллина, Субай Маҳмуд, Зоҳида Бурнашева каби бир қанча маҳаллий татар шоир ва ёзувчиларининг ижодига ҳам таъсир этмай қолмади. Уларнинг бу даврда ўлкамизда ўтказилган ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги учун кураш кампанияларига бағишланган қатор асарлари (С. Маҳмуд «Ер қуллари», З. Башир «Озодлик қурбонсиз бўлмайди», «Ўлим шериклари», «Эрк йўлида», Лолахон Сайфуллина «Ичкари», «Ўзбек хотини») бевосита Ҳамза бошлаган революцион ўзбек адабиёти ва санъатининг таъсирида яратилди. Бу уларнинг шеър, ҳикоя, публицистик мақоласи ва саҳна асарларининг ғоявий тематик йўналиши, тил ва услубининг кескин сиёсий публицистик руҳида очиқ кўринади. Ҳамза асарида бу даврда фақат Ўрта Осиёдаги қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ, татар халқлари орасидагина эмас, Волга бўйидаги татар, бошқирд зиёлилари орасида ҳам кенг тарқалиб, қизғин тарғиб қилина бошлади. Бунда татар зиёлилари ва матбуоти катта роль ўйнади. Профессор Абдураҳмон Саъдий, таржимон ва ёзувчи Зариф Башир каби зиёлилар ўзбек, татар матбуоти саҳифаларида ҳар икки халқнинг Ҳамза, М. Шермуҳамедов, А. Тўқай, М. Ғафурий, О. Иброҳимов каби вакиллари ижодини кенг пропаганда қилиб, татар — ўзбек адабий алоқаларининг ривожланиши, шунингдек, Ҳамза, Абдулла Қодирий ижодларининг Татаристонда кенг тарқалишига кўмаклашдилар. Зоҳида Бурнашева, София Сергозиева-Файзуллина каби татар театр ҳаваскорлари маҳаллий ўзбек, тожик зиёлилари билан ҳамкорликда Абдулла Бадрий, Ҳожи Мўйин асарлари каби Ҳамзанинг революцион шеърлари ва драматургиясини ҳам татар зиёлилари орасида тарғибот қилишда фаол иштирок этдилар.

20—30-йилларда режиссёр Камол Ўзбекистонда Ҳамза, Маннон Уйғурлар билан революциядан кейинги дастлабки совет пьесаларини саҳналаштиришда қатнашган бўлса, кейинги йилларда қардош татар халқининг режиссёрлик, актёрлик санъати хизматларини ўташ учун ва ўзбек пьесаларини татар театрларида саҳналаштиришга кўмаклашиш мақсадида Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театрининг бош режиссери Тўла Хўжаев Қозонга бориб, татар режиссёрлари Шакир Шамилский ва бошқалар билан ижодий ҳамкорлик ишлари олиб борди. Шакир Шамилский урушдан кейинги йилларда Қозонда Ҳамзанинг машҳур классик асарлари «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» каби пьесаларини саҳналаштириб, кўп минглаб татар томошабинларига унинг ўлмас асарларини тарғиб ва ташвиқ қилди. Шундан кейинги ўтган йиллар ичида «Совет адабиёти» кейинчалик, «Қозон ўтлари», «Озод хотин» журналлари, «Социалистик Татаристон» газеталари Ҳамза инқилобий асарларидан намуналар, унинг ҳаёти ва ижодига оид материаллар бериб борди.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари кандидати



Тошпўлат ҲАМИД

ГУМБАЗЛАР САДОСИ

Бухоро тунлари...
Сеҳргар тунлар,
Қаърингиз тубида бор нашъу наво.
«Лаби ҳовуз» гуллари бағрига ундар,
Сайргоҳ кўчалар бунча дилрабо.
Нур ўйнар қўнғироқ,
ипак сочларда,
Нур ўйнар ранг-баранг мисли гулдаста.
Фонтан отилади қайрағочларга,
Юраман гўзаллик кўркидан мастдай.
Турфа ранг хонатлас кийган жононлар
Кўзларни яшнатар чамандай ёниб.
Қора кўзойнакда келган меҳмонлар
Қайтишар,
«Лаби ҳовуз» сайридан қониб.
Минора устида сузар рангпар ой,
Нурини тошларга этиб бахшида.
Асрий обидалар очади чирой,
Мен тилсим кўраман тошлар нақшида.
Учқур хаёлларга эргашиб шуур,
Ёниқ туйғуларнинг тутиб баридан,
Тупроқда зар кўриб,
ҳар бир тошда дур.
Хаёлан гумбазлар узра учаман,
Ой нури осмондан сочади зарҳал...
Ва дейман туриб мен замон қаъридан:
— Заргар бўл,
зар қадрин билгувчи бўлгин!
Самовий гумбазлар қайтарар садо:
— Заргар бўл,
зар қадрин билгувчи бўлгин!
Бухоро тунлари... сеҳргар тунлар,
Сокин бағрингизда тинглайман наво!



МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

АДОЛАТ ОФТОБИНИ КУЙЛАБ

Тарихдан маълумки, Муҳаммад Раҳимхон II нинг вафотидан кейин унинг ўғли Исфандиёр 1910 йили Хоразм хонлиги тахтига ўтирди. У ҳукмронлик қилган даврда халқ бошига тушган азоб-уқубат янада кучайди, солиқларнинг тури кўпайтирилди ва хон саройида маънавий ва ахлоқий бузуқлик авж олди. Хон айғоқчиларидан Алимаҳрам, Матвафо Карвонбошилар (бош вазир) Исфандиёр ҳарамига чиройли, гўзал қизларни олиб келиб, хоннинг ҳайвоний нафси учун қурбон бўлишга мажбур қилдилар. Ўз номусини ҳимоя қилган қизлар эса аёвсизларча қийнаб ўлдирилди. Зевар ва Саодат исмли қизлар қайнаб турган қозонга ташланган бўлса, Ойхоним исмли қиз хондан ўзини ҳимоя қилиб унинг қўлини тишлаб олганлиги учун қутурган мушук солинган қопга тиқиб талатилди. Хон ва амалдорларнинг бу зулм ва ваҳшийликларини Аваз ўзининг «Зевар ҳам, Саодат ҳам» шеърида қаттиқ қоралади:

Халойиқ молу мулки юз тутиб
торожу яғмоға,
Бўлиб хон нафсига қурбон бари
номусу иффат ҳам.
Саноқсиз авлиёлар, шайхлар,
эшону муфтилар,
Лаинлар ҳолига далла эрур
қози, шариат ҳам...

Авазнинг ижоди ғоявий-бадиий жиҳатдан давр тараққиётига ҳамоҳанг етилиб борди. У меҳнаткашларнинг эзилиши, уларнинг азоб-уқубатда ҳаёт кечиришига сабаб илм-фаннинг ривожланмаганлиги, одамларнинг саводсизлиги, ҳукумат тепасига нодон ва шафқатсиз ҳукмдорлар чиқиб олганлигида деб билди. Шунинг учун ҳам у ҳукмдорларни инсофга, адолатга, халқни маърифатли қилишга, фанни ривожлантиришга чақирди.

Россияда бўлиб ўтган 1905—1907 йиллардаги биринчи рус революцияси таъсири ва шундан кейинги инқилобий ғоялар Хоразм хонлигига сургун қилинган революционерлар, завод ва фабрикада ишлаётган рус ишчилари, кундалик матбуот орқали кириб кела бошлади. Меҳнаткашларнинг оғир ҳаётини ўзгартиришга олиб келувчи янги замон қуришда бу илғор ғоялар катта аҳамият касб этишини тушуниб етган Аваз ўзининг «Тил» шеърида халқни рус тилини ўрганишга даъват этади:

Ҳар тилни билув эмди одама
жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур.
Ғайри тилни саъй қилинг билгали,
ёшлар,
Ким илму ҳунарлар билонки ондин
аёндур.
Лозим сиза ҳар тилни билув
она тилидек,
Билмакка они ғайрат этинг фоида
кондур.
Илму фан уйиға юборинглар
болангизни,
Онда ўқуғонлар бори яктойи
замондур.
Зор ўлмасун онлар доғи тил
билмай Аваздек,
Тил билмаганидан они бағри
тўла қондур.

Зулм ва истибдоднинг барча турлари кучайиб кетганлиги сабабли 1912—16 йилларда хонга қарши стихияли чиқишлар тез-тез бўлиб турди. 1912 йили Хўжайли, Хонқа, Ҳазорасп деҳқонлари бойларнинг ерларини босиб олдилар. 1913 йили Илонли ва Тошовуз оралиғида 1000 дан ортиқ хон лашкарлари ер билан яксон қилинди. Фақат Туркистон ўлкасидан келган чор ҳукуматининг ҳарбий қўшинлари бу қўзғолонни бостиришга эришди. 1916 йили хонликда энг катта қўзғолон кўтарилди. Бу қўзғолон ҳам кўп қон тўкиш эвазига шафқатсиз бостирилди.

Биринчи рус революцияси ва хонликда рўй берган сиёсий воқеаларнинг ривожи халқнинг илғор намояндаси Аваз Ўтар ижодига инқилобий руҳ бағишлади. Шоир ижодидаги маърифатпарварлик ўрнини исёнкорона дунёқараш эгаллади.

Биринчи рус революциясидан кейин бевосита унинг таъсирида Хоразмда миллий буржуазия вакилларидан иборат ҳаракат гуруҳи «Еш хеваликлар» ташкилоти пайдо бўлди. Бу ташкилот моясини катта савдогарлар, майда буржуа вакиллари ташкил этиб, улар оғизда халқ озодлиги, тенглик, бахт-саодат ҳақида гапириб, амалда халқ қўзғолонини хон ҳукумати билан келишувга олиб келгандилар. Аслида улар хонлик тузумига қарши эмас эдилар. Шунинг учун ҳам Аваз ўзининг «Йўқ бўлинг!» шеърида уларнинг халққа хоинлигини фош қилиб ташлайди:

Йўқ бўлинг, тездан кўзимдин
халқ аро шармандалар,
Халқ ғамидин ўзни нарроҳ тутғучи
бегоналар.
Ҳайқириб эртаю кеч сизлар
муаззин ўрнида
Бўлдингиз ёлғончиликда эл аро
овозалар.

«Ҳуррият, эрк» дебонки
ёлғон алфозлар била,
Оқибат мазлумларга ютдирдингиз
хуноблар...

Қайсингизни кўрди эл капча билан
ёп қозғонин,
Борингиз савдо-сотиқ бозорида
жавлонлар.

Эй Аваз, қил жидду жаҳд сен эл
билан шомус сабоқ,
Қолмагай оламда бори хони
харомзодалар.

Авазнинг ўз халқига меҳр-муҳаббати ўзи туғилиб ўсган юртига, Ватанига бўлган садоқати билан қўшилиб кетади. Ўз халқининг бахт-саодати учун жон беришга, қон тўкишга тайёр эканлигини «Фидои халқим» шеърида тубандагича ифодалади:

Фидои халқим ўлсун танда жоним,
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.
Гар ўлсам дарбадар мазлумлар
учун,
Будур мақсуди қалби нотавоним...
На яхши ўйлаким, маъқулу манзур,
Аваз, халқим учун тўкулса қоним.

Шоирнинг инсонпарварлиги ва ватанпарварлиги жамиятни, халқни азоб-уқубатда сақлаётган золимлардан озод қилишни, тенгликка асосланган даврнинг келишини ифодалаганидадир. Аваз озодлик қуёши порлаяжагини ва эзувчи синф берган жабр-зулми учун жазо олажагини талқин қилади:

...Мунчаким зулм айлагунг
бордур мукофоти замон
Оқибат бир кун анга масъул бўлиб
бергунг жавоб.

Бор умидим, тездин бўлғуси
ҳуррият куни
Эй Аваз, қолмас булут остида
доим офтоб.


Хонликда кўтарилган қўзғолонлар стихияли бўлганлиги унга сиёсий раҳбарлик зарурлигини тасдиқлади. Аваз Ўтар ҳақиқий инқилоб учун Россияда тузилган большевик партияси каби раҳбарий орган зарурлигини шундай ифодалади:

Ватанпарвар фидоий фирқалар то
бўлмайин пайдо,
На мумкин топмоғи ўлган таниға
тоза жон миллат?!

Россиядан буюк бир хабар тарқалди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилди. Аваз Октябрь революциясини жондилдан қутлади. Чунки бу революция тўлқини Хевага ҳам етиб



ФОТОАЙБНОМА



Чирчиқ шаҳридаги кимё заводларининг, табиатга ва инсон организмига зарарли бўлган чиқитлари, шаҳар атрофидаги қишлоқлар оралаб чиқиндихоналарга гоҳ очиқ, гоҳ муҳофаза қилинган ҳолда олиб ўтилади. Бунинг оқибатида йўл атрофидаги тут ва бошқа мевали дарахтлар заҳарланмоқда. Бу ҳолни Чирчиқ шаҳри атрофидаги боғларнинг қуриб бораётганидан ҳам билса бўлади. Бунинг устига кимё заводларидан таралаётган заҳарли тутун пойтахт оби-ҳавосини ҳам булғашда ҳамон давом этмоқда.

У ерда бўлганимизда бир неча гектар майдонни эгаллаб ётган чиқиндихона атрофида колхоз-совхозларнинг ўтлаб юрган подаларини кўрдик. Заминга сингиб, ҳавога учиб кетаётган кимёвий моддалар, ер ости сувларининг яқин атрофидаги яйловлардаги ўт-ўланларнинг, чорва молларининг, умуман бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг заҳарланмаслигига ким кафолат беради?!

Суратда: Чирчиқдаги кимё заводларининг чиқиндихонасидан кўринишлар.

В. МОСИН фотолари



келишига ишонган эди. Бу тарихий воқеага атаб ўзининг «Ҳуррият» шеърини битди:

Сиёсат маҳв бўлди, яшасун
оламда ҳуррият,
Бори эл иттифоқ ила жаҳонни
айласун жаннат.
Кетиб зулму ситамнинг зулмати
бўлмиш жаҳон равшан,
Адолат офтоби мамлакатга
кўргузиб талъат...

Аваз Ўтарнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган адабиётшунос олим Валижон Мирзаевнинг ёзишича, Исфандиёрхон шоир уйини тинтув қилишга буйруқ берган. Унинг уйига бостириб киришганларида, Аваз ва унинг дўсти уста Қаландар шоир девонининг сўнгги 18 варағини куйдириб бўлаёзгандилар. Аваз Ўтар бетоб бўлган. 1918 йил ўрталаригача ёзган энг яхши инқилобий шеърларини ўз қўли билан ўша девоннинг охирига ёзиб борган. Бу шеърлар ичида «Ол байроқни!», «Омон берма!», «Яша, инқилоб!», «Қўзғолинглар!», «Яша, ҳуррият!» сингари йигирмага яқин шеърлар бор эди. «Ол байроқни!» шеъридан бир парча Қаландар Қурбоновнинг «Эсдалик дафтарида» сақланган.

Ол байроқни баланд кўтар,
оломонлар,
Зўр курашга қадам ташла,
афгорлар.
Ендир тахтни, Исфандиёр
бахтини,
Навбат етди сенга ҳурлик
шодиёналар.

Бу тўртлик Хевада хонга қарши ўтказиладиган намойиш иштирокчиларига мўлжаллаб ёзилган қўшиқ матни эди.

1920 йил 2 февраль куни Хоразмда халқ революцияси ғалаба қилди. Бу тарихий воқеа Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қонуний давоми эди. Халқ асрий орзуси ушалди. Аваз орзу қилган ва севиб куйлаган кун етиб келди. Афсуски, хонлик зулми ва таъқиби остида ўз саломатлигини йўқотган Аваз Хоразм халқ инқилоби тантанасидан атиги бир неча ой илгари ҳаётдан кўз юмган эди...

Ботир ОТАБОЕВ

Яҳё ТОЙИРОВ

Олтин балдоқ

(ҚИССАДАН ПАРЧА)



Командир эртаси эрталаб ҳузурига чақиртирди. Кирсам, кайфи чоғ. У мени ёнидаги ўриндиқларнинг бирига ўтирғизиб:

— Энди гап мундоқ, ўртоқ Жўраев, бир вақтлари тоғанг Панғозга қатнаб бозоргонлик қилганмиди?

— Худди шундай, ўртоқ командир, — ўрнимдан сапчиб турдим.

— Расмиятчиликни қўй, — ўрнимга ўтирғизди, — устига-устак, Сожида — душманнинг қўлида. У сени яхши билади. Шуларни ҳисобга олганда, у тарафларга сенинг боришинг мувофиқ кўринаяпти.

— Раҳмат, ўртоқ командир!

— Бўлмаса, бугун бориб тоғанг билан яхшилаб гаплаш. Тоғ йўлларини, савдо ишларини ўрган. Улар сенинг Сожидага қариндош эканлигингни, ота-онангнинг вафоти, мардикорликка борганлигингни, ҳеч кимнинг бўлмагач, қари тоғангнинг қошига келганлигингни, тоғангнинг маслаҳати билан қиш чиққунча савдога киришганингни билсин. Яна такрорлайман: ўзингни хотиржам тут. Қандай қилиб бўлмасин, уларнинг ишончига кириш керак. Ўрганадиган нарсанг: Аширматнинг қанча одами бор? Кимлар билан алоқада? Қандай қуролланган? Хўш, мабодо улар бизнинг Обликда эканлигимизни билиб қолган бўлса, қайси томондан ҳужум қилмоқчи? Раҳмонқул кўрбоши билан қайси йўллар орқали алоқа қилади? Яна бир гап, баъзи бир манбаларга қараганда, Аширматнинг Фарғона водийсидаги босмачилар билан муносабати яхшига ўхшайди. Яхшигина эмас, обрўси устун экан. У бундай обрўга қандай эришди? У ерда кимлар билан яқин? Шуларни ўрган. Хўш... яна нима қолди? Ҳа, ростданам, энг муҳими, Аширматга дуч келганингда итоатли бўл, ҳаракатларингдан, қарашларингдан унинг кўнглида гумон уйғотма! Эшитишимча, у гумон қилган одамларини ҳар хил синовлардан ўтказармиш. Ҳамма ерда бир сўзли бўл. Иложи борича уни қўлга тирик тушириш керак. Биз билан алоқа боғлаб турасан, кечикмай орқангдан одам юборамиз. Уни танимаслигинг мумкин. Пароль бундай: олдингга бир одам келиб, чимчилоғи билан қулоғини ковлайди. «Шу яқин орада бу тарафдан бирор лочин учиб ўтмадими?» дейди. Сен ҳам қулоғингни чимчилоғинг билан кавлаб: «Бир ҳафта илгари учган дейишади», дейсан.

— Тушундим, ўртоқ командир!

Белгиланган куни Чимбой мозори орқали Кандир довонига қараб жўнадим. Эгнимда ямоқ тўн. Бошимдаги оқ бодом гулли дўппининг устидан яғири чиқиб кетган чорсини салла қилиб ўрадим. Оёғимда тоғамнинг чориғи. Белимга арқон ипни боғладим. Эшагим ҳам ориқ. Устига ортилган хуржунларнинг бир кўзида ип, тамаки, носвой, совун; иккинчи кўзида ип-игна, аёллар учун ойна-тароқ, лампанинг пилиги ва бошқа нарсалар...

Анча ергача эшакни миниб бордим. Кун терак бўйи кўтарилганда Аълобой жон берган жилғанинг бўйига етган эдим. Кейин, катта йўл билан юқорилайвердим. Бир жилғадан иккинчи жилғага ўтишим билан, ҳаво совиб, эшакнинг юриши оғирлашди. Қўлларимни енгимнинг ичига тиқиб, пиёда юра бошладим. Бу жилғадан ўтгандан кейин йўл яна қийинлашди. Чунки бу ердаги тик чўққига қиялаб чиқиш керак эди. Шу ерга келганда, ярим соатча дам олволдим-да, яна йўлга тушдим.

Кўп ўтмай, Кандир довонининг устига ҳам чиқиб олдим. Довоннинг у тарафига қарасам, бир қанча сойлар саф кўринди. Уларнинг бирисида Аширматнинг пойлоқчиларига дуч келишим мумкинлигини хаёлан тасаввур қилдим.

Довондан эҳтиёт билан тушдим, яна икки қирни ошганимда, димоғимга қарағай ўтининг иси урилди. Демак, душман билан юзма-юз келиш вақти яқин. Қорин очқади. Учқунлаётган қор тезлади. «Энди нима бўлса бўлди, ғайратга кирай», дедим-да, қадамларимни ҳушёрлик билан босиб, туша бошладим. Пастда шарқираб оқаётган анҳор бўйига келиб, хуржунни эшакдан туширдим. Ундан талқон билан бир дона қурут, бир бурда нон олиб қирғоққа ўтирдим. Талқондан бир каплам оғзимга солиб, бир ҳовуч сувни энди ичишимни биламан, менга қарши тарафдаги бурилишда икки отлиқ кўринди. Улар тўппа-тўғри устимга бостириб келаверишди. Чаққон ўрнимдан турдим. Икки қўлимни кўксимга қўйиб бошимни эгдим.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом, — деб саломимга алик олди уларнинг шопмўйловлиги отини гижинглатиб. — Йўл бўлсин, йигит!

— Панғозга, тақсир.

— Хуржунингдаги нима?

— Савдо моллари, тақсир, майда-чуйда.

— Наша-пашанг борми?

— Хошо, — дея хижолатда қолдим, — афу қилгайсиз, тақсир, шу кунларда нашанинг бир миқоли фалон пул бўлиб кетди. Бизнинг унга ҳолимиз етмайди. Тамаки керак бўлса, энг яхшисидан бор. Бир марта тортсангиз, ҳар қандоқ хумордан чиқасиз.

Отлиқлар бир-бирига маъноли қараб, отдан тушишди. Қарасам, уларнинг кўриниши ҳам, сўзлари ҳам хавфли эмас. Бошини менга ўхшаб танғиб олган. Белини узун қора лас белбоғ билан боғлаган. Белида маузер. Елкасида милтиқ.

Отлиқлар аввал сувга бориб, юз-қўлларини ювишди. Кейин тоғларни кўрсатиб бир нарса дейишди-да, мен тарафга бурилди.

— Хўш, оғайни, ўзларини қаердан сўраймиз? — деди ҳалиги шопмўйловли киши.

— Обликдан, тақсир.

— У тарафларда нима гап?

— Худога минг қатла шукур,



Б. ТЎХТАБОЕВ чизган расм

ҳамма тараф сув сепилгандек тип-тинч. Бандаи мўъминлар беш вақт намозида сиз ислом лашкарларининг омадини тиламоқда.

Шопмўйловлига гапим ёқмади. У кўзларимга тешворгудек зарда билан қараб, чап қўлига ўралган қамчисини аста урди.

— Тамакини ол!

Мен хуржундаги кичик халталарни чиқариб, охири тамаки солинган халтани топдим.

— Тамакини ташлашга минг марта қасам ичсам ҳам, иложини қилолмаяпман-да, — деди яна бириси мен берган тамакини қўлига олаётиб. Шопмўйлов кўзларини қаршимиздаги тоғдан олмай таъкидлади:

— Тамаки чекишнинг ҳам гашти бор, Сулаймон, уни сен билмайсан. У минг дардга даво!

— Шундоқ, Мансур, шундоқ. Мен жим ўтиравердим. Мансур тамакидан чуқур-чуқур тортиб, сўради:

— Кимнинг боласисан?

— Ота-онам оламдан ўтишган.

— Бола-чақанг борми?

— Йўқ.

— Елғиз яшайсанми?

— Йўқ, Ермат тоға билан.

— Қайси Ермат у?

— Обликда савдо қилиб юрадиган Ермат бобо.

— Сожиданинг дадасими?

— Шундоқ, тақсир.

Мансурнинг авзойи яна ўзгарди:

— Демак, Аширмат билан қудачилигинг бор экан-да?

— ...

Мансур менинг жавобимни кутмасдан, гапини давом эттирди:

— Балким бу сафар куёвинг билан кўришарсан? У сенга совға-салом берар. Лекин эсингни йиғишинг керак, йигит. Биз-ку бир алдандик, сен алданма! Қўрбоши қанча керилмасин, бари бир ҳоли хароб. Илтифотли ёрдамчилари думини ҳода қилаяпти. Улар билан ёпирилиб келаётган қизилларга тенг келаман дейишнинг ўзи аҳмоқлик. Халқни талаганлар — биз. Кишиларни қақшатганлар яна биз. Сенинг куёвинг буйруқ беришни билади. Узича ўзини тўнғиздан пок, фариштадек оқ кўрсатмоқчи. Иш чаппасига айланса, чет элга равона бўлади. Мана шуларни ҳам айт! Сендан Мансур юз ўгирган, у сенга душман, сени бир кун бўлмаса-бир кун ўз қўли билан бўғиб ўлдиради, дегин...

Мансур ана шуларни деяётганда, қўлини маузерига чўзди. Буни кўрган Сулаймон ўзини унинг устига отди.

— Мансур, ҳой, оғайни, бу йигитда нима айб? Узимиз қўлимизни қондан чиқаролмаётганимизда, яна қонга булғамоқчимисиз? Қўйинг аҳмоқликни!

Мансур ғўлабир, кўринишидан куч-ғайрат ёғилиб турса ҳам, Сулаймоннинг қаршилигига бас келолмади. Сулаймон у билан олишаётиб менга: «Қоч!» деб буюрди. Шоша-пиша тугунларимни йиғдим-да, эшагимга ортдим. Кейин орқа-олдимга қарамай, қочганимча, сувнинг у тарафидаги қарағайзорга ўзимни урдим...

Бу воқеа мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Булар ростдан ҳам ақлини йиғиб олган кишиларми ёки йўл устида мени синовдан ўтказдими, деб ўйладим. Жонимни ҳовучлаганча, қарағайзордан чиқдим, шу ердан бошланган янги йўл билан водийга йўл солдим.

Навбатдаги бурилишдан ўтгач, каттакон ғор оғзида ўтирган бир тўп кишиларнинг олдидан чиқиб қолдим. Улар кўринишидан босмачиларнинг пойлоқчилари эканлиги маълум эди. Ҳаммаси бирдай гулхан атрофида шумшайишиб ўтиришибди. Бири оёқ товушини сезди шекилли, мен тарафга қараганди, ҳаммаси менга тикилди. Мен хотиржам келавердим.

— Ассалому алайкум,—дедим узоқданоқ. Улар саломимга истар-истамас алик олиб: «Хўш, хизмат», дегандек қарашди. Мен одоб билан қўлимни кўксимдан туширмай, илтимос қилдим:

— Совқотдим, тақсирлар, исиниб олсам, бўладими?

Ўтирганлар индамай ёнларидан бир кишилик жой беришди. Ўтирдим. Бу ердагилар ҳам савол деганни ёгдирворишди. Қаноатли жавоб олишгач, қунишганча жим бўлишди. Мен исиниб олгач, сал-пал чарчоғим ёзилди. Қош қорайгунча манзилга етиб олишга ошикдим.

— Сизларга ҳеч нарса керак эмасми, тақсирлар? — дедим ўрнимдан тураётиб. Улар яна бир-бирларига қарашди-да, бир зум жим ўтиришди. Кейин қотмадан келган, саватсоқол журъатлангандек илжайди:

— Бизга нима керак бўлсин, отишга милтиғу ейишга нон бўлса, бас. Сендаги нарсалар ойимчаларга керак. Бор, йўлингдан қолма. Ана, анави кўриниб турган теракзор Панғоз. Қайтишингда бир қумғонда мусаллас олиб келсанг бўлгани...

Панғозга икки намозшомда етиб келдим. Панғоз бутунлай тошлоқ ва қақроқ қишлоқ экан. Қишлоқни иккига бўлиб турган катта йўл мени тўппа-тўғри чойхонага бошлади. Боядан бери учқунлаб турган қор бирдан тезлади. Чойхонанинг олдида бир зоғ кўринмайди. Эшагимни эшик олдидаги бир қозиққа боғлаб қўйдим-да, хуржунни елкамга ташлаб, чойхонанинг эшигини аста очдим. Чойхона ичини шишасига қоғоз ёпиштирилган лампачироқ аранг ёритиб турибди. Атрофни тамаки билан нашанинг ланғсиган ҳиди қоплаган. Мен билан кириб келган совуқ уйнинг ичини яхлам ғувуллативорди.

Салом бердим. Бирови бўғиқ овоз билан жавоб қайтарди.

— Йўловчи эдим, бир кеча тунашга жой топилармикин?

— Жой йўқ, — деди яна бояги киши.

Кўнглимни андиша босди. Узимни ўнглаб олиб, атрофга кўз ташладим. Девор тарафига узун сўри ясалган. Унда тўрт-беш киши оғир пишиллаб, қийшайиб ётишибди. Бирови жойидан эринибгина туриб, носқовоғидан тилининг остига нос ташлади. У менинг донг қотиб турганимга ҳайрон бўлди.

— Эшитдингми, меҳмон, жой йўқ, дедик-ку!

— Узр, бой ака, узр, — руҳим тушган ҳолда ортимга бурилдим. Ташқарида бўлса, қор ёғмоқда. Оч қурсоқ, устига-устак, кун бўйи пиёда юриш мени анча ҳолдан тойдирган эди. Бегона юртда кимнинг уйига бош уриб кираман.

Оёғимни судраб аранг эшагимни қозиқдан ечиб етаклай бошладим. Чойхонадан бир оз узоқлашгандим, эшикнинг ғичирлаб очилгани эшитилди. Чойхонадан биров чиқиб бақирди:

— Ҳой, меҳмон!

«Бирор тунайдиган жой кўрсатса керак», деб ўйлаб, унинг олдироғига бордим.

— Хуржунингдаги нима? — сўради у ёнимга келгандан кейин.

— Савдо-сотиқ моллари, тақсир.

— Қаердан келдинг?

— Обликдан.

Ҳалиги одам хуржуннинг ташидан ушлаб кўрди.

— Шундай қилиб, савдо қилиб юрибман, дегин!

— Шундай, тақсир.

— Балки ниятинг бошқачадир?

— Бу нима деганингиз, бой ака, менинг қандай бошқача ўйим бўлиши мумкин?

— Мақсадингни ҳозир биламиз, қани, орқамдан юр!

Қадамларимни аранг ташлаб, ўрдакдек лапанглаган киши ортидан боравердим. Унчалик узоқлаб кетмадик. Йўлнинг чап тарафидаги тепаликдан ўтиб, дарвозасига иккита қоровул қўйилган ҳовлига яқинлашдик.

— Пирматмисан? — сўради пойлоқчиларнинг бири.

— Ҳа, мен.

— Ёнингдаги ким?

— Бунинг билан ишинг бўлмасин!..

Қоровул бизни ҳовлига киритди. Ҳовлининг икки тарафига узундан-узун бостирма қурилган. Бостирмаларнинг устига ўт-чўп босилган бўлиб, остида яхши кўркам отлар боғланган. Бошини танғиб, биқинига маузер осган кишиларнинг бир қанчасига дуч келдим. Улар ҳам менинг бошимдан-оёғимгача қараб, ўзаро пичирлашарди. Бири Пирматнинг ишораси билан қўлимдан эшакнинг чилвирини олди. Биз бир тарафга қийшайган кичкинагина пиллапоядан кўтарилдик. Пирмат мени шу ерда турган бир соқчига топшириб, ичкарига кириб кетди. Соқчи дарҳол милтиғини менга ўқталиб туриб олди. Тепамдаги ёниб турган лампага қараган бўлиб, атрофни кузатдим. Мен турган жойдан икки қадам нарида катта долон бошланаркан. Унга қаратиб икки эшик очилган. Афтидан, ўртадаги хонада Аширмат турса керак. Манавинисида ким тураркин? Сожида қаердайкин? Қаршимдаги эшик очилди. Пирмат кўринди. У яқин келиб: «Қани, юр», дегандек имо қилди. Эгнимдаги қорларни қоқиб, чориғимни тозалаб олгач, юрдим. Бу уйлар ўйлаганимдек киши ийманадиган даражада эмас экан. Ғиранашира, тор залдан озроқ юриб, кенг, ёруғ бир уйга кирдик. Тўрдаги деворга осилган гиламга суяниб ўтирган кишининг менга кўзи ўқдек санчилди. Бу Аширмат эди. Хаёлимдан Қодирохун аканинг яланғоч укаси, Аширматнинг ўша вақтдаги хўмрайган башараси ялт этиб ўтди. Ҳозир унинг бошида дўппи, устида қимматбаҳо тўн, кўкрак чўнтагида соатнинг олтин занжири осилиб турибди. Ноз-неъмат тўла дастурхон атрофида катта саллали, олтмиш ёшлардан ошиб қолган пучуқ бир киши ўтирибди.

— Ассалому алайкум, бой ота, — итоаткорлик билан салом бердим. Бек саломимни эшитдими ёки эшитган бўлсаям, алик олгиси келмадими, мендан кўзини олмай, ҳамон жим ўтирарди. Мен ўзимни уйнинг мол-бисотига тонг қолганга солдим. Аширматнинг бош томонидаги қора бахмалга, кашта тикилиб ёзилган арабча хатларга, хат устидаги ой билан юлдузнинг суратига, қилич, милтиқ, тўппонча осилган гиламга завқ билан қараган бўлиб турдим.

Бек дастурхонни кўрсатиб:

— Қани, меҳмон, марҳамат! — деди.

— Раҳмат, ота, — дедим-да, хуржунимни бўсағада қолдириб, кўрсатилган жойга бориб ўтирдим. Пирмат ҳам ёнимга жойлашди.

— Аввал таом, баъдаз калом, — вазминлик билан сўз бошлади бек, — нонга қара, ҳорибчарчаб келгансан.

Ташаккур айтиб, нондан бир тишлам оғзимга солдим.

— Қаерликсан?

— Тошкентнинг Чорсу маҳалласидан эдик, тақсир, кейин Қашқар маҳалласига кўчиб ўтган эканмиз.

— Кимнинг боласисан?

— Жўрабек аравакашнинг.

Аширмат бирпас қовоғини уюб жим турди.

— Эслолмадим. Аммо сен Аълобойни танисанг керак?

«Уни нимага сўраб қолдийкин — хавфсирадим, воқеадан хабар топганмикин?» Ўрнимда дадил чайқалиб олдим.

— Албатта, тақсир, биламан. Ул зот бизни ўзига жуда яқин тутади. Ҳатто мен мардикорликда юрганимда, уйнинг бор-йўғидан хабар олиб турган.

— Қўли очиқ одам, — чойидан ҳўплади бек. — Илло, у тарафда яшаганларнинг ҳаммаси тақводор одамлар эди. У тарафларга бориш яна насиб бўлармикин?

— Иншоолло, насиб этади, — унинг кўнглини овлашга тиришди саллали одам, — кўнглим шундай бир рўшнолик сезиб турибдики, бир сув оққан жойдан яна сув оққусидир. Шундай бўлади. Ваҳоб Махсумнинг Бектемирдаги гурунгхонасида, Қодирҳожининг Дўрмондаги чорбоғида яна базми жамшид бўлғусидир.


— Илло, айтганлари келсин. Тошхўжа, Дадахон, Норхўжа, Исломбекларнинг дастурхонларига яна дохил бўлайлик, — Аширмат ширин ўйлар таъсирида бир зум маст бўлди шекилли, кейин менга юзланди. — Отанонг ҳозир ҳам Қашқар маҳалласида туришадими?

— Йўғ-э, тақсир, — мискин ҳолатда бўйнимни қисдим, — мен мардикорликдан келгунча, оламдан ўтишган экан.

Уйғур тилидан
Ҳикоят МАҲМУДОВА
таржимаси

Хотира куни

НОМЛАРИ ЎЧМАСИН



О. ВОСИХОНОВ чизган расм

Афғонистонда байналминал бурчини адо этишда қатнашган заҳматкаш афғон халқини ёвуз кучлардан ҳимоя этаётиб марҳумларча ҳалок бўлганларнинг номлари ўчмасдир. Улар ҳарбий бурч ва садоқат, ватанпарварлик намуналарини кўрсата олдилар. Бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир районида ана шундай оловқалб, жонфидо йигитларни ўстирган оналар жуда кўп.

Ана шундай садоқатли йигитлардан бири Каттақўрон районидаги «Пролетарий» колхозида туғилиб ўсган, шаҳардаги Ленин номли 13-ўрта мактабда таҳсил олган Қаҳҳор Исматов эди. У ҳарбий хизматга чақирилгунча Куйбишев номли ёғ-мой комбинатида пайвандчи бўлиб хизмат қилар эди.

Ёш жангчи билан бирга хизмат қилган сафдошлари Суннатулла Мажидовнинг ҳикоя қилишича, Қаҳҳор ҳар доим зиммасига юклатилган вазифаларни ҳалол бажарган. Бир неча бор мураккаб операцияларни бажаришда иштирок этган. 1982 йил 26 июль куни у жанговар дўсти Виктор Осипов иккаласи муҳим вазифани бажараётиб душманлар ўқидан ҳалок бўлдилар.

Ҳаётда Қаҳҳорнинг, у сингари йигитлик бурчини ўтаётиб ҳалок бўлган юртдошларимизнинг орзу умидлари кўп эди. Афсус.

«Пролетарий» колхози қабристонидаги Ёдгорлик тахтачаларидан бирига шундай сўзлар битилган:

«Қаҳҳор Исматов
1962—1982 15. 08. да дафн этилди. Афғонистонда мардларча ҳалок бўлган».

Қаҳҳор Исматов кўрсатган матонати ва сўнгги дақиқаларда ҳам ҳарбий бурчига содиқ қолганлиги учун «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу юксак нишони уни билганлар, тарбиялаб вояга етказганларга ҳурмат рамзи ҳамдир.

Ҳозир Қаҳҳор таълим олган мактаб клубида жангчининг порлоқ хотираси учун жанговар бурчак ташкил этилган.

Лекин, очиғини айтганда, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Қаҳҳорнинг отаси Суннат Исматов — етмиш икки ёшли отахон. Бор-йўғи 50 сўм атрофида нафақа олади. Ўғлининг ҳалок бўлгани учун ҳарбий комиссариат томонидан 17 сўм миқдорида нафақа белгиланган.

Суннат ака билан суҳбатлашсангиз, фиғони фалакка кўтарилади. Турмуш ўртоғи 52 ёшда, ҳали пенсияга чиқмаган. Оилада олтита фарзанд. Уларни едириш, кийинтириш керак.

— Касал бўлишимга қарамай «Узбекистон қишлоқ хўжалиги кимёси» ташкилотида қоровул бўлиб ишлаб келаяпман, — дейди отахон афсус билан.

Суннат акага нима деб далда беришни ҳам билмайсан киши.

— Қаҳҳоржоннинг номини абадийлаштириш учун бирор тадбир кўрилганми? Мактаб ёки кўчалардан бирига унинг номи берилса, кўп яхши иш бўларди-да, — дейман ҳамдардлик билан.

— Яхши иш бўларди, ҳаммага ўрнак бўларди, аммо буни ким қилади?

— Ҳм, — дейман ўзимча. — Бундай тадбирларни амалга ошорадиган район, шаҳар ижроия комитетлари, қишлоқ советлари, комсомоллар, эҳе, бу маъмурий ташкилотлар қанча кўп. Аммо... одамларнинг тақдирига, турмушига бефарқлик жамиятимиз мақсадларига ёт тушунчалардир. Буни ҳамма англаши, марҳумлар хотирини ҳурмат қилиши лозим.

Абдулла РЎЗИЕВ

Каттақўрғон

ҲАМ ТАКЛИФ, ҲАМ...

Тамара опа Улуғ Ватан урушининг жангу жадалларида юрган турмуш ўртоғи Пўлат аканинг ҳалок бўлганини эшитганида 18 ёшда эди. Яккаю ягона ўғли Шавкатни бағрига босиб дарё бўлиб бўзлаган ҳаловатсиз йиллар ўтди. Бир куни қайнонаси Жамила буви ҳузурига чақириб: «Тамара, сен ҳали ёшсан, умрингни беҳуда ўтказма, тенгингни топиб, турмуш қилавергин. Сендан мингдан-минг розиман», деди.

«Ойи, мен ёлғиз ўғлингизни деган эдим. Унинг сиймоси кўз олдимдан кетмайди. Ёлғиз ёдгорим Шавкатжонни вояга етказиб ўзидан кўпайганини кўрсам бас, сўзим битта, фақат даргоҳларингдан ҳайдаманглар», деди. Қайнона ўшанда Тамарани бағрига босиб, ҳўнграб йиғлаб юборган. Шавкатжон бугунги кунда ўз ҳаётидан қанчалик мамнун бўлмасин, лекин бир нарсани жуда ўкиниб, изтироб билан тилга олади: «Мана, — дейди у, — урушнинг тамом бўлганига ҳам 43 йил тўлиб, 44-йил кетаяпти. Менинг ҳам отам урушда қон тўкиб жон берганлардан бири. Шу йиллар мобайнида Байрам кунлари бирор марта на район ҳарбий комиссарлигидан ва на бошқа бирор юқори ташкилотлардан на бувимга, на онамга, на менга отамнинг руҳини эслаб, кўнгил учун бўлса ҳам бирорта табрикнома йўлламади». Ҳақиқатдан ҳам Шавкатжоннинг ушбу ўкиниш, изтиробида катта маънавият ётибди. Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчиларидан Ватанни ҳимоя қилиб, 20 миллиондан ошиқ жангчиларимиз жон олиб, жон беришган. Шу жумладан Қорабоев Пўлат ака ҳам. Ватан уруши инвалидларига, уруш қатнашчиларига партия-ҳукуматимиз томонидан қандай имтиёзлар берилганлигини ҳаммамиз биламиз. Бу имтиёзлар ўз йўлига. Аммо, наҳотки уруш қурбонларининг оила аъзоларига, яъни ота-оналарига, рафиқаларига, ўғил-қизларига ёнинки ака-ука, опасингил — жигаргўшаларига ақалли бир марта Ғалаба байрами кунлари ё бўлмаса яқиндагина ташкил бўлган Хотира кунлари арафасида табрикнома, ёдномалар юборишнинг иложи бўлмаса? Ахир бундай тадбир келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта таъсир кўрсатадику? Тамара опа Храмовага ўхшаган садоқатли, сабр-тоқатли, матонатли оналар ҳаётимизда жуда кўп. Назаримда бундай улуғ, камтарин, вафодор оналаримиз олдида бош эгиб, таъзим бажо қилишнинг ўзи камлик қилади.

— Бугунги кунда ўзим бобо бўлганлигимга қарамасдан, — дейди Шавкатжон, — дадамнинг Чиғатой маҳалласидаги тенгқурларини кўрганимда бамисоли дадамнинг ҳидини тенгқурларидан топгандайман. Аммо ачинарли томони шундаки, уруш қурбонларининг азиз номлари тилларимиздан ҳам, дилларимиздан ҳам вақт ўтган сари узоқлашиб бормоқда.

Республикамизнинг ҳар бир район ҳарбий комиссарлигида урушда ҳалок бўлганларнинг рўйхати бор. Уларнинг жасоратларидан невара-чевара, эваралари ҳам хабардор бўлишлари лозим.

Абдуғаффор АБДУҚУНДУЗОВ

Ховос



Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» колхозида истиқомат қилувчи меҳнат ва уруш ветеранлари даврасида.

Суратда: (чапдан) Йўлдош Хўжанов, Тўйчи Дармонов, Мулки Гадоев, Ражаб Дўстмуродов ва Бозор Ниёзов.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)

Гулчеҳра АЛИМАТОВА,
музикашунос



НАФИС КУЙ МЎЪЖИЗАСИ

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг замондоши Саолибийнинг гувоҳлик беришича, Сомонийлар даврида Бухоро фалсафий билимлар маскани, замонасининг олиму фозиллари тўпланадиган жой бўлган. Ибн Сино ўсмирлик чоғида бу ердаги машҳур «Савван ал-Ҳикма» («Донишмандлик хазинаси») кутубхонасида Шарқ мутафаккирларининг асарларини чуқур ўрганиш билан бир қаторда қадимги юнон табиий-илмий ва фалсафий асарларини ҳам ўқиб чиқади. Жолинус асарларини ўрганади. Арасту, Птоломейнинг музика хусусидаги қарашларини шарҳлайди, авлоддан-авлодга ўтиб келган чолғу куйлари ва уларда ифодасини топган халқ донишмандлиги, тафаккур фалсафасини таҳлил қилиб, уларнинг инсон руҳий дунёсига таъсири устида батафсил фикр юритади. «Донишнома» асарининг музикага бағишланган бобларида «Китоб ан-нажот» асаридаги сингари келажакда ҳар томонлама камол топган янги авлодни тарбиялашни орзу қилади. Инсоннинг жисмоний чиниқишига, унда маънавий-ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига кўмаклашадиган омилларни санаб ўтади.

«Тиб қонунлари» китобида эса аллома юқоридаги фикрларини янада ривожлантиради. Дунёга келажак янги инсон тарбиясини она қорнидаёқ бошлаш зарурлигига, гўдак психологияси 6—7 ойлигидаёқ шакллана бошлашига диққат-эътиборни қаратади: «Гўдакларнинг зийрак бўлиб улғайиши учун ниҳоятда зарур бўлган фойдали воситалардан бири уни бешикда аста-секин тебратиш, иккинчиси, уйқудан олдин куйланадиган музика ва қўшиқдир, — деб ёзади олим (1-жилд, 300-бет). — Мана шу икки нарсанинг бола томонидан қабул қилинишига қараб, унинг жисмоний машқларга ва музикага бўлган муносабати мустаҳкамланади. Уларнинг биринчиси вужудга, иккинчиси эса руҳга қаратилгандир».

Ибн Синонинг болалар феълатворини, уларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда музиканинг роли масаласи XIX аср охирида таниқли рус маданияти арбоби, танқидчи В. В. Стасовни ҳам қизиқтиради. У ўзининг «Янги рус санъатининг ғовлари» китобида қомусчи олим фикрларини давом эттириб, боланинг музикани тинглай билиш сезгилари айнишидан алоҳида огоҳлантиради: «Гўдакнинг эшитиш сезгиси ривожланиши биланоқ музикани тинглай бошлайди, аксарият ҳолларда бемаъни куйларни эшитади. Кимдир уйда зерикканидан фортепьянода бўлмағур куйларни чалади ёки ёмон романслар ва ариялари куйлайди. Кўкракни эмиш ва уйқуга кетиш оралиғида ҳимоясиз гўдакнинг қулоғига булар мустаҳкам ва ўчмас бўлиб ўрнашиб олади. Афсуски, эндигина туғилган болалар қалби қайси давр, қайси кун ва қайси соатдан бошлаб музикадан мажруҳ бўлганлигини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди!»

Ҳа, ҳар икки буюк олим гўдаклар қалби, вужудига сут билан сингийдиган таассуротлар устида тўхталиб, болаларни ёшликданоқ энг яхши музика намуналари билан тарбиялаш борасида қайғурдилар.

Ибн Сино музикага энг аввало инсон кайфиятини кўтарадиган, уни олижаноб ишларга тайёрлайдиган, руҳий куч-қудратни оширадиган санъат сифатида қаради. Дарҳақиқат, халқимиз маданияти тарихида музика туфайли инсонда фақат руҳий куч-қудратгина эмас, балки олижаноб фазилатлар ҳам шаклланган мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Аллома ҳар бир шахс камолотининг асослари оиладаги аҳлоқий ва маънавий тарбиядан бошланишини айтади. Айниқса, бола тарбиясида отанинг масъулияти жуда катта эканлигини таъкидлайди. Ёшлар келажакда қайси соҳа билан шуғулланмасин, у олим ёки санъаткор бўладими, ҳунармандликни танлайдими, бундан қатъий назар, жамият равнақи учун ахлоқан баркамол, жисмоний жиҳатдан чиниққан бўлиши қанчалар муҳим эканлиги ҳақида маслаҳатлар беради.

Олим ҳис-туйғуларни уйғотувчи ташқи аъзолар ҳақида гапирар экан, инсоннинг бешта «ички туйғуси» — ички сезги аъзолари борлигини ҳам таҳлил қилиб беради. Уларга ҳисси муштарак, предметлар образини акс эттирадиган хаёл ҳисси, ҳофиза (хотира), мушоҳада, тасаввур, яъни мутахаййил сезгиларни киритади. Ташқи сезги аъзоларини (эшитиш, сезиш, кўриш) ички ҳис-туйғуларнинг асоси деб ҳисоблайди.

Барча сезиш аъзолари ва воситалари ёрдамида ҳар бир киши билимларни чуқур эгаллай олиши мумкин. Бу фикр айниқса чолғу асбобида куй чалишни ўрганишга тааллуқлидир. Музикачи энг олдин ўзига нотаниш бўлган нотанинг текстини кўради, кейин марказий нерв системасининг буйруғига кўра, қўл ҳаракатга келади, панжалар аввал кўз кўрган ноталарни чолғу асбобидан топади. Агар музикачи аъло даражада ички эшитиш қобилиятига эга бўлса, нотада кўрганини дарров ички ҳис орқали илғаб олади ва куйни ижро этади. Агар у оддий мусиқавий кўникмагагина эга бўлса, аввалига чолғу асбобини чалиб, кейин товушни эшитади. Шу тариқа материал билан нота орқали танишув жараёни содир бўлади.

Ибн Синонинг музикага оид таълимоти ўз даврида муҳим аҳамият касб этибгина қолмай, ҳозирги даврдаги музика-педагогика тарбиясига ҳам асос солди.

Уша даврларда музикага инсондаги нуқсонларни йўқотиш, баъзан эса руҳий касалларни даволаш воситаси сифатида қаралган. Масалан, қўшиқ соғлиқни мустаҳкамлаш воситаси ҳисобланган. Ибн Сино руҳий куч-қувватни ошириш учун энг яхши ва нафис куйларни тинглашни маслаҳат берган. Ҳозирги вақтда бу муаммо бир неча ўн йиллардан бери кўндаланг бўлиб турибди.

Шунингдек, Ибн Сино, беморнинг теварак-атрофидаги муҳитни, унинг яшайдиган шароитини ўрганиб, асабий ва руҳий касалларни музика ёрдамида дориворлар билан биргаликда даволаш мумкинлигини таъкидлайди.

«Тиб қонунлари»нинг муқаддимасида яна шундай бир қимматли маслаҳат беради. «Ҳаётда ҳуда-беҳудага кўз ёши тўкиш ва чуқур қайғуга ботиш одатини тарк эттириш учун дори ўрнига дилни ёзадиган машғулотларни, севимли ишни, қўшиқларни қўллаш керак. Зеро, руҳи шиқаста одамлар учун энг даҳшатли нарса — ваҳима ва ёлғизликдир».

Ачинарлиси шундаки, кейинги йигирма йил орасида ёшларда музикавий диднинг бузилишига йўл қўйиб берилди. Улар техник воситалар — магнитофонлар орқали алла куйлари ва машҳур хонандаларимиз ижро этган классик куй ва қўшиқлар, жаҳондаги энг яхши музика куйлари намуналарига эмас, балки бизга ёт бўлган шовқин-суронли, асабни ишдан чиқарадиган сержазава рок музикаларига, қулоқни қоматга келтирадиган тараққа-туруқларга шайдо бўлиб қолдилар. Пойтахтимизда (шунингдек, аҳоли зич яшайдиган бир неча катта шаҳарларда ҳам), марказий кўчаларда, автостанция, бозор майдонларида ҳар қадамда овозни ёзиб олиш ва сотиш пунктлари пайдо бўлди. Уларда эрталабдан ярим тунгача ҳар хил маза-матрасиз куй-қўшиқлар овозни кучайтириб берадиган аппарат орқали тарғиб қилинди. Тоғни урса талқон қиладиган йигитлар учун бу иш даромад манбаи, касби-корга айланди. На республика маданият министрлиги, на республикамиз музика маданиятини ўстириш билан банд ўнлаб ташкилот уларни, ёшларнинг ахлоқий камоли учун зарарли, носоғлом қўшиқларни ёзиб сотишдан қайтаришда ўзини масъул деб билди. Матбуот ҳам бу борада чиқишлар қилмади. Мана шундай қилиб, дилларга нафосат, ором бахш этувчи, баҳордай тароватли асл қўшиқларимиз, халқ оҳанглари руҳида яратилган жозибали куйлар бир чеккада қолиб кетди. Мулла Тўйчи ҳофиз, Домла Халим Ибодов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ориф Алимаҳсумовларнинг ижрочилик санъатини ўзларида яна бир поғона кўтариб ижро эта оладиган хонандалар етишиб чиқмади ҳисоб. Ваҳоланки, республикамизда музика мутахассислари, миллий ижрочилар тайёрлаб чиқарадиган бутун бошли иккита институт — Тошкент Давлат Консерваторияси ҳамда Маданият институти ишлаб турибди. Нега бу олий ўқув юрти даргоҳларида ўзбек халқининг ифтихори бўла оладиган ижрочилар етишиб чиқмаяпти?

Неча юзлаб аъзоларига эга бўлган республика Композиторлар союзи ишлаб турибди, уларда ўзбек халқининг пешона тери билан топилган қанчадан-қанча маблағлари сарфланаётганига қарамай, бир-бирининг ижодини такрорлайдиган бастакорлари «Сени севаман», «Менинг ёрим вафоли» каби эрмак учун ёзилган қўшиқлар халққа тақдим этилмоқдаки, уларни ўзбек бастакори яратганми ёки хорижийми, ажратиб бўлмайди.

Шу ҳақда ўйлар экансан, халқнинг ичидан етишиб чиқаётган дипломсиз истеъдодлар ва уларни бирлаштириб, санъатини халққа намойиш қилаётган, телеэкранга олиб чиқаётган бадиий ҳаваскорлик ҳамда этнографик ансамбллари ташаббускорларига чин дилдан ташаккур айтгинг келади. Шулар бўлмаганда, карнай-сурнай наволари, тор, дутарда чертиладиган нозик куйлар, юракларни сел қилувчи бухороча, хоразмча халқ қўшиқлари аллақачон унутилиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Совет эстрадаси юлдузлари София Ротару, Людмила Зикина, Зайнаб Хонларова, Махфират Ҳамроқулова, Насиба Абдуллаева, Валентина Толкунова қўшиқлари дилрабо. Аммо ҳадеб ажнабий рок куйлари, беибо қўшиқларни катта аудиторияларга олиб чиқавермасдан, ўзимизнинг миллий музика маданиятимиз жавоҳирларини қадрлашнинг, бу чашмаларнинг кўзларини очиш, она алласидай беғубор қўшиқларни тобора баландроқ пардаларда куйлаш, консерваторияда профессионал ижрочилар тайёрлаш ишини, шунингдек республика Композиторлар союзи ўз ишини қайта қуриш вақти аллақачон етган деб ўйлаймиз. Зеро, врач инсон соғлигини, педагог ақлий камолотини, санъат арбоби унинг маънавий дунёсини, ҳис-туйғуларини тарбиялайди.

АНТОН АНТОНОВ-ОВСЕЕНКО

ЖАЛЛОД МАРТАБАГА ИНТИЛГАНДА



БЕРИЯНИНГ МАШЪУМ ИШЛАРИ

Қуйида ёзувчи Антон Антонов-Овсеенконинг «Звезда» журналида (1988 йил, 9-сон) чоп этилган И. В. Сталиннинг ишонган «одами», ҳамтовоғи, мамлакатни «халқ душманидан» халос қилиш васвасасига тушиб, оммавий қирғинни авж олдирган жаллод Бериянинг қонли кечмишига бағишланган «Жаллод мартабага интилганда» мақоласини қисқартириб босаётирмиз.

* * *

Одамлар махфий полиция хизматига ҳар хил йўл билан кириб келишади, айримлар мутлақо кутилмаганда айғоқчига айланиб қоладилар. Лаврентий Берия эса манфур ишлар учун туғилган эди.

Сухуми шаҳар билим юртида тез-тез ўғирликлар, чақмачақарликлар унинг бевосита ёки бавосита иштирокида содир бўларди. Порахўрлик билан пасткашлик унинг табиатига шунчалик сингиб кетган эдики... У ўқувчиларнинг ҳулқи ҳақида битилган характеристикалар солинган жилдни яшириб қўйиб, синф раҳбарининг ишдан четлатилишига эришди. Сўнг ҳужжатларни эгаларига пуллади. Албатта ҳамтовоқлари орқали.

Бошқа воқеа ҳам маълум. Ўқув юртига ташриф буюрган масъул ўлка инспекторининг ҳамёни йўқолиб қолди. Қанча синчковлик билан текширилмасин ақчалар топилмади. Кимнингдир ғойибдан берган маълумотига асосланиб, полиция билим юрти директоридан стол ғаладонини очишни илтимос қилди: йўқолган ҳамён ўша ерда ётган экан. Директорнинг ўлиб қолишига бир баҳя қолди.

Ўн беш ёшли мишиқининг бу қалтис операциясини ҳар қандай вояга етган муттаҳам қилганида ҳам шов-шув бўлиб кетарди. Разилликнинг келажаги порлоқ эди.

Ўқув юртини тугатгандан сўнг Берия 1917 йилда қўлида архитектор-техник дипломи билан ҳарбий хизматга чақирилди, аммо ярим йил деганда «касаллиги туфайли ҳарбий хизматга яроқсиз» деган махсус ҳужжат тўғрилаб, Румин фронтидан қайтиб келди.

1919 йил йигирма ёшли Лаврентий Берия большевиклар партиясига аъзо бўлиб олди. РСДРП(б)нинг Кавказ бюроси секретари, яширин ташкилот ишларини олиб боришда устаси фаранг, кекса большевик Виктор Нанейшвили эди.

Бир куни техника билим юрти партия ячейкасининг ёш аъзолари Васия Егоров билан Шура Комер бюрога кўримсиз, юзига ҳуснбузар тошган студентни бошлаб келишди. У ўзини Лаврентий Берия деб танитгандан сўнг, ўртоқ Нанейшвилини шахсан кўриши шартлигини айтди. Навбатчи Олег Саркисов бу ерда бюро секретари камдан-кам бўлишини, ҳозир йўқлигини тушунтирди.

— Унга нима деб қўяйлик?

— Ҳеч нарса, шахсан ўзига айтадиган гапим бор.

...Оқшом навбатчи Нанейшвилига бўлган воқеани айтиб, Бериянинг нияти ҳақида маълумот беради.

Орадан бир неча кун ўтгач, Саркисов Нанейшвилидан:

— Анави йигитча нега келган экан? — деб сўраб қолди.

— У мусоватчилар орасида ишлар экан, партиямизга қабул қилишимизни илтимос қилаяпти. Муҳим воқеалардан хабардор қилиб тураман, деяпти.

— У ердаги одамларимиз — Мусеви билан Ошум Алиевларнинг ўзлари етади. Бизга қаллоблар керак эмас!

— Жўжа Хўрозга ўргатмайди! — баҳсга нуқта қўйди оқсоқол.

Ўсмир Саркисов беҳуда хавотирланмаган экан. Мусеви билан Алиев ресторанда, овқатланаётган жойида тўппончадан кетма-кет узилган ўқдан ҳалок бўлдилар.

Ким Бериянинг қайси хўжайинга ишлаганини аниқлаб бера оларди? Шу нарса аниқ эдики, мусоватчилар разведкаси бевосита инглиз Интелидженс сервис назоратида бўлиб, у турк разведкасига яқин эди, немис разведкаси билан алоқа ўрнатишга имкони бор эди.

Багиров йўл излаб юрган Берияни Царицин яқинидаги X армия штабига юборади. У ерда ўша пайт Марказий Комитет Вакили бўлиб Анастас Микоян турарди.

Чет эллик тадқиқотчиларнинг айтишича, Берия ҳатто Дзержинскийнинг кўзини шамғалат қилиб, Сталин билан алоқа боғлаб турган.

Берия вақти келиб, миллатлар халқ комиссарининг Йўлбошчи бўлишини олдиндан билганмиди? Сталин ўша вақтда Петроградда ҳам, Закавказьеда ҳам, ҳатто ўз Ватани Грузияда ҳам машҳур эмас, ҳатто Таъсис мажлисининг грузиялик номзодлари рўйхатида фамилияси атиги еттинчи ўринда қайд этилган эди.

Берия ўша пайтлардаёқ Марказдаги ҳукумат вакиллари назарига тушишга ҳаракат қила бошлади. Ўз мақсадларини амалга ошириш, «сиёсий битим» тузиш учун маҳкамага алоҳида хизмат кўрсатиш режаларини излади. Чет эллик тарихчиларнинг аниқлашича, Бериянинг режалари билан миллий масала бўйича халқ комиссарлиги танишиб чиққан. Кўп ўтмай у «Сталиннинг бебаҳо ахборотчиси», Закавказьедаги таниқли большевик, обрўли сиёсий арбобга айланади.

* * *

Муҳим маълумот: Берия ҳам Сталинга ўхшаб бир жойда муқим ишламаган. 1920 йил баҳорида у Грузияга келади. У пайтда Грузия ҳали Совет Россиясига қўшилмаган эди. Бериянинг омади биринчи кунданоқ чопмади. Уни Кутаисида Советларнинг айғоқчиси сифатида қамоққа олишди. Ўша пайтда Сергей Миронович Киров Москванинг Грузия меньшевиклари ҳузуридаги вакили эди. 9-июлда у Ной Жорданига ҳибсга олинган Бериани дарҳол озод этишни сўраб, мурожаат қилади.

Озодликка чиққан Лаврентий Тифлисга жўфтакни урди. У ерда меньшевиклар ҳукумати вакиллари билан тезда тил топишиб олди. «Совет айғоқчиси»нинг бундай махфий алоқаси Кировга маълум бўлиб қолганини сезган Берия яна қочди. Шунда Москва вакили Бокуга, XI армия штабининг алоҳида бўлими бошлиғига қуйидаги мазмунда телеграмма жўнатган эди:

«Тифлисдан сотқин Лаврентий Берия қочди. Зудлик билан ҳибсга олинг. Киров».

Берияни Фавқулодда Комиссия (ЧК) қамоққа олди. Унга энди эски қадрдони Багировгина ёрдам бериши мумкин. Лекин у ҳам ожиз, атиги ФК бошлиғининг ўринбосари холос, юксак лавозимлардан ҳам умиди йўқ эмас, аммо ФК раиси Бобо Алиев Совнарком раиси Наримон Наримонов билан яқин эди.

Наримонов кейинроқ тасвирлашларича, жуда ҳам катта сиёсий арбоб бўлмаган. Аммо уни студентлигидаёқ инқилобий ҳаракатларда иштирок этган маърифат соҳасининг етук вакили сифатида улуғлашарди. Унинг атрофига манфаатпараст қаллоблар танда қўйиб олишди. Улар орасида энг эпчили Багиров бўлиб, у Наримоновнинг калтабинлигидан роса фойдаланди. Қулоғига Бобо Алиев ҳеч қачон разведка, аксилразведка ишлари билан шуғулланмаган, аксилинқилобчилар билан жангларда иштирок этмаган, мана шундай юксак лавозимни эгаллаб туришга нолойиқ... деган фикрларни муттасил шипшиб турди...

Наримонов Бобо Алиевни силлиққина партия ишларидан бирига ўтказиб юборди. Багиров Алиевнинг ўрнига ўтирган куниёқ қадрдони Берияни турмадан озод этиб, бошламасига хўжалик ишлари бўйича мудир, йил ўтмай Берия (М.С.Б.) махфий сиёсий бўлим бошлиғи ҳамда ФК раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Йигирма икки ёшли йигитча учун бу лавозим ҳазилакам муваффақият эмас эди. Худди ривоятдагидек «Чўртанни дарёга ирғитдилар»дан бўлди.

* * *

1923 йилда Берия аллақачон Грузия ФКсининг махфий жанговар қисми (МЖК) бошлиғи вазифасида ишлар, ...галифе шим, чарм этик... чекистларга хос кийинишни ўрнига қўяр, қаншаридан болдоқли кўзойнаги тушмас эди. Ўлгунича шундай юришни тарк этмади...

Дастлаб ҳамма Лаврентий Берияга ишониб қаради, яқиндан танишишгач, ўртоқларча муносабат ўз-ўзидан йўқолар, у жуда ҳам муттаҳам, чақмачақар эди. Зарур бўлиб қолса, шундай бадбин миш-мишларни тарқатиб юборар эдики, унинг шаллақилиги олдида бошқа мансабга интилаётган рақиблар ип эшолмай қолишарди. Сўнг уларни битта-битта йўлидан олиб ташларди. Шундай қилиб артистликни ҳам боплаб ташларди. «Ўзимизнинг йигитча» бўлиб олиш унинг учун хамирдан қил суғургандек гап эди.

У иқтисодий саботажчиларга қарши курашга бошчилик қилаётган Андрей Ершовни шундай

маҳорати билан лол қолдириб, пинжига кириб олди. Дўсти билан оқшомлари оилавий давраларни гуллатиб юрди. Лекин барибир Ершов унинг кимлигини бошқалардан аввалроқ англаган эди. «Берия худди Макиавиллининг ўзи-я», деди бир кун у хотинига. Бу воқеа 1927 йилда Берия Закавказье Давлат Сиёсий Бошқармаси бошлиғи Станислав Реденснинг ўринбосари этиб тайинлангандан сўнг содир бўлди. Ершов Москвага, марказий аппарат ишига ўтиб кетишга эришди. Ўн йилдан сўнг у Ярославлга юборилади. У ерда дўсти ўртоқ Лаврентийнинг қаҳрига дучор бўлади.

Закавказье ДСБси бошлиғи, табиатан кўнгли бўш, турғун фикрга эга бўлмаган Станислав Реденсни Лаврентий бирпасда ер билан битта қилиб, топтаб ташлади. Бу қарорга келгунча узоқ ўйлади. Унинг лавозимдан кетишини кутишга сабри чидамади. Йўлдан олиб ташлаш жуда ҳам қалтис. Чунки у Надежда Аллилуеванинг синглиси Аннага уйланган, Сталинга куёвлик томони ҳам бор эди. Уч йил чора излаш билан ўтди.

Уша куни туғилган кун баҳонасида Лаврентий бошлиғини ҳаддан зиёд ароққа бўктириб, маст ҳолда кузатувчисиз уйидан чиқариб юборди. Шилта маст Реденс яқин атрофдаги хонадонлардан бирининг эшигини қоқиб, шовқин кўтарди. Қўни-қўшнилар чиқишди, милиция чақиртирилди ва Реденс милиция бўлинмасига олиб келинди. У шинелини ечгандагина кимлиги маълум бўлди.

Берия зудлик билан Москвага, Сталинга қўнғироқ қилиб, қандай чора кўриш тўғрисида маслаҳатлашиб олди... Бошкотиб (Генсек) тўполончи Реденсни 1931 йили Белоруссия Ички ишлар халқ комиссари этиб тайинлаш билан жазолади. Закавказье ДСБсининг жанговар лавозими Лаврентийга қолди.

...1937, қирғин йили Лаврентий Павлович учун омадли йил бўлди. Янги 1938 йилга ҳам у жуда катта ишонч ва тантана билан қадам қўйди. Унинг барча нутқлари Бошкотибнинг пойида мавж урдирилган баландпарвоз сўзлар денгизига ўхшар ва у ҳар гал ўйлаб топилган қандайдир халқ душманларига қаратилган ғашиқиш, дағдағалар билан якунланар эди.

Ташқи душманлар билан тинимсиз курашиш ғояси ички «душман»ларни тор-мор этиш, халқни тиз чўктириб олиш учун қулай восита бўлди.

Берия душман олдида доимий жазавага тушишни ўзига вазифа қилиб олди. Ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик кампаниясига шахсан ўзи бошчилик қилди. Мана бир неча газета мақолалари сарлавҳаларидан намуналар:

«Бемаъни айғоқчилар ер юзидан супуриб ташлансин!»

«Айғоқчининг ҳийласи».

«Савдо инспекторлари ҳушёрлиги ҳақида».

«Душман айғоқчиси партбилет пайида».

«Директор қиёфасидаги душман».

«Бадиий комбинатда душман қўли».

«Айғоқчилар қандай сирни билиб олади».

«Закавказье темир йўлидан аксилинқилобчи троцкийчиларнинг думи батамом тугилсин!»

Июль ойида Тбилиси партия активи мажлисининг резолюцияларида Берия қилган маърузанинг мазмуни тўла аксини топган:

«...Халқ душманлари фашизмнинг троцкийчи-бухаринчилар, меньшевиклар-миллатчиларнинг ёлланган айғоқчилари, Грузия халқини сотган душманлар уч карра шафқатсизлик билан тугатилсин!» («Заря Востока», 1937 йил, 12 июль). Бу террор аслаҳасини тайёрлаб туриш эди.

Дастлаб Сталин билан Берия йирик партия арбобларига деярли тегишмади. Аммо улар ўттиз олтинчи йилдан бошлаб бирин-кетин маҳв этила бошланди.

Закавказьеда оммавий террорни авж олдирган Берия, ўзининг жиноят оламида аллақачоноқ оммалашиб кетган «Ўғрини ушла!» деган синалган шиоридан фойдалана бошлади.

* * *

Буни қарангки, Закавказьедаги кўзга кўринган партия арбобларидан Буду Мдивани Сталинга бошқалардан кўра кўпроқ завқ бағишлади. Мдиванининг Бошкотиб билан баҳси партиянинг XII съездидан бироз аввалроқ, Ленин ҳаёт даврида Сталин сезиларли даражада маънавий инқирозга учраганда бошланган. Кейин Мдивани дипломатик «қувғинга» жўнатилди. Қасд олиш муддати эса 1936 йилга қолдирилди. Хўжайиннинг ишораси билан Берия тайёр турди. Ўзининг ҳам бу қайсар ўртоқда алами бор эди... Буду Мдивани ва бошқа совет ҳокимиятининг душманларига «сотилган» оғмачиларни заҳарлаш йил бўйи, ҳатто ўттиз еттинчи йилда ҳам давом этди. Буду Мдивани Закавказье бўйлаб мажлисларда, конференцияларда, съездларда бутун маҳоратни ишга солиб лаънатланди. Ана шундай васвасалар қаърига Мдивани гуруҳининг «аксилинқилобий фаолияти», ҳибсга олинадиган куни, суд жараёни ва қатл кунлари ғарқ бўлган эди.

...Тергов уни тиз чўктира олмади. Мдивани ИИХК (НКВД) учлиги олдида жасур, эркин ва ҳушёр жангчи сифатида ўзини тутди.

«Сталин учун мана шу масхарабозлик нимага зарур бўлиб қолди? Менинг қатл этилишим аввалдан маълум эди-ку, сизлар бўлса бу ерда менга бемаъни саволлар бераяпсизлар. Гўё менинг жавобларим бирор нарсани ўзгартирадигандай...»

Судья столида ўтирганлар Мдиванининг овозидан ўзларини олиб қочиш пайига тушиб қолдилар, аммо у ҳали ҳаммасини айтмаган эди.

«Мени отиш озлик қилади. Мени нимталаш керак! Ахир мен бу ерга XI армияни олиб келганман. Мен ўз халқимни сотганман, мен Сталин, Бериядай қаттолларга Грузияни бадном этишга, Ленин партиясини тиз чўктиришга ёрдам қилганман!».

Судга раислик қилувчининг ишораси билан жиноятчининг қўлини қайириб олиб кетишди.

...Қўллари орқага боғланган олти нафар ўлимга маҳкум этилганларни қатл қилишга олиб кетдилар. Тбилисидан чиқаверишда шофёр машинани тўхтатди. Маҳкумлар туширилди. Ҳозиргина қазилган ҳандақ ёнига келтирилдилар. Нарирокда пишитилмаган оҳак тўла юк ва сув ташийдиган машиналар турарди. Соқчиларнинг каттаси қўлида тўппончаси билан Мдиванининг ёнига келди.

— Шошма, мени ҳаммадан кейин отарсан.

— Бу нима деганинг, — ажабланди жаллод.

— Ўртоқларимга далда бериб тураман.

— Ҳа, шунақами.

У тўғри кўкракка, юракни мўлжаллаб ўқ узди ва навбатдагисининг ёнига келди. Олтинчи маҳкум ҳам ҳандаққа қулаганида, жаллод орқасида енгилгина инграш эшитди. Мдивани ҳали тирик эди. Бармоқлари қимирлаб турарди. Соқчи тўппончасини қайта ўқлади ва чалажон Мдиванига қаратиб, қаторасига ўқ узди, мурдалар ҳандаққа итқитилди, устиларидан оҳак ағдарилиб, сув қуйилди.

Қатл этилганлар орасида ўша тонг Михаил Окужава, унинг укаси, таниқли шоирнинг отаси Шалвалар ҳам бор эди.

* * *

Москвада Ленин сафдошлари устидан суд жараёни борарди. Энди улар жосусларга, қўпорувчиларга, сиёсий қотилларга айлантирилган эди. Доҳийга қилинган суиқасд тўғрисида матбуот ва радио орқали қанчалик хабарлар эшиттирилмасин, оммани далиллар билан ишонтириш осонроқ. Иложи борича чинакам далиллар билан.

...Қоялару ўпирилишлар аро олишиб, тик юксакликка ўрлайдиган, тоғ дараси аро тўшалган Рица кўлига элтувчи йўл. Унда, бир ярим чақирим баландликда, қудратли чўққилар билан ўралган ажиб кўл бўйида Сталин ўз мавзуниятини ўтказарди. Лошупса дарёсининг худди кўлга қуйилиш жойида унинг учун боғ-ҳовли қурилган эди.

Давлат боғ-ҳовлиси, деб номланган унга қарашли бундай жойлар Кавказда қанча эди? Сочида, Гаграга яқин — Совуқ дарё бўйида, Мюсерада (Пицунда яқинида), Цхалтубада. Яна Кисловодскда. Кейинги йилларда Берия Хўжайинни ўзининг зарурий ҳамроҳ-соқчилиги ролига ўргатди. Ўтган кузда у Сталинни Рица кўлига кузатиб борди. Беш ЗИСдан иборат дабдабали автомобиллар карвонида кетишди. Олдинда — соқчилар, ундан кейин — Сталин, ортидан Берия Грузия Ички ишлар халқ комиссари Сергей Гоглидзе билан бирга йўлга тушишди. Тўртинчи машинада бир неча хизматкорлар, охиргисида — артсоқчилар боришар эди. Ярим йўлда, Гегининг Бзибь дарёсига қуйилиш жойидан ўтгандан сўнг Берия автомобиллар карвонини тўхтатди, ўзи машинадан тушди ва Сталинни иккинчидан тўртинчи машинага ўтишни таклиф этди. Ўзи ҳам унга ўтиб олди. У олдиндан сезган, қандайдир шубҳа уйғонган, бир гумаштаси нимадир хабар қилган эди... Йўқ, Берия ўз ходимларидан бутунлай кўнгли тўқ, лекин «эҳтиётчини худо эҳтиёт қилади»...

Йўл иланг-биланг, дам чап қирғоқдан ўнг қирғоққа, дам ортига сакрайди. Бир кўприкдан ўтилди, иккинчисида содир бўлиши кутилган ҳодиса юз берди. Олдинги машина кўприкдан эсон-омон ўтди, иккинчиси ўтаётганда кўприк портлади. Портлаш қанақалигини худо билади, бироқ акс садони тоғлар кўплаб марта кучайтирди. Автомобиль ўзанга қуларди, харсанглар орасига тиқилиб қолди. Бу пайтга келиб дарё пишқириши сусайган эди, тўрт йўловчидан биттасини қутқаришга муваффақ бўлинди. Соқчиларнинг бир қисми суиқасдчиларни излаш учун жарликка отилишди, бошқалари жойларида қолишди.

Кўлга довур айланма йўл орқали етиб боришди. Биринчи ҳафта осойишта ўтди. Ва лекин Хўжайин сув бетида сирғанувчи яримкемада кўл бўйлаб сайр этишни истаб қолди, улар кўлнинг ўрмонзор ўнг қирғоғига келган чоғида ўқ узилди. Берия шу лаҳза сакраб турди ва ўзини Доҳийга қалқон қилди. Моторчи тезликни оширди, қарағайлар ортидан яна бир неча ўқ отилди, бироқ хатар ортда қолган эди. Берия қидирув группасини шахсан ўзи бошқарди. Суиқасдчиларни ўша куннинг ўзидаёқ тоғ довонида қўлга туширдилар ва Тбилисига жўнатдилар.

Лаврентий Берия мана шу фитнаси ёрдамида ўшанда кўп нарсага эришди. Жуда кўп нарсага. Энди Сталин биларди, ўртоқ Лаврентийга ҳамма нарсада ишонч билан суяниш мумкин. Аммо-лекин Лаврентий мўлжалланган режасининг фақатгина биринчи қисмини амалга оширган эди.

Ўттиз еттинчи йил ёзида у иш билан Сухумига кетди. Машинада у билан маҳаллий партия котиби (секретари), ҳайдовчи ҳамда шахсий соқчиси Борис Соколов бор эди. Шаҳар чеккасида тўхташди, Лаврентий Павлович толиқтирувчи йўл чигилини бироз ёзиш мақсадида машинадан тушишга қарор қилди. У йигирма қадам ҳам босишга улгурмай, буталар орасидан қўлларида тўппонча тутган уч киши чиқиб келди. Соколов Берияни тўсишга ўзининг қуролини ғилофидан чиқаришга улгурди. Берияга ёрдам беришга энди ҳайдовчи ҳам, котиб ҳам шошилишди. Йўлтўсарлар ғойиб бўлишди. Соколовни тезликда шифохонага элтишга тўғри келди: ўнг қўлига тўртта ўқ теккан экан. Сталинга, шубҳасиз, бу ҳақда хабар қилишди, Лаврентий Берияниг обрў-эътибори янада ошди.

* * *

Сталинни қуршаганлар орасида унинг яқин сафдоши Серго — Григорий Константинович Орджоникидзе ҳам бор эди. Содда ва қизиқкон Серго кўкларга кўтариб мақталган сталинча бош йўл амалда бошкотибнинг шахсий ҳокимиятини тиклаш ва мустаҳкамлаш эканлигини англамади ёхуд англашни истамади.

Оржоникидзега Сиёсий Бюро аъзолари ҳар хил муносабатда эдилар. Киров — муҳаббат билан, Молотов — яширинча ёқтирмай қарарди. Берия уни кўролмасди, аммо шундай бўлса-да, сир бой бергани йўқ.

Улар кўп жиҳатдан қарама-қарши одамлар эди: шиддатли, ғояга юрак-юрагидан содиқ, фидойи, бечараз Серго ва хиёнаткор-сурбет, маккор Берия. Унинг қора кечмиши, унинг беҳаё хулқи ва тийиқсиз шуҳратпарастлиги ҳамиша Оржоникидзени жиркантирарди. У йигирманчи йиллардаёқ Лаврентий билан шахсий алоқадан қочар, ҳатто дам олиш учун фақат ўша беҳаё пайдо бўлмайдиган ерларгагина борарди. Закавказье ўлка партия қўмитаси раҳбарлари билан кенгаш чоғида Сталин Бе-

рияни иккинчи секретарь қилиб тайинлашни таклиф этганда, ғазабланган ўртоқлар кечаси Оржоникидзе хонадонига ташриф этишди.

— Мен нима ҳам қила олардим? Неча марта Унга айтдим, бу одам ишончни оқламайди, деб, бироқ У менга қулоқ солмаяпти... — куйиб-пишиб жавоб берди Оржоникидзе.

Кремлнинг Троицкий дарвозаси олдидаги икки қаватли уйда XVII партсъезд ўтаётган кунлари Серго Оржоникидзе ҳузурида Сергей Киров, Роберт Эйхе, Григорий Петровский, Станислав Косиор, Борис Шеболдаев, Мамия Орахелашвили, Осип Пятницкий, Василий Шарангович ва Оржоникидзенинг ёрдамчиси Маховер йиғилдилар. Бошкотиб ҳақида, унинг амрини ўтказиш сиёсати тўғрисида жиддий гаплашдилар. Унутилмас съезддан сўнг, МК аъзолиги сайлов чоғида Сталин 292 қарши овоз олди, у Кировни ҳузурига чақиртирди.

— Билишимча, сенга бошкотиблик вазифасини эгаллашни таклиф этишибди. Шу тўғрими?

— Ҳа. Аммо ахир ўзинг айбдорсан. Биз сенга неча марта айтдик, бундай давом этиши мумкин эмас, деб. Сен эса эшикни қаттиқ ёпиб Сиёсий Бюро йиғилишидан чиқиб кетдинг...

Ишонувчан, содиқ Серго Оржоникидзе Кировга (камдан-кам бўлса-да) бошкотиб ҳаракатини танқид қилишга журъат эта оладиган оз тоифанинг бири эди.

Қочиб бўлмайдиган оқибат Лаврентий Берияни яқинлаштирди. Тажрибали фитначи бу ғаламис Сергони чақиб оладиган майда баҳоналарни ҳам кўздан қочирмасди — албатта, орқаворатдан, — ва Оржоникидзени Хўжайинининг ичидан ёқтирмаслиги кучаяётганини англаб, имкони борича керосин сепди. Унинг эса имконияти кўп эди.

Серго Оржоникидзенинг Папулия деган акаси бор эди. Ўттизинчи йиллар бошида у Кавказ темир йўл бошқармасининг сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қиларди. Берия ўттиз олтинчи йил охирларида Сергонинг акасини хотини, болалари билан қамоққа олди. Оржоникидзе Папулияни тўғридан-тўғри бошкотиб буйруғига кўра қамалганини тасаввур эта олмасди. У Сталиндан илтимос қилди:

— Қулоқ сол, акамни чақир, уни ўзинг сўроқ қил, мана кўрасан, у ҳеч қандай айбдор эмас.

— Мен ИИХКга тўла ишонаман, — жавоб берди Хўжайин, — иккинчи марта бу иш билан менинг ҳонимга бошқа тегма. (Сергонинг сўзи бўйича З. Г. Оржоникидзе билан А. М. Семушканинг ҳикояси).

Бой ҳазил-мутойибага эга, ҳамиша хушчақчақ, очиққўнгил, меҳрибон, жонкуяр Папулия ёш Сергога мураббийлик қилган эди. Берия нишонни тўғри олди. Партияга оммавийлашган Оржоникидзени чўчитиб қўйиш лозим эди. Кировнинг ўлимидан кейин, оммавий қирғин тарафкашлиги бошланган пайтда Серго бот-бот ва қатъийроқ бошкотибни чегарадан чиқмасликка чақирди. Ҳеч бўлмаса меъёрни сақлашга... Серго яна ва яна Сталинга акасининг қамалиши мутлақо бемаънилигини исботлайверди.

— У қаёқдан душман бўлсин? Папулия мени партияга қабул қилган. Демак, мени ҳам бирга қамаш керак!

Бошкотиб шафқатсиз эди. ИИХКда Папулиянинг хоинона ҳаракатлари тўғрисида бир неча бор текширувдан ўтказилган далиллар мавжуд. У халқ душманининг ҳамтовоғи бўлиб чиқди. Партия ишчилар ишига хиёнат қилганни кечириши мумкин эмас. Илгариги хизматлари бунда ҳисобга олинмайди...

(Амаяк Назаретяннинг К. Д. Назаретянга айтган гувоҳлиги.)

Папулия қамоқдан қайтиб чиқмади. Грузия ССР ИИХКнинг учлиги 1937 йил 9 ноябрда уни ўлим жазосига ҳукм этди. Лекин Берия Сергонинг укасини ҳам ўз ташвишларидан соқит қилолмасди. Константин Оржоникидзе СССР Совет Халқ Комиссариати ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати бошқармасида хизмат қилар эди. Қамоққа олиб, бошламаси учун унга беш йил беришди. Сўнгра 1953 йил кузигача чиқаришмади. Мана Махсус йиғилишнинг Константин Оржоникидзе иши бўйича бир неча қарори:

1944 йил 26 август — 5 йил.
1946 йил 30 ноябрь — 10 йил.
1953 йил 4 август — 5 йил.

Оқлаш — 1953 йил 1 сентябрь (Г. К. Оржоникидзе ҳужжатлари архивидан).

Қатағон қилинганлар орасида Сергонинг жияни Георгий Гвахария ҳам бор эди. Уни ўттиз саккизинчи йили қамашди. Ногаҳон «халқ душмани»га айланиб қолган ўзининг энг яхши ёрдамчилари ва мутахассисларини йўқотиб, Серго 1935 йилдаёқ, Киров ҳалокатидан сўнг чуқур ички бир талвасани ҳис этди. Яшашга тоқати қолмади. Иш билан овуниш ҳам қутқаролмади. Сталин инсондаги табиий шуҳратпарастликни, у шундай ҳисобларди, қаноатлантириш учун нималарни ўйлаб топмади. Сергонинг номи колхоз ва совхозларга, мактабу институтларга, кўча ҳамда майдонларга берилди...

Калинин, Ворошилов, Микоян билан суҳбатларида тобора бот-бот бирдан бир қутулиш йўли ўз-ўзини ўлдириш эканлигини тилга ола бошлади. Сўнгги бора, 1937 февраль бошида Микоян билан Кремль бўйлаб томоша қилар экан, Серго ниҳоятда тушкун руҳда эди. У тўғридан-тўғри бошқа бир кун ҳам чидолмаслигини айтди...

(А. И. Микояннинг оғзаки эсдалигидан.)

...18 февраль куни эрталаб Серго кеч уйғонди, халқ комиссариатидан тунги соат иккидан кейин қайтди. У ўз-ўзига суиқасд кунини аввалдан белгиламаган эди. Профессор Гальперинни 19 февраль кунига қабулга таклиф этганди.

...Энг сўнгги марта Сталинга, кўп йиллик дўстига оғриқли, бутун ҳаёти давомида кўтариб юрган шубҳаси бугунги кунда энг яхши одамларини ситиб олаётганлигини тушунтиришга уринди. Давра қайтариб бўлмайдиган даражада торайди. Жаҳаннам қийноғидан сўнг Сергонинг акаси — Папулия оттирилди. Неча марталаб сўнгги бир бурда нонни бўлиб еган одами Алеша Сванидзе отишга ҳукм қилинди. Алешанинг синглиси Сталиннинг хотини, унинг ўғлининг онаси эди... Бундан бир мунча илгари Оржоникидзе хонадонини ҳам тафтиш этишга келишганди. Ҳақоратланган, ғоят ғазабланган Серго бутун тун бўйи Сталинга қўнғироқ қилиб чиқди. Тонгга яқин боғланди ва шундай жавоб эшитди:

— Бу шундай орган, мени ҳам тафтиш этишлари мумкин. Ҳеч қиси йўқ...

Ўн еттинчи кун эрталаб Сталин билан суҳбат. Бир неча соат кўз кўзга тўқнашди. Иккинчи суҳбат Серго ўзини тутолмас даражада дарғазаб, ўзаро ҳақоратлару русча ва грузинча сўкинишлар билан уйга қайтиб келгач, телефон орқали бўлди. Энди меҳр-муҳаббат ҳам, ишонч ҳам тугаганди. Бариси вайрон бўлганди... (И. Дубинский. Мутадзе Оржоникидзе. М., 1963, с. 6—71).

Серго ёзув столига ўтириб, узоқ вақт нималарнидир ёзди. Унинг юқори ва пастга енгилгина силжийдиган, эгилувчан қовурғасимон қопқоқли кўхна столи бўлгич эди.

У турди, кабинети ва ётоқбўлма бўйлаб асабий юрди, яна столга ўлтирди, каравотга чўзилди. Кун оқшом томон оғди. Макеевский металлургия корхонаси директори, жияни Георгий Гвахария келди. Серго уни ўз ўғлидай яхши кўрарди, ҳар келганда қувончга тўларди.

Меҳмон Зинаида Гавриловнани ташвишли ҳолатда учратди:

— Серго азондан бери чиқмаяпти, ҳеч нарса егани ҳам, ичгани ҳам йўқ...

— Йў-ғе!.. Гавриловна, самоварни қўй-да, айт, мени келди, де.

У меҳмонхона чироғини ёқди. Бир дақиқадан сўнг қия очиқ ётоқбўлма эшигидан ўқ овози эшитилди.

Серго ички кийимда каравотда ётарди, тўппонча қўлидан полга тушиб кетганди. Оппоқ кўйлакка қонли доғ ёйиларди.

Аёл телефонга отилди, врачга қўнғироқ қилди, кейин — Верага, синглисига. Врач ҳеч қандай ёрдам кўрсатолмади, кўп ўтмай синглиси келди. Ярим соатдан сўнг Молотов, Ворошилов, Каганович, Ежов ҳамкорлигида Сталин пайдо бўлди.

Вера ёзув столи олдида туриб қўлидаги қоғоз варақларини тахлар, уларга нотекис абзацларда, эгри-бугри қилиб нималарнидир ёзилганди — одатда марҳум ўз докладлари тезисларини худди шундай қоралларди.

Сталин Верага яқинлашди:

— Бу ёққа бер! — ва аёл қўлидаги қоғозларни юлиб олди.

— Мана, ўртоқ Сталин, — деди Зинаида Гавриловна, — Сергони мен учун ҳам, партия учун ҳам асролмадик.

— Жим, эси йўқ аёл!

Доҳий меҳмонхонага ўтди, изидан — бошқалар ҳам.

— Қара, қанақанги дардисар касаллик! Одам дам оламан деб ётади, унда эса хуруж тутиб, юраги ёрилади... Газетада шундай хабар бериш керак.

Бошкотиб дастури, одатдагидек, индамай қабул қилинди.

Сергони ўраб олишди. Сталин башарасига улкан қайғули дамларидаги ифода тусини берди ва сураткашга, ўзининг катта соқчиси Николай Власикка имо қилди.

Оғир саноат халқ комиссари кенгаши секретари Анатолий Семушкин Москва-река қирғоғидаги Ҳукумат уйида яшарди. 1917 йилдан партия аъзоси, XI армия сиёсий бўлим ходими эди, Лаврентий Берия хатти-ҳаракати тўғрисида баъзи нарсаларни миш-мишларсиз айнан биларди.

Кеч соат саккиз яримда унга халқ комиссарининг шофёри Волков қўнғироқ қилди:

— Сергога чатоқ бўлди, мен ҳозир сени олиб келгани бораман.

...Семушкин хонага кирди, жонсиз Сергони Сиёсий Бюро аъзолари ўртасида кўрди.

— Улдиришди, аблаҳлар, ўлдиришди!

Ва беҳуш йиқилди.

Уни кўтаришди, диванга элтиб ўтказишди. Чакка сочлари тўсатдан оқариб кетди.

Кенг уйда аллақачон соқчилар изғишарди — қандайдир секин, хиралик қилмай титкилашарди. Иккинчи куни кечқурун бева ёзув столининг юқори ғаладонидаги тўппончаларнинг йўқолганини сезиб қолди, улар Сергода тўртта бўлиб — инқилоб йилларидан хотира эди. Бева қўрқиб қолган, хаёли паришон эди, бироқ уларни сезди. Қоғозларнинг тартибсизлигини ҳам пайқади. Ғаламисли ишлар изини кўриб, Зинаида Гавриловна Совет назорат комиссиясига, Амаяк Назаретянга қўнғироқ қилди:

— Биласанми, менда нима бўлаяпти! Бутун уйни титкилашибди, ҳатто Сергонинг номи ёзилган қуролларини ҳам олиб кетишибди.

(К. Д. Назаретян эсдалиги бўйича).

Зинаида Гавриловна ҳар эҳтимолга қарши Сергонинг барча суратларини йиғиштириб, уларни ёқиб юборди. Қонли ички кийимлару чойшабларни ўради ва кўрпа остига яшириб қўйди. Бева уларни эллик олтинчи йилгача сақлади ва XX съезддан кейин уларни яқин дўстларига кўрсатди.

21 июлда Серго Оржоникидзе мероси бўйича Марказий Комитет комиссияси тузилди. Унга олти киши кирди, шу жумладан — Анатолий Семушкин, Лев Мехлис. Сталин раис қилиб Лаврентий Берияни тайинлади. Бир ҳафтадан кейин Семушкинни Лубянкага таклиф этишди. У чекист ўртоқлардан Серго таржимаи ҳолига оид материаллар қидирибгина топишда фаол ёрдам кутиб, бажонидил борди. Семушкин у ердан қайтмади.

Эртасига унинг хотини Аннани терговчилар сўроққа тутишди:

— Оржоникидзени эринг ўлдирганини билармидинг? Билгансиз, албатта. Нимага дарров хабар қилмадингиз?

Анна Михайловна: Нима деяпсизлар? Ўртоқ Сталиннинг ўғли Яшадан сўрангизлар. Биз у куни ҳаммамиз бирга боғ-ҳовлида эдик.

Терговчи: Сўрашнинг ҳожати йўқ, шусиз ҳам ҳаммаси равшан. Ўз гувоҳлигингизга қўл қўйинг.

— Мен имзо чеколмайман...

Терговчи даҳлиздан соқчини чақириб олди:

— Мана бу граждан Семушкина ўз гувоҳликларини тасдиқлашдан бош тортаяпти. Сизнинг иштирокингизда унинг учун қўл қўяман.

Ва имзо чекди. У, шубҳасиз, бу борада аниқ йўл-йўриқ олган эди.

Семушкин ўлди, Анна Михайловна саккиз йил лагерда тентиради.

1956 йил, XX партия съездидан кейин Семушкиннинг беваси СССР Бош прокурори қабулига киришга муваффақ бўлди. Руденко орқали аён бўлдики, Анатолий Семушкинни ўттиз саккизинчи йили Лубянкада Лаврентий Берия шахсан ўзи отган...

„Йилномалар тарихи

«Ҳурматли редакция!

Мен йил ҳисоби хусусида, фасллар ҳақида, «чилла» тўғрисида кўпгина манбаларни эшитганман. Лекин, бу календарь — йилнома, саналар ҳисоби мени таажжубга соладики, унинг тартиби турлича. Гоҳ милод, гоҳ ҳижрий, гоҳ Қуёш, гоҳ Ой, гоҳ Қамарий, гоҳ Шамсий йилномалари бор. Шулар ва шунга ўхшаш йил ҳисоблари хусусида батафсилроқ маълумот беришларингизни истар эдик.

Мардонбек ТОШЕВ»

Бу каби саволлар кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Баъзан йил ҳисобида англашилмовчиликка ҳам дуч келинади. Адашмаслик учун ҳар йили ўзбекча уй календарларида «Йилнома» ҳақида қисқача маълумот берилиб борилади. Лекин, бу манба йил ҳисобига қизиқувчиларни ҳамиша ҳам қаноатлантиравермайди. Ҳақиқатан ҳам, бу борадаги чалкашликларни ойдинлаштириш керак.

Хўш, Милод қачондан бошланган?

Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ал-боқия» — «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида хабар беришича, Ўрта Осиё халқлари эронликлар билан бир қаторда зардуштийлик (оташпарастлик) динининг ярим афсонавий асосчиси Зардушт ибн Сафид Тумон юзага чиқишидан ўз тарихларини бошлаганлар. Бу тахминан эрамиздан аввалги 670 йилларга тўғри келади.

Европа мамлакатларида христианлик ёйила бошлаган дастлабки йилларда турли йил ҳисоблари қўлланилган. Улар бир-бирига мос келмасди, оқибатда халқларнинг ўзаро маданий алоқаларида, кундалик турмушда анча-мунча чалкашликлар юзага келарди. Шу сабабли турли йил ҳисобларига барҳам бериб, ягона йилномани тузиш лозим бўлиб қолади. Бу йил ҳисоби милод деб аталди. Унинг маъноси қуйидагичадир.

Милод (араб тилида туғилиш) янги эра—кўпгина мамлакатлар томонидан қабул қилинган йил ҳисобининг боши ва йил ҳисоби тузилиши. Милодий йил афсонавий Исо пайғамбарнинг (Иисус Христос)нинг «туғилиши»дан ҳисобланади. Христианлик тарқала бошлаши «олам яратилиш» эраси — Диоклетиан эраси ҳам дейилади. Бу борада афсонавий Исо пайғамбарнинг тарихий шахс эканлигини исботлаш мақсадида римлик монах Дионосий Диоклетиан эрасининг 248 йилида «бундан 526 йил муқаддам Рим барпо қилинишининг 753 йили Исо пайғамбар тавваллуд топган» деб эълон қилади ва тарих шу санадан бошланиши лозим дейди. Аслида эса, Исонинг туғилган куни ҳақида асосли ҳеч бир далил йўқ.

Ҳозир амал қилаётган календарь милодийдир. Бу календарь, эрамиздан олдин 46 йилда Рим императори Юлий Цезарнинг илтимосига кўра, александриялик астроном Созиген тузган йилномага асосланган дир. Унда йилнинг узунлиги 365 кун 6 соат деб олинган. Асрлар ўтган сари бу йилноманинг хатоси борлиги сезила бошлади. 1551 йилга келиб, астроном Эразм Рейнгольд бир йилнинг узунлигини анча катта аниқлик билан топди. Н. Коперник тадқиқотларига суянган Рейнгольднинг аниқлашича, бир сутка 24 соат; бир ой 29 сутка 14 соату 3 минут; бир йил эса 365 кун 5 соат 48 минуту 46 секунд. Бу эса Юлий Цезарь йилномасидаги йил узунлигидан 10 минуту 44 секунд қисқа. Бундан анча олдин нашр қилинган Альфонс жадвалига кўра, бу хатолик 10 минуту 36 секундни ташкил этади. Шунинг учун ҳам XVI асрда Рим папаси Буанкам панью (тарихда Григорий XIII номи билан танилган) топшириғига кўра, Луиджи Лилио Юлий йилномасининг ўртача хатолигини 10 минуту 40 секунд деб олди. Қуёш йилномаси қадимги Мисрда — биз яшаётган эрагача, 4 минг йил олдин пайдо бўлгани ҳақида манбалар бор. Бу йилнома асосида бир қанча миллий халқ йилномалари вужудга келган. Ҳинд, Юлиан, Григориан йилномалари шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, милодий йилноманинг янги лойиҳаси қачондан кучга кирган?

1576 йилда янги йилнома лойиҳаси тайёр бўлди ва Григорий XIII томонидан тузилган астрономлар ва руҳонийлардан иборат комиссия мазкур лойиҳа билан танишиб чиққач, 1582 йили Рим папаси махсус ислоҳ билан уни қабул қилди. Бу янги йилнома Григорий номи билан аталди.

Бизга рус тили орқали келган «календарь» сўзининг ўз маъноси бор. Яъни «календарь» сўзи лотинча бўлиб, «қарздорлик китоби» маъносини билдиради. Қадимги Римда ҳар ойнинг биринчи кунида «қарздорлик китоби»га номи тушганлар қарзи учун маълум устама тўлаганлар. Кейинчалик «календарь» сўзи бошқача тус олган ва «йилнома» маъносида ишлатила бошлаган.

Ой ва Қуёш йилномаларининг ҳам ўзига хос маъноси ва фарқи бор.

Узоқ муддатли вақт оралиқларининг кунлар, ҳафталар, ойлар ва йиллар бўйича солинган тартиби, «йилнома», «тақвим», «календарь» дейилиб, уларни тузиш, осмон жисмларидан Қуёш, Ер ва Ой айланма ҳаракатининг даврларига асосланган. Эслатилган осмон жисмларидан биронтасининг даври иккинчисиники билан аниқ, яъни қолдиқсиз ўлчана олмайди. Масалан, Ернинг Қуёш атрофидаги айланиш даври (бир йилни суткаларда ифодаласак, тахминан 365,25 сутка чиқади. Бунда қолдиқ 6 соатга тенг бўлади. Бир йилни Ойнинг Қуёш атрофида айланиши (Қуёшга нисбатан) даври ҳисобланганда, у 12 ойу ва яна 11 (айрим ҳолларда 10 ёки 12) сутка қолдиқ қолади. Бир ой кунлар бўйича ифодаланганда, 29 суткаю, яна 12 соатдан кўпроқ вақт қолдиқ сифатида ортиб қолади. Демак, йилномалар қайси осмон жисмининг айланиши даври асос қилиб олинишига ҳам боғлиқдир.

Ойнинг Ер атрофида айланиш даври 29, 53 сутка йилнома учун асос қилиб олинса, у Ой йилномаси дейилади. Ой, арабчасига қамар, демакдир. Қамарий йилномаси шу сўздан келиб чиққан. Бордию, Қуёшнинг Ер атрофидаги кўринма ҳаракатининг (бу Ернинг Қуёш атрофидаги ҳаракати туфайли содир бўлади) даври асос қилиб олинса, бу Қуёш йилномаси деб аталади. Қуёш арабчасига Шамс, яъни Шамсий йилномаси ана шу сўздан пайдо бўлган.

Қуёш ва Ой йилномаларининг фарқига келганимизда, Қуёш йилномаси милодий йилнома ҳисобида қўлланилади, Ой йилномаси эса мусулмонлар ёки Муҳаммад йилномаси дейилади. Қуёш йилномаси борасида сўз юритганимиз туфайли энди Ой йилномасига тўхталмоқчимиз.

Ой йилномаси Муҳаммад пайғамбар Маккадан Мадинага кўчиб ўтган йилнинг бошидан ҳисобланади. Бу Григориан календарига мувофиқ 622 йилга тўғри келади. Арабчада кўчиб ўтмоқни — «ҳижрат» дейилади. Шу сабабли Ой тақвими, йилномаси Ҳижрий деб аталади. Ҳижрий йилномасига кўра, бир йилнинг узунлиги 354 ёки 355 кун бўлганидан, унда янги йилнинг бошланиши, ҳозир биз ишлаётган Қуёш йилномасига тўғри келмайди. Ой йилномасида йил фаслларига ҳам бизнинг ҳозирги ойларга мос тушмайди ва фаслларнинг бошланиши бир ойдан иккинчисига кўчиб юради. Ҳижрий йил ҳисобида ойлар номи қуйидагича:

1. Муҳаррам — 30 кун — Ашир ойи; 2. Сафар — 29 кун — Сафар ойи; 3. Раби-аль-аввал — 30 кун — Тўрт оға-ининг биринчи ойи; 4. Раби-ас-сани — 29 кун — Тўрт оға-ининг иккинчи ойи; 5. Жумади йўль-аввал — 30 кун — Тўрт оға-ининг учинчи ойи; 6. Жумадийус-сани — 29 кун — Тўрт оға-ининг тўртинчи ойи; 7. Ражаб—30 кун — Моҳиражаб ойи; 8. Шаъбан — 29 кун — Борот ойи; 9. Рамазон — 30 кун — Рўза ойи; 10. Шаввал — 29 кун — Ҳайит ойи; 11. Зулқаъда — 30 кун — Орай ойи; 12. Зулҳижа — 29 ёки 30 кун — Қурбон ойи.

Аввал эслатиб ўтганимиздек, Қуёш йилномаси бўйича 622 йил 16 июль жума кунидан ҳижрий йили Григориан календаридан 10-11 кун олдин бошланади. Демак, йил якунига кўра, ҳар 100 йилда ҳижрий ой йили Қуёш йилномасидаги ҳисобдан 3 йилга қисқаради. Бу рақам 1000 йилда 30 йилни ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳижрий ой йилномаси милодий Қуёш йилномаси билан солиштирилганда, ҳар 100 йилда 3 йил чиқарилади:

Масалан: 1405—42+622=1985

Энди, Ой йилномасини чиқаришда бу формула тескари ҳолда қўлланилади. Масалан: 1985—622+42=1405

Олдинги йилномалардан ташқари, асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчиларнинг ўз ҳисоблари ҳам мавжуд. Бу йил ва фасллар ҳисобини халқ ҳисоби ҳам деб аталади. Ҳисоб қуйидагича олиб борилади:

I. ДАЛВ.

3 кун — оёқ тирноқлари ёки бармоқлари; 3 кун — тирноқдан тўпиққача; 3 кун — тўпиқнинг ўзи; 3 кун болдир; 3 кун болдир мускули; 3 кун — тизза ости.

II. ХУТ.

3 кун — тизза; 3 кун — сон; 3 кун — жинсий аъзолар; 3 кун — орқа; 9 кун ичак; 9 кун — қобирға.

III. ҲАМАЛ.

3 кун — юрак; 3 кун — қорин; 3 кун — юрак боғлами ёки юрак пайи; 3 кун — кўкрак; 3 кун — қўлтиқ ости; 3 кун — елка; 3 кун — ияк; 3 кун — лаблар ва тишлар.

IV. САВР.

3 кун — бурун; 3 кун — қулоқ; 3 кун — кўз; 3 кун — тепа ёки бош; 3 кун — мия.

Шу билан баҳор фаслининг 40 куни — «чилласи» бошланади.

Саврнинг 17-кунидан жавзонинг охиригача 46 кун. Яна қирқлик давом этади. Бу билан ёзги «чилла» — 40 кунлик бошланади. Саратоннинг биринчи кунидан бошланиб, асаднинг 13-кунида тамомланади. Асаднинг 14-кунидан бошлаб, вақт-кунлар яна одамнинг аъзойи қисмлари билан ҳисобланади. Бу олдинги ҳолатнинг тескариси бўлиб, бошдан оёққа қараб боради. Шундан кейин эса кузги «40 кунлик» бошланади. Ақрабнинг 18-кунидан, яъни 12 кун олади ва қавснинг 29 куни билан якунланади ва жаъми 41 кунни қамрайди. Шу билан халқ ҳисобида вақтни инсон аъзолари қисми билан ҳисоблаш якунланади.

Фасллар ойлари қуйидагича номланади:

Қиш	Баҳор	Ёз	Куз
Жадд-	Ҳамал	Саратон	Мезон
Далв	Савр	Асад	Ақроб
Хут	Жавзо	Сунбула	Қавс

Булардан ташқари, мучал ҳисоби ҳам бор. Шарқ халқлари ичида кенг тарқалган йил ҳисоби бўлиб, бир мучал 12 йилга тенгдир. Аммо, биринчи марта мучал 13 ёшда келади. Мучал ҳисобида 12 йил, ўн икки ҳайвон (жонивор) номи билан аталади.

Милод ҳисобида мучал йили 21 ёки 22 мартдан бошланади. Мучал

ҳисобида одамнинг ёши она қорнида пайдо бўлган кунидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мучал ағдарилганда, туғилган йилга 9 рақами қўшилади (бу она қорнидаги 9 ойдир) йиғинди 12 га бўлинади. Қолдиқ сон мучал йилларининг тартиб рақамини билдиради. Масалан:

1940+9=1949

1949:12=162, қолдиқ 5.

Демак, бу одам бешинчи жонивор номи билан аталувчи — балиқ йилида туғилган.

МУЧАЛДАГИ 12 ЖОНИВОР НОМИ

(Қавс ичида форсий номлари берилган)

1. Сичқон (Муш); 2. Сигир (Бақар); 3. Йўлбарс (Фаланг); 4. Қўён (Ҳаргуш); 5. Балиқ (Наҳанг); 6. Илон (Мор); 7. От (Асп); 8. Қўй (Гўсфанд); 9. Маймун (Ҳамдуна); 10. Товуқ (Мурғ). 11. Ит (Сак); 12. Тўнғиз (Ҳўк).

Тарихий ва муҳим йилларни билишда бошқа ҳисоб ҳам мавжуд. Бу ҳисобни араб алифбесининг 4 ҳарфи — (алеф, бе, жа, д) қўшилиб «абжад» ҳисоби деб аташади. «Абжад» ҳисобида араб алифбесининг 28 ҳарфи, маълум бир сонлар белгисини билдиради.

Биринчи ўн ҳарфида 1—10 гача бўлганлар. Сўнг 10-ҳарфидан бошлаб, сонлар ортига қўйилади. Бунда 10, 20, 30 ва ҳоказолар ҳосил бўлади. Яъни «Абжад» ҳисоби қуйидагича аниқланади:

ҲАРФЛАР	СОНЛАР	ҲАРФЛАР	СОНЛАР
ا	1	س	60
ب	2	ع	70
ج	3	ف	80
د	4	ص	90
ه	5	ق	100
و	6	ر	200
ز	7	ش	300
ح	8	ت	400
ط	9	ث	500
ى	10	خ	600
ك	20	ذ	700
ل	30	ض	800
م	40	ظ	900
ن	50	غ	1000

Ушбу жадвал ҳисобида ҳарфлар белгисидаги сонлар қўшилиб, исталган йилни, кунни Қуёш ва Ой йилномалари бўйича топиш мумкин. «Абжад» йўлида ҳисоблашни осонлаштириш учун 28 та араб алифбесидаги ҳарфларни сунъий равишда 8 қисмга бўлиб олмоқ керак:

ҲАРФЛАР	СОНЛАР
ابجد	1,2,3,4
هوز	5,6,7
حطى	8,9,10
كلمن	20,30,40,50
سعفص	60,70,80,90
قرشت	100,200,300,400
ثخذ	500,600,700
ضظغ	800,900,1000

Маълумки, 21 мартда кундуз билан кеча тенглашади. Бу баҳор фаслининг бошланганидан дарак беради. Одатда, бу фаслда деҳончилик юмушларига киришилади. Бу кун қишлоқлару шаҳарларда дошқозонларда сумалагу ҳалимлар пиширилади. Одамлар бу тансиқ таомлардан тановвул қилишиб, қишки толиқишдан баҳорга соғ-омон етиб келганликларини оммавий байрам қиладилар. Неча кун миллий халқ сайиллари давом этади. Наврўздан янги мучал йили бошланади.

Қуёш йилномаси жаҳонда халқаро календарь деб ҳам ном олди. Бу йилнома ҳисобида кўп вақтлар 1 март янги йил ҳисобланган. Сўнгра янги йил 1 сентябрга кўчирилган пайтлар ҳам бўлган. 1699 йил 15 декабрда Петр I йилнома ислоҳини ўтказди ва шунга кўра 1700 йил 1 январдан янги йил ҳисоби бошланди.

Россияда бу йилномага Улуғ Октябрь инқилобидан кейин — 1918 йилнинг 1 февралида ўтилди. Бу даврга келиб, Юлий йилномасининг хатолиги 13 суткага етган эди. Шунинг учун ҳам Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 25 январдаги Декретида: «...31 январь сешанба кунининг эртаси 1 февраль ўрнига 14 февраль чоршанба қабул қилинсин», дейилган эди. Бу йилнома амалда қўлланиб келинмоқда.

Янги йил ҳамма жойда ҳар хил пайтда кутиб олинади. Масалан, Бали ороли ва Индонезияда янги йил ҳар хил вақтларда кутилади. Уларнинг маҳаллий йилномасида бир йил 210 кундан иборат. Янги йил шодиёнаси Эфиопияда 11 сентябрда, Бирмада 17 апрелда, Вьетнамда февраль ойида, Малайзияда 4 мартда ўтказилади. Аввал европачасига, сўнг ҳиндчасига, яна хитойча ва мусулмонча. Инклар эса янги йилни 22 декабрда байрам қиладилар.

Ҳозир, бизнинг ҳисобимизга кўра 1989 йил. Японларда эса «63-Сёва йили». Уларда 63 йил муқаддам, 1926 йилда император Хорохита тахтга ўтирган. Шу йилдан бошлаб Японияда миллий йил ҳисоби кучга кирган. Эронда ҳозир 2546 йил. Чунки, қадимги Эрон шоҳи Кайхусрав шунча йил олдин тахтга ўтирган экан.

Йиллар келиб кетаверади, асрлар барпо бўлаверади. Лекин йиллар ҳам, асрлар ҳам халқ, яъни одамзод учун хизмат қилади.

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

МЕНИ КУТГИЛ...

...1944 йилнинг 14 феврали. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Изғирин этни жунжиктиради. Фронт чизиғининг ҳар иккала томони жимжит. Сукунат оғушида гўё бу ерларда анчадан буён уруш бўлмаётгандек. Аммо ҳар дақиқа хатарли. Бирон соатдан кейин душман снаряд ва миналари кетма-кет ёрила бошлади. Алоқачи Эшмурод Жўраев хизмат қилаётган 236-гвардиячи ўқчи полк жангчилари сафи тобора сийраклаша бошлади.

Кузатув пунктида турган полк командири ўз ҳузурига Жўраевни чақиртирди.

— Жўраев, ҳозир сиз Иван Михайлов ва Петр Сидоровлар билан рўпарадаги уй томон разведкага борасизлар. Узингиз билан дала телефонини ҳам олиб кетинг. Натижани хабар қилиб турасиз.

Якка уйга етай деб қолишганда Эшмуроднинг ҳамроҳлари дайди ўқдан яраландилар. У энди бир ўзи олға интилди. Қаердадир шу атрофда душман снайпери жойлашиб олган эди. Синчиклаб қаради. Қаршисидаги уй томида қандайдир шарпани илғаб қолди.

— Уйда душман кузатувчи снайпери жойлашиб олган, масофа беш юз метр. Шошилинч ўт очилсин,— хабар берди телефонда у.

Эшмурод бошқа ҳеч нарса дея олмади. Шундай ёнгинасида снаряд портлади. Қўлтиғи жизиллаб ачишди-ю, ҳушидан кетди. Артиллериячилар ҳужум билан Эшмурод Жўраев «ҳалок бўлган» Большая Кострома қишлоғини ишғол этдилар.

Енида портлаган снаряд Эшмуродни бутунлай кўмиб ташлаган, ғира-шира қоронғиликда бу ерда ҳушсиз яradор ётганлигини ҳеч ким сезмас эди. Бир-икки кун ўз қисмидан ажралиб қолди. Кейин уни топиб олишди. Мард жангчи топилгунга қадар унинг уйига «қора хат» жўнатиб қўйилган эди.

У жангларда кўрсатган жасорати учун «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланди.



«Қора хат» олган жигарбандлари Эшмуродга аза очдилар. Аммо хотини унинг ҳалок бўлганига сира ишонгиси келмас, қулоқлари остида унинг: «Зуҳра, хавотир олма, тезда ғалаба билан қайтамиз», деган гаплари жаранглаб турарди, тиқ этса эшикка қарарди. Унинг кутгани бўлди. У 1944 йил 15 июнь куни оиласи бағрига ўз оёғи билан кириб келди.

Эшмурод Жўраев 1914 йил Самарқанд областининг Оқдарё районига қарашли Тўрт айғир қишлоғида дунёга келган. У уч яшарлигида отаси Жўрабой вафот этди, онаси Анорхол уни вояга етказди. Ўрта мактабни тугатгач, колхозда секретарь бўлиб ишлади. 1936 йил август кунларининг бирида колхозга Йўлдош ота Охунбобоев ташриф буюрди ва тасодифан улар суҳбатлашиб қолдилар. Ота маълумотли кадрлар давр учун жуда зарурлигини айтиб, уни рабфакка ўқишга киришга таклиф этди.

1941 йилнинг май ойида Эшмурод КПСС сафига қабул қилинди. 1942 йил 25 декабрда эса 90-аломҳида ўзбек ўқчи бригадаси сафида фронтга жўнади. Шу ойдаёқ Москва дарёси ёнида жангга кирган Эшмурод Жўраев кейинчалик Сталинградда, қардош Украина тупроғини тозалаш жангларида матонат кўрсатди. Бу орада икки марта оғир яраланди.

1977 йили пенсияга чиққач, Эшмурод ака жангу жадал билан кезган ерларини, ўзи «дафн этилган» қардошлик мозорини зиёрат қилиб қайтди. Қуролдош дўстлари билан учрашди.

Фронтдан қайтгач, у Оқдарё районидаги «Октябрь» колхозида ҳосилот Советининг раиси, район давлат суғурта бош инспектори, Кумушкент қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси, «Ғалаба» колхози правлениесининг раиси, район матлубот жамияти правлениесининг раиси, район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори бўлиб ишлади. Айни пайтда пенсионер, Улуғ Ватан уруши ветерани Эшмурод Жўраев район ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Йигирмадан ортиқ невара-чевараларидан бағрида тинч-тотув, шоду хуррам ҳаёт кечирмоқда.

Комил ЖУМАЕВ

БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА ЧИН

* * *

— Ойингизни яна ўзимизникига олиб келмасак бўлмайди, дадаси.

— Ие, иссиқ шамол қаёқдан эсди, ойиси, қайнонамдан оқ безор-кўк безорман, дердинг-ку?

— Ўйлаб қарасам, эрта-индин сигиримиз туғади. Иннайкейин, иккаламиз курорт-пурортга борганимизда, болаларга қараб, рўзғорни эплаб турадиган одам ҳам керак-ку. Яна иннайкейин, эшитишимча, ойингизнинг пенсиялари ҳам кўпайибди. Ҳа, бугуноқ бориб, ўзим эргаштириб келаман.

* * *

— Ойиси, ошни ўзинг пиширдингми ёки?.. Бу, ҳалигидай, жуда...

— Нима, ҳалигидай, дадаси? Оғзингизга ёқмадими?

Эр тортиниброқ деди:

— Ошнинг тузи хиёл баланд бўлибдими дейман?

Хотин ўша заҳоти шаддотлик билан жавоб берди:

— Ошга атайлаб кўпроқ туз ташлаганман, қолганини эртага шовла қилмоқчиман.

* * *

Опаси укасидан сўради:

— Шавкатжон, биттасини танла: сен шоколадни яхши кўрасанми ёки пирожнийними?

— Аввал икковини ҳам еб кўрай, кейин айтаман,— деб жавоб берди укаси.

Салоҳиддин СОЛИЕВ

Хатирчи

ЭЗМА

Гапи тамом бўлмайди,
Шошилганинг билмайди,
Ҳеч эътибор қилмайди,
Дўстлар, айтинг, нетайин?

Бировни деса ўпоқ,
Бировни дейди сўпоқ,
Фикрлари ғўр-тўмтоқ,
Қайга қочиб кетайин?

Чакак тегмас чакакка,
Тингловчи ўзим якка.
Қочайми бўлиб ҳакка,
Токай зардоб ютайин?

Димоғдор, баланд бурни,
Гап сотиб ўтар умри,
Ҳамма зоғу, у «кумри»,
Сирин ошкор этайин.

Асрор ҚИЛИЧЕВ

Қашқадарё области

МУТОЙИБАЛАР

— Ўғлим, шаҳарда нималарни кўрдинг, бир бошидан гапириб бер.

— «Холисхон», «Нурхон», «Гулсара»ларни мириқиб томоша қилдим.

— Ҳай, дадаси, ўғлимизни шулардан бирига уйлантириб қўяқолайлик?

* *
*

— Нега футбол ўйинини уйда, телевизорда кўрмай доим стадионга борасиз?

— Уйда бақираолмайман!



ЯРМИ САНГА, ЯРМИ МАНГА

(БИР ЮЛҒИЧ МАГАЗИН МУДИРИНИНГ ШОГИРДИГА НАСИҲАТИ)

Гапларимга қулоқ солгин,
Қулоғингга илиб олгин,
Анқовларни шилиб олгин,
Пул дегани бўлар танга,
Ярми санга, ярми манга.

Бир мурувват айлаб қўйдим,
«Эпчилсан», деб танлаб қўйдим,
«Ёғлик» жойга жойлаб қўйдим.
Пул дегани бўлар танга,
Ярми санга, ярми манга.

Имиллама, чаққон тез бўл,
Хушмуомила, ширин сўз бўл,
«Ўғри», деса шўппай, без бўл.
Пул дегани бўлар танга,
Ярми санга, ярми манга.

Эҳтиёт бўл, ҳушёр тургин,
Чўт қоққанда, жўшиб ургин,
Уч-тўрт дона қўшиб ургил,
Пул дегани бўлар танга,
Ярми санга, ярми манга.

Хушвақт ўтказ, қиш, ёзингни,
Унутмагин устозингни,
Баҳам кўргин кўп-озингни,
Пул дегани бўлар танга,
Ярми санга, ярми манга.

Ҳикмат МУСУЛМОНОВ

Самарқанд область,
Советобод райони


ЛОФ

Бўтабой лофчи қовурғаси тоқидай чиқиб турган ориқ сигирларни кўрсатиб, мақтанди:

— Мен бу жониворларнинг охурини сақич билан тўлдириб қўйдим, қиш бўйи хашак сўрамай, кавш қайтариб ётаверади энди!

— Ҳаётдан орқада қолиб кетибсиз, жўра,— деди Ўтабой лофчи қўл силтаб.— Мен фермадаги ҳамма молларга уйқу дори ичказиб қўйдим: энди бояқишлар айиққа ўхшаб уч ой ухлаб ётаверади.

АСАББУЗАРЛАР



Сервис инглизча сўз бўлиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжи ва талабларини қондириш учун барча қулайликлар яратиш, чунончи, кишиларнинг буюмларини тез тузатиб бериш, харид қилган нарсаларини уйига элтиб бериш, адрес ва бошқаларни аниқлаш, қисқа қилиб айтганда, хизмат-беминнат деган маънони билдиради. Аҳолининг ҳожатини чиқараётган бундай қулинг ўргилсин муассасалар ҳозир ҳамма жойда қойилмақом қилиб ишлаб турибди. Ана шундай ҳожатбарор маскандан бири Тошкентнинг қадимий, ҳаммага маълум ва машҳур бўлган Хадра мавзеида, Навоий ва Ойбек кўчалари кесишган жойда, озиқ-овқат магазини ёнида жойлашган. Бу ерда... хорижий мебель эмас, самолёт билети сотилади. Бу мўътабар жой, авиабилет сотиладиган касса деб аталади! Содда йўловчи: модомики бу касса сервис номидан иш кўрар экан, балки чиптани уйга элтиб берар, деб хомхаёл қилар. Обориббериббўпти! Агар билетталаб бўлсангиз, каллайи саҳарлаб келиб, навбатга туринг. Қуёш нуридан ҳимоя қиладиган пана жой, ўтиришга бирор скамейка йўқлиги учун папкангизга уч-тўртта ғишт сола келинг. Бўлмаса Худоёрхоннинг сарбозидай тик туриб, тўхтовсиз тамаки тутатасиз.

Ана, кун ёнаман дейди, асфальт ҳолвадай бўшашган, навбат кутаётган ёшлар бетоқат, қариялар тажанг, оналар кўлидаги гўдаклар хархаша қилиб йиғлайди. Бу, ёзнинг жазирама иссиғида бўлаётган машмашалар. Қишда дийдираб, баҳор ёмғирларида шалаббо бўлиб турган кишиларга нима дейсиз?

Навбатда сарғайиб турган йўловчилардан эшитинг:

«Мен Жумаев Баҳриддин, соат 11 да навбатда туриб, соат 5 яримда билет олдим. Ҳозирги қайта қуриш замонасида ҳам шунақа бўладими? 7 соат вақтим зое кетди. Кун бўйи оёқда турганим учун белим оғриб қолди. Навбатда турган қариялар кассирнинг суст ишлашидан қаттиқ хафа бўлдилар. Қашқадарё область, Усмон Юсупов райони». (Бундай шикоятларни кўплаб келтириш мумкин).

Маълумки, матбуотда билет кассаларидаги тартибсизликлар, кассирларнинг қўполлиги, йўловчиларнинг сарсон-саргардонлиги ҳақида кўплаб танқидий фикрлар айтилаяпти. Аммо, урсанг бети қотар деганларидай, бу соҳада бирор ижобий ўзгариш бўлмаяпти. Тегишли мутасадди сансалорчилар ишда қачон бурилиш ясайдилар. Асаббузарлик қачонгача давом этади?

А. ИСОМИДДИНОВ

ЛАТИФАЛАР

Шилқим йигит бир қизни тўхтатиб, муҳаббат изҳор қилди:

— Сизни кўрдиму бошимни йўқотиб қўйдим, нима қилай, жоним?

Афанди унга маслаҳат берди:

— Анави муюлишда «Топилмалар столи» бор, учрашсангиз, йўқотган қовоқ каллангизни топиб беради.

* * *

— Набирангизга бир йигит: «Венерахон, рози бўлсангиз, йўлдош бўлиб атрофингиздан айланардим», деб хат ёзибди.

— Унақа думли юлдузлар бир лаҳзада йўқ бўлиб кетади, бўлмайди! — деб қўл силтади Афанди.

Ўқир-ўқирлар

«Жон қизим, набирам касалхонага тушиб қолибди, билет бера қолинг, деб ялинсам, кассир: вақтим тугади, кеча келинг деб туйнугини бекитиб қўйди. Беш соат навбат кутиб, чапак чалиб қолавердик. Ҳурматли редакция, бу олифта бюрократларнинг бурнига чертиб қўядиган мард топилмайдими!»

(Шикоятдан)

«Турғунлик йиллари ёш қизга «хазиллашиб» қўйиб, салкам ўн йил ўтириб чиқдик. Турғунлик йиллари қурбони сифатида паспортимни тозалаб беришингизни сўрайман».

(«Бегуноҳ фаришта»нинг маъмурий идорага ёзган илтимоси)

Имтиҳон олаётган домла: «Шунча гапдан кейин қизармадингиз-а,» деб, уялтирмоқчи бўлган эди, «қоним кам бўлса нима қилай,» дедим. «Тар мева енг деб», маслаҳат берди домла. «Бозорда нокнинг нархи 6 сўм, олма, узумнинг килоси 3, 4 сўм бўлса, пулни қаёқдан оламан!» деб кулиб юбордим».

(Стипендия олмай ўқийдиган талабанинг гапи).

«Тошга ёмғир кор қилурми, муттасил ёққан билан...»

(Харидорлар ҳақига хиёнат қиладиган териси қалин сотувчининг ашуласидан)

«Шоҳистахон, Шоҳиста, Якан келтир, оҳиста...»

(Отарчининг тўйдаги хиргойисидан).

«Бир институт ўқитувчисидан: «Домла, ҳозирги ошкоралик даврида нега порани ошкора олмаяпсизлар», деб сўрасам, у: «Унда, виждонимиз бор-йўқлиги ошкора бўлиб қолади», деб жавоб қилди».

(Ўғлини ўқишга олиб келган отанинг сўзлари)



— Ўғлим, тўрт кило картошка, икки кило сабзи, бир кило...

— Бозор қаердалигини билмайман, ўзингиз бора қолинг.

Ҳ. Содиқов чизган расм.

МУҚОВАДА

Биринчи бетда:

«Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз харидорлар дидига мос бўлсин!»— Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси моҳир чеварри, Ленин ордени нишондори Саодат Тоҳирова, чеварлар бригадаси етакчиси Матлуба Дўстматова, тандур цехи тўқувчиси Мастура Раҳимовалар нинг шнори мана шундай.


В. МОСИН фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ва «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.

КРИПТОГРАММА



Криптограммани ҳал этсангиз, инқилобчи шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг улуғ доҳий Владимир Ильич Ленинни мадҳ этган шеъридан тўрт мисра ҳосил бўлади.

1. Ҳамзанинг маърифатпарварлик руҳида ёзилган шеъри — 15, 5, 1.
2. Туркистонда маърифатпарварлик намояндаларидан бири, газета ва журналлар ташкилотчиси — 6, 13, 14, 6, 16, 11, 1, 8.
3. Инқилобий қўшиқлардан бирига айланган машҳур шеър — 14, 7, 8, 1, 19, 20, 1, 3, 2, 9
4. «Паранжи сирлари» пьесаси персонажи — 9, 16, 18, 21, 2, 17.
5. Комил Яшин романи — 14, 2, 17, 23, 2.
6. Ҳамза ташкил этиб, нашр эттирган журнал номи — 24, 13, 4, 10, 2, 19.
7. «Бой ила хизматчи» драмаси қаҳрамони — 22, 2, 17, 1, 3, 2.
8. Бадиий асарнинг сўнгги қисми — 12, 7, 21, 1, 17, 2.

ТУЗУВЧИ: **Фозилжон ОРИПОВ**

2-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 1. Консерватория. 4. Босқон. 5. Паррак. 10. Санаторий. 14. Рязань. 15. Ошпаз. 16. Уганда. 19. Микрон. 20. Арашон. 21. Европа. 23. Пишлоқ. 26. Тарона. 27. Нефть. 28. Читтак. 31. «Запорожец». 32. «Авесто». 33. Хавоза. 34. Паррандачилик.

БЎЙИГА: 2. Саодат. 3. Опарин (Александр). 4. Бронза. 6. Камина (Мамедвали). 7. «Нахшон». 8. «Соната». 9. Қирғизистон. 11. Твардовский. 12. Ангишвона. 13. Агрономия. 17. Ирмоқ. 18. Бахши. 22. Ацетон. 23. Петров (Василий). 24. Эритма. 25. Оттава. 29. Пастер (Луи). 30. Чегачи.

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, Э. МУҲАММАД (масъул секретарь), М. МЎЙДИНОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН.

«Гулистон»— ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Рассом Темур Саъдулла
Тех. ред. М. Абдуллаев **Корректор М. Набиева**


Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 17.01.1989 й. Босишга рухсат этилди 3.03.1989 й. Р.—11611. Қоғоз формати 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Буюртма 5133. Тиражи 143629. Баҳоси — 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси. 41.







Баҳоси 35 тийин.
Индекс 75233.



